ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# АЛОҲИДА ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Илмий –методик тўплам

Тошкент 2013

Алоҳида ёрдамга мухтож болаларни тарбиялашда оила ва мактаб ҳамкорлиги. Илмий тўплам

Илмий тўплам 2012 йил "Мустаҳкам оила йили"га бағишланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва Технологиялар қўмитасининг ИТД 1-62-сонли Шартномаси доирасида нашрга тайёрланди.

Тўплам педагогика фанлари доктори, профессор Л.Р. Муминова ва педагогика фанлари номзоди, доцент Л.Ш. Нурмухамедоваларнинг умумий таҳрири остида нашрга тайёрланди.

Тақризчилар: педагогик фанлари доктори, профессор
Н.Х Рахманкулова
Педагогика фанлари номзоди, профессор
Р.Ш. Шомахмудова

Илмий тўплам алоҳида ёрдамга мухтож болаларни тарбиялашда оила ва мактаб ҳамкорлигига бағишланди. Мутаҳассисларнинг тўпламда жамланган мақолаларида ривожланишида муаммоси бўлган болаларни коррекциялаш, уларга махсус таълим-тарбия бериш, ижтимоий мослаштиришда ота-оналар ва мутахассислар хамкорлиги масалалари батафсил ёритилган.

Илмий тўплам махсус ва умумтаълим муассасаларининг узлуксиз тизимида фаолият кўрсатувчи педагог, тарбиячи, дефектолог, логопедлар, педагогика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, магистрлари ва бакалавр-талабалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институлари тингловчилари, колеж ўқувчилари ва ота-оналар учун мўлжалланган.

Илмий тўплам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 13 декабрь 5-сонли қарори билан тасдиқланган.

## Шарқ мутафаккирларининг оилада фарзанд тарбиясига оид қарашлари

Нурмухамедова Л.Ш.
ТДПУ

Инсон боласи ўзи туғилиб ўсган оиласида илк бор тарбия олади, ўзаро муносабатларга киришади. Унинг тарбияси илк бор ўз оиласидаги оила аъзолари билан мулоқотда ва ўзаро муносабатлар орқали шаклланади. Боланинг келажакда шахс сифатида шаклланиб, комил инсон бўлиб етишувида, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида, унинг қандай оилада тарбияланганлиги, оилада қандай иклим ҳукм сурганлиги, ўз ота-онаси билан бўлган ўзаро муносабатларининг қандай тарзда кечганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам инсоният маданият тарихининг илк даврлариданоқ оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бу мавзунинг ибтидоси узоқ ўтмишга бориб тақалишини биз деярли барча миллатлар халқ оғзаки ижодиёти намуналари мисолида кўришимиз мумкин.

Масалан, минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг буюк достони «Алпомиш», «Гўрўғли», шунингдек, Шарқ мамлакатлари халклари учун катта маънавий манба бўлмиш ҳинд халқ достонлари «Махобҳорат», «Рамаяна» кабиларда мазкур масала ёрқин тасвирланган. Улар минг йиллар давомида халқ оғзаки ижодиёти намуналари тарзида авлоддан авлодга узатилиб, келажак авлодлар маънавий дунёси, руҳий олами, миллий қадриятларининг шаклланишида муносиб ўрин эгаллаб келмокда.

Марказий Осиё тарихида ўз номларини колдирган мутафаккирларнинг илмий, фалсафий ва аҳлокий қарашларида инсон энг буюк зот сифатида талқин килинади, унинг бахтли фаровон ҳаёти, камолотга эришиши, оила ва оилавий муносабатлари, оилавий тарбия, оилавий тотувлик ғоялари кенг ўрин олган. Оилада бола тарбияси, ота-онанинг бола тарбияси учун масъулияти ва бурчи, фарзанднинг ота-онага хурмати, ота-она қадрини юқори тутиши каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Масалан, «Авесто»да наслнинг поклиги, тозалигига алохида эътибор берилган, кариндош-уруғ, ака-укаларнинг қуда бўлиши қораланган. Бу маънода «Авесто»нинг мафкуравий манба сифатида қиммати махсус педагогика фани учун ҳам илмий асос бўла олади.

Халқ оғзаки ижодига оид деярли барча асарларда ҳам катталарни ҳурмат килиш, ота-онани эъзозлаш, одоб билан уларнинг хизматини бажариш фарзанднинг вазифаси эканлиги уқтирилади. Масалан, ривоятларнинг бирида шундай ҳикоя қилинади: «Бир киши кечаси уйқудан уйғониб «сув бер» деб сўради. Ўғли сув келтиргунча, отаси яна ухлаб қолган эди. Уғли «отам, балки

яна сув сўрар» деб, ухламасдан отасининг уйғонишини кутиб, тонг отгунча ўтирди».

Шарк алломалари шахс, оила, оилада фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратишган. XIII асрда яшаб ижод этган Шайх Саъдий Шерозий ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида бола тарбияси, ота-она ва фарзанд муносабатлари масалаларига алоҳида аҳамият қаратган. «Бола мевадир, умрнинг лаззати» - дейди файласуф-шоир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига кичик ёшдан бошлаб, таълим-тарбия бериши ва илм-ҳунар ўргатиши зарур. «Кимда-ким ёшликдан тарбия олмаса, катта бўлгач, бахтли бўла олмайди. Ҳўл новдани истаганча букиш мумкин, қуруқ новдани эса фақат олов билан тўғрилаш мумкин» - деб таъкидлайди у. Бу билан Саъдий болалар кичик ёшидагина тарбия таъсирига берилувчан бўлишларини, шунинг учун уларни кичикликдан бошлаб тарбиялаш кераклигини, катта бўлгач тарбиялаш ғоят кийин бўлишлигини қайд этади.

Алишер Навоийнинг (1441-1501) асарлари бу мавзуга оид фикрларга бойдир. Навоийнинг оилавий бахт, севги ва эр-хотин муносабати, ота-она, фарзанд тарбиясига оид фикрлари жуда катта педагогик аҳамиятга эга.

Ҳар бир оила фарзанд кўрмоғи ва уни тарбиялаб вояга етказмоғи керак. Фарзанд ота-онанинг ўринбосари. Фарзанд кўрмоқ, уни тарбиялаб ўстирмоқ ҳар бир ота ва онанинг бурчидир. Шунингдек, инсон учун келажак авлодни яратишдан, уни тарбиялаб комил инсон қилиб етиштиришдан хайрли ва лаззатли нарса йўқдир. Унингча, фарзанд «меҳри анвор» (ёруғ қуёш)дир. Шунинг учун фарзанд кўрган ҳар бир киши уни севиши керак. Навоий бола ривожланишида унга бериладиган тўғри тарбиянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Тарбия билан боланинг келажакда фойдали ва мукаммал киши бўлиб етишишига ишонади.

Шаркнинг буюк алломалари бўлмиш муҳаддислар ва фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмининг чуқур билмдонлари Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Бурҳонуддин Марғиноний (1123-1197), ўрта аср Шарк илмининг турли соҳаларида оламшумул асарлар яратган энциклопедист-олимлар, Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), маърифатпарвар шоирлар ва адиблар Маҳмуд Кошғарий (XI), Юсуф Хос Ҳожиб (XI), Алишер Навоий (1441-1501), Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Аҳмад Дониш (1827-1897), Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919), Абдурауф Фитрат (1887-1938), Абдулла Авлоний (1878-1934) каби кўплаб мутафаккирларимиз бу борада ўзларининг тегишли фикр-мулоҳазаларини келажак авлодга мерос килиб колдиришган. Уларнинг бу мавзуга оид илмий мероси бугунги кунда ҳам катта тарбиявий ва мафкуравий аҳамиятга эга. Уларнинг асарларида оилада фарзанд тарбияси, ота-

она ва фарзанд ўртасидаги хурмат-эътибор, оилада болаларнинг муносабатларига оид қарашлари таъсирчан образларда ифодаланган ҳамда улар миллий анъаналаримизга, халқ руҳиятига чуқур сингиб кетган.

Шарқ мутафаккирлари таълимотларини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган ягона асос шуки, ота-она ҳамда яқин кишиларнинг етакчи роли ва тарбиявий таълимотларига алоҳида эътибор берганлар. Инсонларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўладиган юксак фазилатлар (ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, садоқат, бағрикенглик ва ҳ.к.) энг аввало, оилада шаклланади, ривожланади ва авлоддан-авлодга узатилади. Умуман, оилада фарзанд тарбиясининг жамият тараккиётига ижобий таъсири масаласига оид қимматли фикрлар ҳамда бу борадаги амалий кўрсатмалар Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-этик, ижтимоий-педагогик қарашларида ўзининг муносиб аксини топган.

Абу Наср Форобий (870-950) ва Абу Райҳон Беруний (862-973)ларнинг инсон, унинг жамият ва оиладаги ўрни ҳамда вазифалари, оилавий муносабатлар юзасидан қарашлари ўз даври ижтимоий фикри даражасидан анча илгарилаб кетди.

Форобийнинг инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, ахлоқи ва динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий ғояларга, кўпрок мантиққа асосланган бўлса, Берунийнинг «Минералогия» асарида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроки жамият ва унинг кичик бир ҳужайраси бўлган оилага боғлиқлиги ғоясига асосланади. Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро қилишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим”.

Беруний эса ўзининг «Минералогия» асарида бўлажак ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ҳақида гапирар экан, хусусан онанинг ҳомиладорлик пайтидан ҳомиласига эътиборни кучайтириш, унга юмшоқ муносабатда бўлиш ва шу пайтдан эътиборан уни тарбиялаб боришни уқтириб ўтади. Болани тарбиялашда ота-она бир хил талаб ва мақсад қўймоғи лозимлигини таъкидлайди. Беруний бола табиат инъом этадиган чиройга эга бўлиши ва соғлом, бақувват туғилиши учун, она қорнидаёқ замин яратилиши керак деб ҳисоблайди. Буюк олим бола қиёфаси, яъни унинг ташқи тузилиши гўзал бўлиши учун онани эъзозлаб, ранжитмай парвариш қилиш зарурлиги, боланинг ички маънавий гўзаллигига эса у туғилгандан сўнг тарбия орқали эришилиши ҳамда унда хулқ-одобни тарбиялаш учун зарур муҳит ва тегишли

шароит яратиш лозимлигини айтди. Беруний: «Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга эса болани қаттиқ ғазабланиш, қўрқиш, хафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади», - деган фикрни билдиради. Болаларнинг ёқтирган нарсасини топиб беришга ва севган нарсаларини бисёр этишга доимо тайёр бўлиб туриш, яъни болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши йўлидаги эҳтиёжларини қондириш керак. Бу ишнинг икки томонлама фойдасини, бир томондан, боланинг руҳиятига фойда қилиши ва бора-бора унга хушхулқлик одат бўлиб қолишини кўрсатади. Беруний қариндош-уруғларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида шундай деб ёзади: «Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан биргаликда яшашга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун зарур ишларни бажаришдир». Ўз фикрини давом эттириб: "Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга , унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат қилиш ҳам зарурдир. ...Шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади", - деб ёзган эди у.

Шарқнинг буюк мутафаккири, жаҳон тиббиётининг устуни Абу Али ибн Сино (930-1037) оилавий муносабатлар, бола тарбияси борасида ҳам ўзига хос ибратли фикрларни билдирган. Ибн Синонинг психологик ва педагогик қарашлари ижтимоий асосда қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилларнинг қўлланилишини ёқлаб чиқади. «Қонун-фит-тибб» асарида Ибн Сино ёш болаларни туғилганидан бошлаб тарбиялаш масаласига алохида эътибор беради. Бола туғилганидан то оёққа тургунча, маълум тартибда олиб бориладиган парвариш ва тарбияга муҳтож бўлади: уни ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, йўргаклаш керак. Бу ишларни ҳам маълум қоидалар асосида амалга ошириш даркор. Бола табиатини мустаҳкамлашдаги муҳим воситалар - аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула (алла) айтишдан. Улар маълум ритм ва оҳангга бўйинсунса, бола яхши ухлайди, уйқу эса гўдакнинг соғлом ривожланишида энг муҳим омилдир.. Тебраниш унинг танасига, мусиқа унинг руҳиятига ором бахш этади. Ибн Сино ёш бола тарбиясини турли шароитда маълум изчиллик ва тартиб билан олиб бориш ҳақида оналарга маслаҳатлар беради. Ота-оналар болани қаттиқ тана жазосидан кўра шахсий ибрати орқали тарбиялаши самаралироқ эканлигини уқтиради. Шунингдек, бу асарда оталарнинг бурч ва вазифалари белгилаб берилади. Бола балоғатга етгунча, ота ўз вазифасини бажариб бориши керак. Аввалам бор, отанинг мажбурий вазифаларидан бири бу ўз фарзандига яхши ном беришдир. Болани эмизиш даври тугаб, мустақил овқатланиш даври бошланиши билан, ота унинг аҳлоқий тарбиясига киришуви зарур. Мақсадга эришиши учун тарбияда ўрни билан болани мақташ, жазолаш ҳам керак, деб кўрсатиб ўтади.

Шунингдек, Ибн Синонинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Уй хўжалиги» каби асарларида ҳам ота-она ва фарзандлар муносабатлари, бола тарбияси ва табобат масалаларига оид қимматли мулоҳазалар келтириб ўтилган. Ибн Сино оилада фарзанд тарбияси билан боғлиқ турли жиҳатларга тўхталар экан, энг аввало оила аъзолари олдига қатор талабларни қўяди. «Ота-она, - деб ёзади у, - ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукаммал ўзлаштирмоғи лозим. Агар улар тажрибасиз бўлса, ўз оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир-оқибат у ижобий натижаларга эриша олмайди. Ёмон тарбия кўрган бола нафақат ўзига ва ушбу оилага, балки қўшниларга, маҳалла-кўйга ҳам ёмон зарар келтириши мумкин». Шу сабабли ҳам у оиладаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, уларнинг бирламчи вазифасидир, деб ҳисоблайди. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, барибир, у бола тарбияси борасида масъулдир. Ибн Синонинг ушбу фикрлари ўша даврда қанчалик илғор ва долзарб бўлса, бугунги кунимизда ҳам у ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Ибн Сино ўзининг “Тадбир ул манзил” (“Турар жойнинг тузилиши”) асарининг “Сиёсати мард дар бораи фарзандаш” (“Отанинг бола тарбиясига муносабати”) бўлимида мутафаккир ота-онанинг вазифалариги батафсил тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, бола сал каттароқ бўлгач, ота-онанинг муҳим вазифаларидан бири унга яхши тарбиячи топишдан иборат. Тарбиячи, яъни ота-она ёллаган шахс «нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим».

Ибн Синонинг фикрича, тарбияда ота-онанинг шахсий намунаси бола келажагини белгилаб берувчи омилдир. “Боланинг хулқини, - дейди олим, - мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак; бунга эса боланинг қаттиқ ғазабланишидан, қўрқиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади”. Бола учун ёқимли ва фойдали нарсаларни муҳайё қилиш, ёқимсиз ва бефойда нарсаларни эса кўзидан йўқотиш керак. Бундай тарбия, дейди у, боланинг руҳан тетиклашишига, ёшлигидан бошлаб, яхши хулқли бўлиб ўсишига замин бўлади. Ғазабланиш кучни тугёнга келтиради, қайғу эса уни қуритади, нофаоллик, сустлик болани бўшаштириб касалликка олиб келади. Мутафаккир гўдак тарбияси ҳақида ҳам бир қанча маслаҳатлар беради. Боланинг янги туғилганидан, то бир неча ойлик бўлгунча тарбиясида нималарга эътибор бериш керак? Чақалоқни ҳавоси тоза, ҳарорати ўрта даражада уйда ухлатиш керак. Бола ухлатиладиган уй соя ва қоронғироқ бўлмоғи лозим, уйга кучли қуёш нури тушмаслиги керак. Бола ётганида, унинг боши бошқа аъзоларидан юқорида туриши керак, бўйин, қўл-оёқ ва умуртқа поғонасини кийшайтириб қўйишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Ибн Сино болани узоқ давом этган уйқудан кейин, чўмилтиришни маслаҳат беради.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ("Саодатга бошловчи билим") асарининг кўп қисми фарзанд тарбиясига бағишланган. Унинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин фарзанднинг дунёга келиши ота-онага жуда катта масъулият хам юклайди, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам карздир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб тарбияни бола ахлокий тараккиётининг асоси деб ҳисоблаган: "Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб – отасида". Шунинг учун ҳам ота-она, айникса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозим.

"Қутадғу билиг"да оилада муомала одобига катта эътибор берилган. Ундаги асосий тамойил – тил билан дил бирлиги.

Шарқ ижтимоий фикри ва педагогикасининг дурдоналаридан бири бўлган «Қобуснома»да ота-оналарнинг барча бурч ва вазифалари белгилаб берилган. «Агар сен, - дейди Кайковус, - ўғлингни тарбияламасанг, замон, шароит тарбиялайди, ...уни кеча, кунлар тарбиялайди». Ҳар бир ота-она уз фарзандига билим, таълим-тарбия ва ҳунарни мерос этиб қолдириши керак, чунки тарбиядан кўра яхширок мерос йўкдир. «Нима эксанг шуни ўрасан» - деган узбек халқининг кенг тарқалган мақолини ишлатиб, у оилада бола тарбиясининг қўйилишига ана шу мақол асосида қаралса, мақсадга мувофик бўлишини таъкидлайди.

«Қобуснома»да илгари сурилган фикрлар машхур ҳинд эпоси «Калила ва Димна», Низом ул-Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-кулуб», «Вақфия» каби асарлар қаторида ҳозирги кунда ота-оналар учун фарзандларни тарбиялашда муҳим қўлланма вазифасини ўтай олади.

Буюк узбек маърифатпарвари Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деган фикри айнан оиладаги мавжуд носоғлом фарзанд, ногирон, яъни психик ва ривожланишида нуқсони, камчилиги бор болалар тарбиясига тааллуклидир.

Етук шахсни тарбиялаш педагогиканинг ягона мақсадидир. Шахс тарбиясига атрофлича ёндашиш объектив равишда аклий, ғоявий, аҳлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний тарбия бирлигини, тарбия жараёнина ташкил этишнинг якка, гурухли ва оммавий шаклларини қўшиб олиб боришни таъминлайдиган педагогик тизимларни вужудга келтиришни хамда бу тизимларга амал қилишни талаб этади. Тарбия жараёни шахснинг ижтимоий қадрли фазилатларини шакллантиришга, унинг атрофга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга қаратилади.

## Организация коррекционно-логопедической помощи детям с нарушениями речи

Муминова Л.Р
ТГПУ

Речевые нарушения – отклонения в речи говорящего от языковой нормы. принятой в данной языковой среде. Проявляются в частичных нарушениях (звукопроизношения, голоса, темпа и ритма), и обусловлены расстройствами нормального функционирования психофизических механизмов речевой деятельности. Принципы анализа речевых нарушений составляют основу их классификации и разработки, научно обоснованных путей и методов предупреждения, преодоления и коррекции. Анализ речевых нарушений с позиций развития позволяет выделить ведущий дефект и связанные с ним вторичные нарушения. Это имеет принципиально важное значение в диагностике речевых расстройств. Принцип систематического подхода основывается на системном строении и системном взаимодействии различных компонентов речи: звуковой стороны, фонематических процессов, лексико-грамматического строя. Этот принцип составляет основу педагогической классификации речевых расстройств и определяет пути и методы их преодоления и предупреждения. В дошкольном возрасте речевые нарушения коррегируются, исправляются и развиваются в специально организованных условиях, в специализированных дошкольных учреждениях для детей с нарушениями речи.

Рассмотрим более подробно организацию специальных дошкольных учреждений для детей с нарушениями речи.

Типовым положением о дошкольных учреждениях и группах детей с нарушениями речи определены три профиля специальных групп.

***1. Группы для детей с фонетико-фонематическим недоразвитием речи (ФФНР).*** Под фонетико-фонематическим недоразвитием речи (ФФНР) принято понимать нарушение процессов формирования произносительной системы родного языка у детей с различными речевыми расстройствами вследствие дефектов восприятия и произношения фонем.

В группы ФФНР направляются дети с нарушением произношения отдельных или нескольких звуков, звукосочетаний или целых групп звуков, т.е. дети с дислалией (в случаях, когда дефект исчерпывается нарушением звукопроизношения или сочетается с ринолалией). При этом отмечается не только нарушение звукопроизношение, но и нарушение речевого дыхания, голоса, назализация, т.е. носовой оттенок (гнусавость). Дети с дизартрией, когда дефекты произношения и просодики связаны с нарушением иннервации артикуляционного аппарата (параличи и парезы органов артикуляции), также

направляются в группы этого профиля.

В группу ФФНР дети зачисляются на полгода или год. Преодоление фонетико-фонематического недоразвития достигается целенаправленной логопедической работой по коррекции звукопроизношения и развитию фонематического восприятия. Система обучения и воспитания таких детей включает коррекцию речевого дефекта и подготовку к полноценному овладению грамотой.

Раннее выявление детей с нарушенным фонетико-фонематическим восприятием и оказание им необходимой помощи – залог успешного дальнейшего овладения чтением и письмом.

Коррекционное обучение предусматривает развитие круга знаний и представлений об окружающем, развитие словаря. звукового анализа и синтеза, речевых умений и навыков, которые должны быть усвоены детьми на данном возрастном этапе.

К моменту поступления в школу дети, прошедшие специальный курс воспитания и обучения в такой группе, умеют различать и дифференцировать на слух и в произношении все фонемы родного языка, осознанно контролировать звучание чужой и собственной речи, последовательно выделять звуки из состава слова, самостоятельно определять его звуковые элементы. Дети учатся распределять внимание между разными звуковыми раздражителями, удерживать в памяти порядок звуков и их позицию в слове. К сожалению, в настоящее время в нашей республике отбор детей в специализированные учреждения для детей с нарушениями речи проводится по клинико-педагогической классификации речевых нарушений, т.е. медико-психолого-педагогическая комиссия ставит детям с ФФНР диагноз дизатриая, ринолалия и направляет их в эти учреждения с данным диагнозом. Это отрицательно влияет на правильное комплектование групп.

*2. Группы для детей с общим недоразвитием речи (ОНР).* Общее недоразвитие речи – собирательный термин для сводной группы детей, общим для которых является нарушение формирования всех компонентов речевой системы, относящихся к ее звуковой и смысловой стороне (звукопроизношение, словарь, грамматический строй, связная речь) при нормальном слухе и первично сохранном интеллекте.

Речевое недоразвитие у детей дошкольного возраста бывает разной степени: полное отсутствие общеупотребительной речи (1 уровень ОНР); ее частичная сформированность – незначительный словарный запас, аграмматичная фраза (2 уровень ОНР); развернутая речь с элементами недоразвития, которые выявляются во всей речевой (языковой) системе, - словаре, грамматическом строе, связной речи и звукопроизношении (3 уровень

ОНР) (по Р.Е.Левиной). При нерезко выраженном недоразвитии отмечается лексико-грамматическая и фонетико-фонематическая несформированность речи.

Группы детей с ОНР комплектуются с учетом возраста и степени речевого недоразвития. Дети с 1 уровнем ОНР зачисляются в специальное дошкольное учреждение с 3 лет на 3-4 года обучения. Дети со 2 уровнем ОНР - с 4 лет на 3 года обучения. Дети с 3 уровнем недоразвития речи (с нерезко выраженными нарушениями речи) зачисляются с 4-5 лет на 2 года коррекционного обучения. В настоящее время основной контингент специальных групп составляют дети преимущественно с 3 уровнем общего недоразвития речи. Характерным для таких детей является недифференцированное произношение звуков, замена звуков более простыми по артикуляции. Отмечается нестойкость замен (в разных словах звук произносится по-разному), сочетание нарушенного и правильного произношения. Структура многосложных слов часто упрощена, сокращена, имеются пропуски слогов. На фоне относительно развернутой речи выявляются неточность употребления слов и словосочетаний по смыслу, нарушение лексической системности, затруднения в словообразовании и словоизменении. В активном словаре преобладают имена существительные и глаголы. Дети испытывают затруднения при использовании абстрактной и обобщающей лексики, в понимании и употреблении слов с переносным смыслом, не используют в речи синонимы, антонимы. Дети с ОНР не могут спонтанно выйти на онтогенетический путь развития речи, свойственный нормально развивающимся детям. Развитие речи при ОНР в ряде случаев идет на фоне нарушения деятельности центральной нервной системы. Коррекция их речи - длительный процесс, направленный на формирование речевых средств, достаточных для самостоятельного развития речи в процессе общения и обучения.

Для правильного понимания имеющегося нарушения и эффективного коррекционного воздействия, для выбора рациональных приемов и методов воздействия необходимо четко определить характер имеющегося у ребенка речевого недоразвития, его глубину и степень, уметь правильно анализировать, какие компоненты речи и в какой степени нарушены или не сформированы. В сводной группе детей с общим недоразвитием речи подавляющее большинство составляют дети с моторной и сенсорной алалией, но могут оказаться и дети с ринолалией и дизартрией, если у них кроме нарушения звукопроизносительной стороны выявляется и лексико-грамматическая неполноценность. Таким образом, ринолалия и дизартрия могут проявляться двояко: в виде фонетико-фонематической неполноценности и в виде общего недоразвития речи.

Эффективная логопедическая помощь детям с ОНР может быть осуществлена только при условии комплексного медико-психолого-педагогического воздействия, при раскрытии структуры речевой недостаточности и при дифференцированном подходе к ее преодолению. Однако необходимо отметить, что в настоящее время в нашей республике отбор детей в специализированные учреждения проводится по клинико-педагогической классификации речевых нарушений, т.е. медико-психолого-педагогическая комиссия направляет детей с ОНР с диагнозом алалия (моторная, сенсорная).

***3. Группы для заикающихся детей.*** В эти группы поступают дети с тяжелым нарушением речи, при котором наблюдаются расстройство ритма, темпа и плавности, непроизвольные остановки или повторения отдельных звуков или слогов в момент произношения. Заикание определяют как судорожное нарушение темпо-ритмической организации речи органического (неврозоподобное заикание) или функционального характера (невротическое заикание, логоневроз). При любой форме заикания страдает центральная нервная система. Как и другие дефекты речи, заикание преобладает у мальчиков, в среднем это соотношение составляет примерно 4:1. Комплексное воздействие при заикании проводится в следующих направлениях: лечебное укрепление центральной нервной системы (медикаментозное, физиотерапевтическое лечение, ЛФК); логопедические занятия по выработке самостоятельной, свободной от заикания речи (обычно работа в специальных группах проводится в течение 2 лет); логопедическая ритмика; работа воспитателя, тесно связанная с работой логопеда; работа с родителями.

В процессе обучения и воспитания большое внимание уделяется развитию психических процессов и функций ребенка: внимания, восприятия, памяти, мышления и внутренней речи, участвующих в развитии интеллекта и личности ребенка в целом. Работа направляется на развитие всех видов деятельности ребенка, в том числе и речи как одного из видов деятельности. Воздействие способствует нормализации взаимоотношения ребенка с окружающими. Как и при других нарушениях, преобладает преимущественная игровая форма работы.

В ряде случаев особое внимание обращается на терапию семьи, которая подразумевает нормализацию семейных взаимоотношений, выработку правильного родительского подхода к ребенку с заиканием, определение согласованных требований к речи и поведению ребенка.

Система работы с заикающимися проводится по методикам Г.А. Волковой, В.И. Селивёрстова, С.А. Мироновой, Л.Р. Муминовой. Нормализация деятельности и ее речевое сопровождение способствуют

преодолению заикания. Режим работы дошкольного специального учреждения, в том числе воспитательские и логопедические занятия, занятия музыкой и физкультурой, подчинены одной цели - преодолению запинок, нормализации темпо-ритмической организации речи.

Как правило, заикающиеся зачисляются в специализированные группы дошкольного учреждения с двух лет, срок пребывания в детском саду - один год, на это и ориентируется программа, составленная С.А.Мироновой. Заикающихся детей более старшего возраста (5 лет и старше) зачисляют в специальную группу со сроком занятий 2 года.

Логопедическое воздействие, направленное на преодоление заикания и связанных с ним личностных и поведенческих особенностей детей, помогает им социально адаптироваться в среде правильно говорящих сверстников.

В зависимости от вида психического и речевого нарушения и возрастных особенностей детей определяются форма и организация обучения и воспитания. Приемы работы и дидактический материал подбираются в зависимости от основных задач, характера каждого определенного занятия. Коррекционные задачи подчиняются общеобразовательной программе, гармонично с ней сочетаются. По мере обучения и воспитания дети приобретают сенсорный и речевой опыт, который закрепляется и воспитателем, и логопедом, и дошкольным дефектологом, а также психологом (если такой специалист в учреждении есть).

Программой специального детского сада предусмотрено ознакомление детей с окружающим миром, развитие речи, ознакомление с художественной литературой, развитие элементарных математических представлений и другие разделы. Проводятся занятия по изобразительной деятельности и конструированию, физкультурные и музыкальные занятия, которые также дают большие возможности для коррекции имеющихся у детей нарушений.

Зрительное восприятие детей развивается с помощью действий, направленных на обследование предмета, ознакомление с его строением и функциями, с его качественными характеристиками. От зрительного восприятия переходят к аналитико-синтетической работе: выделение составляющих предмет элементов, их сравнение, установление сходства и различия и т.д. Слуховое внимание и фонематическое восприятие развиваются системой специальных упражнений при их постепенном усложнении: привлекается внимание детей к неречевым, а затем речевым звукам, детей учат дифференцировать звуки, сначала далекие, а затем и близкие по звучанию (вначале формируются более грубые дифференцировки, а затем все более тонкие, применительно к анализаторной деятельности всех видов: слуховые, зрительные, тактильные ощущения).

Особое внимание обращается на формирование у ребенка деятельности. Развивается ориентировочная основа деятельности, на которую опираются в дальнейшей работе, вырабатываются ориентировка в задании, умение планировать и контролировать выполняемые операции.

Список литературы

1. Волкова.Л.С, Шаховская С.Н. Логопедия. М., «Владос», 2004.

2. Волкова.Г.А. Игровая деятельность в устранение заикания у дошкольников. Москва, «Просвещения», 1982.

3. Каше Г.А., Филичева Т.Б. Программа обучение детей с недоразвитием фонематического строя речи. Москва, 1978.

4. Мўминова.Л.Р. Болаларни логопедик текшириш ва ўқитиш. Тошкент, «Ўкитувчи», 1992.

5. Муминова Л.Теоретические основы коррекционно-педагогической работы по преодолению речевого недоразвития у детей дошкольного возраста. Т., Фан, 1992.

6. Муминова Л.Р. Логопедия. Т., 2006.

7. Миронова С И. Устранение заикания у дошкольников. М., 1971.

8. Селиверстов В.И. Заикание у детей. М., 1970.

## Некоторые вопросы подготовки к семейной жизни учащихся вспомогательной школы

Шоумаров Г.Б, Абидова М.
ТГПУ

Семья выполняет одну из самых важных функций в обществе – функцию воспитания подрастающего поколения. Изучение семьи имеет большое социальное значение, поскольку полученные при этом материалы могут служить объективным показателем определенных тенденций развития общества в целом.

Вопросы подготовки молодых людей к будущей семейной жизни и, в частности, вопросы полового воспитания, давно привлекали внимание общества. Многие известные философы, исследуя вопросы морали, касались взаимоотношения полов (Г.Гегель, Э.Кант, Л.Фейербах, Н.Г.Чернышевский и др.). Вокруг проблемы полового воспитания всегда разгорались споры, поскольку здесь сталкивались различные мировоззрения, философские

концепции, моральные и нравственные принципы, религиозные представления и др.

В современных условиях коренных преобразований производственной, социальной и духовной сфер общественной жизни, в решении задач по ускорению социально-экономического развития, созданию условий для оптимального развития потенциальных возможностей личности, успешности социальной адаптации выпускников школ решающую роль играет уровень их подготовки к выполнению функций труженика и семьянина. Хотя профессиональному обучению школьников и их подготовке к семейной жизни придается важное значение, на практике большее внимание уделяется решению первой задачи. Вместе с тем, от степени подготовленности юношей и девушек к включению в брачно-семейные отношения во многом зависит судьба молодых семей и будущих поколений.

Можно сказать, что семья играет роль промежуточного звена в связях «индивида с миром». В одних случаях, при неблагополучности семейной обстановки, низкой педагогической культуре родителей и других отрицательных условиях диапазон этих связей с внешним миром может сузиться, и, наоборот, хорошая, благополучная семья при последовательной реализации своего воспитательного потенциала может достаточно расширить этот диапазон, что, несомненно, положительно скажется на гармоничном формировании личности ребенка, обеспечивая ему быстрое накопление духовного богатства.

Л.С.Выготский писал: «Сходство между родителями и детьми, сходство их судьбы объясняется, конечно, не только прямой передачей наследственных свойств, но и передачей жизненных условий». Исходя из положения о значимости «социального наследства» и располагая данными о родительских и молодых семьях учащихся специальной школы для детей умственно отсталых, можно предположить, что умственно отсталые учащиеся тоже получают незавидное «социальное наследство» от своих родителей.

Представления учащихся вспомогательных школ отличаются от представлений нормальных детей и имеют специфические особенности. Одной из причин является то, что родители или семьи этих учащихся не могут быть примером или образцом для подражания, так как основная часть таких семей являются проблемными. К примеру: родители выпивают, лишены родительских прав, находятся в местах лишения свободы, психически больны или имеют отклонения в психическом развитии. Следовательно, не могут полноценно заниматься вопросами подготовки своих детей к семейной жизни.

Выпускники вспомогательных школ, как правило, рано создают семьи, живут добрачной половой жизнью, не обращают внимания к своему здоровью или беременности, как следствие, рожают детей с такими же отклонениями.

У учащихся вспомогательных школ наиболее часто встречаются венерические заболевания, в том числе заболевания СПИДом.

Известно, что умственно отсталые подростки, равно как и их многие нормально развивающиеся сверстники, черпают информацию о половых взаимоотношениях не из авторитетных источников (родители, школа), поэтому сведения такого рода часто искажены, они вульгарны и примитивны по своему содержанию. К сожалению, средства, используемые в современной литературе, кино- и видеоматериалах по вопросам межполовых отношений имеют ярко окрашенный порнографический характер, что не может не оказывать негативного влияния на формирующуюся аффективную и личностную сферу подростка. Как результат этого кажущегося пассивного, но все же, тотального воздействия информационных сведений на несформированное сознание старшего подростка, практические работники системы специального образования, а также родители все чаще сталкиваются с фактами ранних половых контактов у подростков, беременностью девочек до 14-16 лет, абортами, а также попытками создания семьи в добрачном возрасте, которая, как правило, быстро распадается. Таким образом, все эти жизненно важные темы для всей молодежи рано приобретают для лиц с умственной отсталостью драматический характер, становятся предметом их социального неблагополучия и раннего негативного опыта как в межполовых, так и в ролевых отношениях на этапе взрослой самостоятельной жизни.

Поэтому необходим поиск иного подхода к обучению, который позволил бы устранить негативные моменты в процессе обучения, способствовал индивидуализации учебного процесса и повышению качества подготовки учащихся хотя бы в рамках изучения предмета «Психология семьи». На наш взгляд, необходимо пересмотреть учебную программу по подготовке детей к семейной жизни и разработать оригинальный учебник для учащихся по данному предмету.

Необходимо организовать краткосрочные курсы по подготовке учителей, ведущих данный предмет.

Следует особо обратить внимание на разработку дидактических пособий по подготовке учащихся вспомогательной школы к семейной жизни с учетом их психофизических особенностей, а также особенностей их родительских семей.

**Оғир нутқ камчилигини бартараф этишда логопед ва ота-оналар ҳамкорлиги**

Аюпова М.Ю., Тулабаева Н.Д.
ТДПУ

Ота-онанинг орзуси ушалди. Дунёга келиши биланоқ барчанинг кўнглини қувончга тўлдириб, оиланинг келажакдаги умиди бўлмиш фарзанд ҳаётга қадам қўйди. Хавотирда ўтказилган неча-неча бедор тунлар-у, орзу-умидлар, интилишлар самараси ўлароқ у вояга етди. Бир вақтлар унга умид нигоҳини тиккан ота-онаси ҳамда яқинлари учун ишончли таянч бўла олди. Аммо ҳар доим ҳам шундайми?

Афсуски, ҳаёт, биз ўйлаганимиздек, доим ҳам бир маромда, силлиқ кечавермайди. У бизнинг қаршимизга шундай тўсиқларни қўядики, уларни енгиб ўтиш учун бизда сабр-тоқат ва бардош етишмай қолиши мумкин. Атрофимизда шундай инсонлар борки, бизга ҳеч бир қийинчилик туғдирмайдиган қадам улар учун – мушкул вазифа, назаримизда, узатсак ҳар қаёққа бемалол етгувчи қўлларни осонгина узатиш – амри маҳол, бизга арзимасдек туюлган бир сониялик суҳбат – қийин бир иш.

Бунга сабаб кичкинтойни ўз исканжасида ушлаб турган турли жисмоний ва руҳий муаммолардир. Ана шундай муаммолардан бири бу – боланинг нутқидаги камчилик.

Инсониятнинг ривожланиш тарихида унга ҳамроҳлик қилиши мумкин бўлган нутқ камчиликлари турличадир. Нутқ камчиликларининг боланинг умумий ривожланашига кўрсатадиган салбий таъсири ҳақида гапирадиган бўлсак, айрим ҳолларда хатто дунёни ларзага келтирувчи табиий офатларнинг зарари ҳам инсон нутқидаги камчиликлардан кўрадиган маънавий талофатлар қаршисида ўз залворини йўқотгандек бўлади.

Нутқий етишмовчиликлар орасида дизартрия энг оғир нутқ камчилигидир. Дизартрия сўзи юнончадан олинган бўлиб, «аниқ талаффуз қилишнинг бузилиши» маъносини беради. Бундай камчиликка эга бўлган боланинг нутқи тушунарсиз бўлади, атрофдагиларда худди бола оғзи тўла овқат билан гапираётгандек таассурот уйғотади. Дизартрия тушунчаси жуда кенг қамровлидир. У асаб тизимидаги енгил зарарланишлар оқибатида юзага келиши ва миянинг оғир жароҳатланишлар ва касалланиши туфайли ҳам келиб чиқиши мумкин. Аксарият ҳолларда ушбу камчиликнинг келиб чиқишига қатор нохуш ҳолатлар мажмуи сабаб бўлади. Дизартрия кўпгина холларда болалар церебрал фалажи хасталигининг асорати сифатида намоён бўлади.

Маълумотларга кўра бутун дунё аҳолисининг ўн фоизини алоҳида ёрдамга мухтож инсонлар ташкил этар экан. Уларнинг салмоқли қисмини



У-7514/1

церебрал фалажланиш касаллигига чалинган инсонлар ташкил этади. Бу мудҳиш дарднинг тўлиқ номи болалар церебрал фалажлигидир. Энг аянчли томони ушбу хасталик гўдакка илк кунлариданоқ ҳамроҳ бўлиб, унинг бутун ҳаёт чизиғининг ўзгача тортилиши, бола тақдирининг чигал кўриниш касб этишига сабаб бўлади.

Ушбу хасталик сабабларини ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан сўнг юзага келувчи омиллардан қидириш лозим. Ҳомиладорлик даврида, айниқса унинг биринчи уч ойлигида кечган огир токсикозлар, бўлажак онанинг инфекцион касалликларга чалиниши, ҳомиланинг зарарланиши, она ва боланинг қон резуслари ўртасидаги номувофиқлик, туғруқ вақтида ҳомила миясининг жароҳатланиши, туғруқнинг тез ёки узоқ кечиши мана шундай омиллар қаторига киради. Боланинг вақтидан илгари туғилиши, ёҳуд ирсий омиллар ҳам болада церебрал фалажланиш содир бўлишига замин ҳозирлайди.

Бу хасталик битта зарарли омил таъсирида эмас, балки уларнинг бир нечтасининг йиғиндиси оқибатида юзага келади. Хусусан ҳаётда шундай манзарани кузатиш мумкин: икки ёш турли тўсиқларни енгиб ўтиб, турмуш қурдилар. Янги оила юзага келди. Аммо келинчак ўз турмуш ўртоғининг амакиваччаларида асаб касалликлар борлигидан бехабар эди. Куёв бўлмишнинг ҳам соғлиғи ҳавас қилса арзигулик эмас. Шу орада келинчакнинг ҳомиладорлиги билинди, аммо келинчакни соғлом десак хато бўлар. Аксига олиб ҳомиладорлик даври оғир бошланди. Шифокорларнинг маслаҳатига кўра даволаниш учун касалхонага бориши лозим бўлган келинчак қайнонасининг «одил ҳукмига» кўра уй ишларига шўнғиди. Тўйиб овқатланмаслик, келинчакдаги мадорсизлик, уйқунинг етишмаслиги ҳамда янги уйда битмас-туганмас меҳнат оқибатида гўдак вақтидан аввал дунёга келди. Тақдир тақозоси билан туғруқхонада ўша куни тажрибасиз доя навбатчи эди, биринчи бор она бўлаётган келинчакнинг ўзи ҳам бу борада ундан қолишмасди. Бунинг оқибатида туғруқ оғир кечди. Дунёга келганини жарангдор овози билан билдириши лозим бўлган гўдакнинг овозини ҳеч ким эшитмади. Унинг хатто заифгина йиғлаш учун ҳам ҳоли йўқ эди. Она унинг фарзанди хасталик оқибатида тенгдошлар сафини тўлдириб югура олмаслигини, боғчадан ўрганиб келган шеъри билан оиладагиларни хурсанд қила олмаслигини тасаввурига ҳам сиғдира олмас эди. Гўдак эса ўзини кутаётган қисматдан буткул бехабар.

Шундай қилиб, дизартрия кўпроқ ҳолларда церебрал фалажликнинг асорати сифатида юзага келади. Бунда боланинг бутун оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳаракатчанлиги сусаяди. Дизартрияни келтириб чиқарган сабабларнинг оғирлик даражасига қараб, бола нутқидаги нормадан чекинишлар даражаси ҳам ҳар хил бўлади: яъни талаффуздаги айрим бузилишлардан тортиб, то нутқнинг бутунлай бўлмаслигигача ҳолатлар кузатилади..

Дизартриянинг ўзига хос томони шундан иборатки, бунда барча товушлар талаффузи бузилган бўлади, нутқ равонлиги ва суръатида ҳам етишмовчиликлар кузатилади. Аммо камчилик қанчалик оғир бўлмасин, имконият доимо сақланиб қолади. Ота-онанинг саъй-ҳаракатлари, мутахассисларнинг ўз вақтида ҳамда малакали ёрдамлари боланинг гўзал олам сари ишончли қадам қўйишини тезлаштириши ва таъминлаши мумкин.

Албатта бундай болаларнинг тенгдошлар каби боғчага боришлари, кейинчалик эс, саводни эгаллашлари, илк хуснихатлари ва ўқиган шеърлари билан ўз ота-оналарини хурсанд қилишлари мушкул вазифа, лекин бу бажариб бўлмайдиган ишлар сирасига кирмайди. Ўз вақтида муаммони аниқлаш, болага тўғри белгиланган тиббий муолажалар билан биргаликда логопедик таъсир кўрсатиш натижасида бола мактабга бориши ва у ерда тенгдошлари қаторида ўқиши мумкин. Зеро дизартриядан азият чекаётган аксарият болалар ақлий жиҳатдан муаммога эга бўлмайдилар. Лекин айрим ҳолларда фалажланиш оқибатида болаларда ақлий ривожланишда баъзи ноқисликлар кузатилиши мумкин.

Дизартрияни бартараф этиш жараёни баъзида йиллаб давом этиши мумкин. Бироқ шу йиллар давомида бола билан кўп нарсага эришиш мумкин: асосан бола нуткидаги фонетик-фонематик ва иккиламчи лексик-грамматик камчиликларни бартараф этишга эришиш мумкин. Аммо бу иш, нафақат логопеддан, балки ота-онадан ҳам сабр-бардош, уқув ва матонатни талаб қилади. Биз ота-она деганда хато қилмадик, зеро айнан улар ўз боласининг тақдирини ҳал этишлари керак. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари ила фарзандлари ўз тенгдошлари каби ўқиш, бирор касб эгаси бўлиш, ҳаётда бировнинг қаромиғида эмас, балки ўз кучларига ишониб яшаш бахтига эга бўлишлари мумкин. Албатта, биз бу болалар билан шуғулланувчи шифокорлар ва логопедларнинг ўрнини инкор қилишдан анча йироқмиз. Зеро ҳозиргача бундай болаларнинг нутқ камчиликларини тўғрилаш мутахассисларнинг иши деб қараб келинади. Лекин шу билан бирга қарс икки қўлдан чиқишини эслатишни жоиз деб ҳисоблаймиз ва дизартрик болани тарбиялаётган ота-она кўпроқ маъсулиятга эга десак хато қилмаймиз. Шунинг учун дизартрик болалар нутқини тўғрилашда коррекцион-логопедик ишга ота-оналарни ҳам жалб қилиш ва уларга бу йўлда йўл-йўриқ бериш масаласида айрим педагогик тавсияларни келтирамиз.

Бундай болалар доимий равишда шифокорлар кўригидан ўтказиб, зарур муолажаларни олиб туриши керак. Мутахассис томонидан ўз вақтида, тўғри ва мунтазам олиб борилган даволовчи масаж ва жисмоний тарбия бола ҳаракатларини жонлантиради. Логопед ёрдами асосида эса унинг нутқидаги камчиликлар бартараф этиб борилади.

Боланинг дунёни идрок этишида, теварак-атрофга мослашишида ота-она – биринчи ва асосий ҳамроҳ.

Церебрал фалажли боланинг ҳаракатлари қўпол ва қовушмаган бўлади, ҳаракатлар унда қийинчиликлар туғдиради. Лекин ота-она уни сабр-тоқат билан кичик ёшиданоқ ҳаракатланишга ундаши, ҳарактларни унинг ўрнига бажармаслиги керак. Бола имконият даражасида ўз-ўзига хизмат қилишга ўрганиши лозим.

Боланинг қўл ҳаракатларини уй шароитида ҳам ривожлантириш керак. Бунинг учун энг оддий жисмоний машқларни бажариш – боланинг кафтини ва бармоқларини ички томондан тез-тез енгил силаб туриш тавсия қилинади. Бундай машқлар боланинг нафақат ҳаракатчанлигини ривожлантиришга, балки унинг нутқини ривожлантиришга ҳам туртки бўлади.

Ота-она уй шароитида боласига унга мос бадиий адабиётларни ўқиб бериши, болада ўқишга қизиқиш уйғотиши ҳам жуда муҳим.

Болани мактаб таълимига тайёрлашда ҳам ота-оналар логопедлар билан жуда яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. У билан атофдаги ҳодисалар, воқеалар ҳақида суҳбатлашиш, унинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, болада «чап ва ўнг», «паст ва тепа», «олди ва орқа» тушунчаларини шакллантириш ишлари уйда ҳам фаол давом эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Боланинг қўлига қалам, янада афзалроғи, фламастер бериб қўйиш керак. Чунки фламастер қаламдан йўғонроқ ва уни ушлаш қулайроқ.

Ҳар бир ота-она бу тавсияларни амалга ошира олади, муҳими ушбу тавсиялар яхши натижа келтиришига ишониш керак. Ота-онанинг ва боланинг ота-онаси унга сингдира олган қатъий ишончи барча ҳаракатларнинг самарасини белгилайди. Кичик ёшида дунёни ота-она кўзи билан кўраётган бола келажакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишида ота-онанинг хатти-ҳаракати муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (дарслик). Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. – Т., 2011.

2. Логопедия. /Под ред. Л.С. Волковой., С.Н. Шаховской. – М., 2003.

3. Нурмуҳамедова Л.Ш. Ногирон болаларни оилада тарбиялаш. – Тошкент., 2005.

4. Махсус таълим-тарбияга йўналтирилган ёндошув// Илмий-методик тўплам. – Тошкент., 2011.

5. Игнатьева С.А., Блинков Ю.А. Логопедическая реабилитация детей с отклонениями в развитии. – Москва, "Владос", 2004.

6. Мастюкова Е.М., Московкина А.Г. Семейное воспитание детей с отклонениями в развитии: Учебное пособие/ Под ред. В.И.Селиверстова. – Москва. "Владос", 2005

**Семьи «группы риска» и особенности социальной работы с ними**

Аралбаева Р.К., Мамилина С.К.
Жетысуский гос. университет им. И. Жансугурова

Современная казахстанская семья переживает разнообразные социально-экономические потрясения, среди которых низкая материальная обеспеченность, безработица, снижение духовных ценностей. Эти и другие негативные явления нарушают нормальное функционирование семей, приводят к тому, что в современном социуме происходят сложные процессы деградации семейно-брачных отношений. Имеет место снижение престижа ценности семей, отсутствует потребность молодых семей иметь в браке детей, растет число разводов, увеличивается доля людей, сознательно выбравших одиночество в качестве приемлемого стиля жизни. В результате возникает социальное неблагополучие семей [1].

Анализ результатов мониторинга позволил выделить основные типы неблагополучных семей. Во-первых, это проблемные семьи, которые характеризуются в основном нарушением педагогической компетенции родителей. Во вторых, это конфликтные семьи с дисгармоничным стилем воспитания, то есть авторитарные, гипо - или гиперопекающие. Основным отличием кризисных семей выступает внешний или внутренний кризис, который включает в себя взросление детей, развод, болезнь, смерть кого-либо из членов семьи, утрату работы, жилья, документов, средств к существованию и др. Не выполнение семьей части своих функций не всегда является признаком неблагополучия. В законодательных актах и постановлениях существует только одно определения неблагополучной семьи - это семья, оказавшаяся в трудной жизненной ситуации и нуждающаяся в государственной помощи и поддержке. Таким образом, сегодня в науке и практике довольно остро стоит вопрос разработки критериев и определения неблагополучной семьи.

В современной литературе по социальной работе семьи группы риска определяются как семьи, где по объективным или субъективным условиям социальное функционирование затруднено, и они практически неизбежно находятся в состоянии жизненного затруднения.

Выделяются два подхода к классификации семей групп риска. Первый социально-правовой. Семьи группы риска рассматриваются с точки зрения

нарушения их прав и нахождения в неблагоприятных социальных условиях. Данная классификация представлена в правовых документах, справочной литературе по социальной защите. Работа с такими семьями строится в направлении защиты прав членов этих семей, обеспечения семье достойного образа жизни.

Второй подход к разработке классификации семей группы риска психолого-педагогический. В основе данной классификации лежат нарушения взаимоотношений в семье и особенности семейного воспитания, снижающие социализирующий потенциал семьи, формирующие у ее членов асоциальные нормы и ценности, деструктивные варианты поведения, противоречащие общечеловеческим и социальным нормам и ценностям.

Социальная работа с такими семьями носит психолого-педагогический характер и строится в направлении коррекции взаимоотношений в семье, повышении воспитательного потенциала семьи, социального и духовного развития ее членов.

Систематизируя оба этих подхода можно предположить, что в семьи группы риска попадают:

1. Семьи с низкой педагогической культурой, деструктивной родительской позицией, по отношению к ребенку, где допускаются ошибки в выборе средств, методов и форм работы с детьми, где родители не могут установить правильный стиль и тон взаимоотношений с ребенком и, как следствие, накопление дефектов воспитания, неспособность родителей передать имеющийся у них социокультурный опыт, психологическая напряженность в системе «родители - дети», дефекты в формировании личности ребенка и т.д.

2. Семьи, умышленно или неумышленно допускающие безнадзорность детей, т.е. ослабление или отсутствие наблюдения за поведением и занятиями несовершеннолетних, что расширяет сферу «социального сиротства».

3. Семьи с жестоким обращением с детьми, имеющим место по различным причинам: из-за нервозности и усталости родителей; проявлений деспотизма из-за невыполненных завышенных требований к детям, из-за отклонений в психике или как высшая степень проявления недовольства ребенком. Жестокое обращение с детьми является грубым нарушением прав ребенка и влечет за собой ряд социальных и психологических проблем его адаптации в окружающем мире.

4. Семьи с нарушенными взаимоотношениями, повышенной конфликтностью и, как особая категория среди них, разводящиеся семьи.

5. Семьи с низким материальным обеспечением, находящихся за чертой бедности вследствие множества причин, что может породить различные

последствия: лишение членов семьи необходимого в удовлетворении материальных и духовных потребностей, эксплуатация детей в качестве добытчиков материальных благ, допущение, а иногда и стимулирование безнравственной и противоправной деятельности, приносящей в семью доход.

6. Семьи, ведущие безнравственный образ жизни, в частности, имеющие алкоголиков, наркоманов.

7. Семьи безработных, не имеющие возможность обеспечить себе достойный образ жизни, реализовать себя в профессиональной деятельности.

8. Семьи, попавшие в экстремальную ситуацию, как беженцы и вынужденные переселенцы, пережившие стихийное бедствие и т. д.

9. Семьи, проживающие в неблагоприятных условиях: экологических, жилищно-бытовых, санитарно-гигиенических, что является основой для ряда проблем психологического, медицинского и социального характера. Возникает необходимость работы с этими семьями по нормализации условий жизни и развития детей, проживающих в этих семьях. Прежде всего, эта работа ложится на плечи социального педагога, призванного создавать благоприятные условия для социализации личности ребенка.

В рамках социальной работы с семьями группы риска существует несколько подходов оказания им помощи.

1. Социально-правовой. Основное назначение защита прав семьи и ее членов, обеспечение социальных гарантий, т.е. системы мер, нормативных условий, установок, направленных на удовлетворение определенного набора потребностей, благ, и услуг для поддержания жизнеобеспечения и деятельного существования семьи. Основные проблемы в рамках данного подхода - совершенствование правовой социальной семейной политики и финансовая поддержка государственных программ, осуществляемых в ее рамках.

2. Медико-социальный. Основная цель – сохранение здоровья и жизни клиентов. Суть работы – создание благоприятных условий и реальных возможностей для поддержания и благополучия тех, кто находится в трудной жизненной ситуации; координационная работа, позволяющая охватить необеспеченных и оказавшихся вне общества лиц социально-медицинскими услугами, которые так или иначе связаны с защитой их здоровья, решением социально-бытовых, психологических, юридических проблем, возникающих как следствие болезни или нетрудоспособности. Структуры, реализующие данный подход в социальной работе – здравоохранение, отделы социальной защиты и помощи престарелым и инвалидам, а также специальные медико-социальные центры.

3. Психологический. Основная цель – создание благоприятных психологических условий для самодеятельности личности в процессе

самопомощи и саморазвития, формирования социальных потребностей, интересов, мотивов, приемов общения. В работе с неблагополучными семьями практическая психология является основой при решении проблем семейных дисгармоний, конфликтных взаимоотношений, коррекции личностных проявлений членов семьи, таких как неадекватная самооценка, агрессивность, неуверенность и т.д.. позволяет осуществлять лечение неврозов, алкоголизма, наркомании и т.д. Данные виды помощи осуществляются частично структурами здравоохранения, частично школьными психологическими службами, специальными психолого-педагогическими центрами, центрами психологической поддержки и реабилитации.

4. Педагогический. Особенность данного подхода в том, что он имеет свой социальный и государственный институт реализации, представленный социальными педагогами. Интегративным представлением этой профессии, подготовленным к решению проблем в различных сферах социальной деятельности является семейный социальный педагог.

Потребность именно в семейном социальном педагоге вполне закономерна, т.к. семья, дом, семейно-соседская общность рассматривается в качестве той сферы, где главным образом осуществляется социальная политика и социальная помощь.

Работа с семьями группы риска строится на принципах гуманизма, оптимистической гипотезы, приоритета семьи и личности, государственной гарантии социальной помощи, профилактики проблем и формирования здорового образа жизни, индивидуализации социальной работы, системности в работе с семьей, формировании концепции самопомощи и самореализации, добровольности и автономности семьи в выборе путей социального развития, педагогического целеполагания и формирования социальных перспектив.

Под семьей «группы риска» мы понимаем наличие в семье взаимоотношений, затрудняющих нормальное психическое развитие членов семьи. В это понятие мы вкладываем и разные характеристики осложненного поведения членов семьи, которые порождают трудности адаптации в обществе, создавая социальный риск.

Семья группы риска – тип семьи, в которой существует некоторое отклонение от норм, не позволяющих ее определить как благополучную. Отклонения не стали дезадаптирующим фактором, но осложняются другими отрицательными характеристиками. Не соответствие социальным стандартам не осознается членами семьи как важная проблема, способная нарушить жизнедеятельность такой семьи. Семьи группы риска занимают промежуточное положение между благополучными и не благополучными семьями[2].

Список литературы

1. Социальная педагогика: курс лекций./ Под общей ред. М.А. Галагузовой. – М., 2000

2. Савинов Л.И. Семьеведение. Уч. пособие. - Саранск: Изд-во Мордовского университета, 2000.

## Современное состояние семьи и причины неблагополучия

Шерьязданова Х.Т., Аралбаева Р.К.
Женский педагогический университет, Алмата
Жетысуский гос. университет им. И. Жансугурова

В современном обществе быстрыми темпами изменяется один из важнейших социальных институтов - семья. Причем происходящие изменения обостряют положение детей, которое характеризуется такими негативными явлениями, как снижение общей численности, увеличение детского сиротства, одна из острейших граней которой - беспризорные и безнадзорные дети, дети, совершившие административные правонарушения и преступления. Кроме того, негативным моментом, влияющим на ухудшение жизни семей, формирование личности подрастающего поколения является отсутствие механизмов реализации законодательной базы, слабо развитая социальная инфраструктура и система социальной поддержки. Происходит это потому, что особенностью системы защиты прав детей является отсутствие четкого взаимодействия между различными структурами и службами в решении проблемы семейного неблагополучия и социального сиротства. Кроме того, преобладает ведомственный подход и отсутствует согласованный план действий, начиная от выявления семей, находящихся в трудной жизненной ситуации и вплоть до достижения положительного результата для ребенка, а именно возврат его в биологическую семью или устройство в фостерную семью.

В современном мире семья помимо традиционных, свойственных ей и в прошлом функций стала выполнять функцию психологического убежища – места снятия напряжения и создания эмоционально-психологического комфорта. Не случайно А.Моруа в своих «Письмах к незнакомке» советовал женщинам перевоспитывать своих мужей, «смягчая» воспитательные мероприятия похвалами так, как скульптор смягчает глину водой, прежде чем лепить новую статую. Возникновение в обители доверия и прибежища, каковой все более становится семья, конфликтов, и критики зачастую приводит к ее

гибели, ибо «свято место пусто не бывает», и поиск несемейного психологического убежища может навсегда увести кого-либо из семьи.

Как счастье семьи, так и ее неблагополучие могут определяться воздействием целого ряда факторов, в том числе и объективных.

Так, специалисты, занимающиеся проблемой семейных разногласий, подразделяют все относительно семей «группы риска» на три типа: конфликтные, кризисные и проблемные. К конфликтным супружеским союзам они относят такие, в которых между супругами имеются сферы, где их интересы, потребности, намерения и желания постоянно приходят в столкновение, порождая особо сильные и продолжительные отрицательные эмоции. К кризисным – такие, где противостояние интересов и потребностей супругов носит особо резкий характер и захватывает важные сферы жизнедеятельности семьи. Наконец, к проблемным супружеским союзам относят такие, перед которыми возникли особо трудные жизненные ситуации, способные нанести ощутимый удар стабильности брака: отсутствие жилья и средств, тяжелая и продолжительная болезнь одного из супругов, осуждение на длительный срок и т. п. Объективные обстоятельства жизнедеятельности семьи влияют на ее благополучие только через их субъективную оценку супругами, которая в свою очередь определяется социально-психологическим климатом и взаимной удовлетворенностью взаимоотношениями друг с другом, что, впрочем, давно констатировано в поговорке «С милым рай в шалаше, если милый по душе»[1].

В последние годы проблема роста числа детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, спровоцировала многочисленные проблемы в области детства. Данный аспект свидетельствует о том, что в стране наблюдается тенденция увеличения числа семей, находящихся в трудном положении, ослаблении морально-этических ценностей, изменении нравственных традиций семьи.

Что же случается с ребенком, если он оказывается в семье «группы риска»? Опираясь на проведенное А. Н. Елизаровым исследование, можно сказать, что в таких семьях между родителями и детьми возникает барьер, так как большую часть информации дети получают не от родителей, а вне дома. Соответственно им становится труднее делиться с родителями своими переживаниями, надеждами в связи с тем, что родители пренебрежительно относятся к детям, сосредоточены на удовлетворении собственных эгоистических желаний. Таким образом, констатируемый сегодня рост сиротства в СНГ и анализ причин, обусловливающих увеличение числа детей, оставшихся без попечения родителей, свидетельствуют, в первую очередь, о невыполнении родителями своей главной обязанности [2].

В научных исследованиях нет четкого определения семейного неблагополучия. Каждый автор, изучающий неблагополучные семьи вкладывает свой смысл в это определение, поэтому во многих научных исследованиях понятие семья «группы риска» имеет разный смысл.

Под семьей «группы риска» мы понимаем семью, в которой ребенок испытывает неблагополучие (от слова благо), где отсутствиет благо для ребенка. При этом вид семьи (проблемное, неблагополучное и др.) не имеет значения. Это может быть полная семья, где есть и мать и отец, может быть неполная семья, в которой отсутствует либо мать, либо отец, и экономически состоятельная семья и экономически не состоятельная и т.д. Главной характеристикой семьи «группы риска» является отсутствие любви к ребенку, заботы о нем, удовлетворение его нужд, защита его прав и законных интересов [3].

Семья «группы риска» – это семья, которая характеризуется низким социальным статусом в разных сферах жизнедеятельности, поэтому она не справляется с возложенными на нее функциями. при этом ее адаптивные возможности значительно снижены.

Таким образом, в целях обеспечения устойчивого, динамичного развития общества не находим позитивный диалог школы и семьи, особенно семьи в генезисе семейного неблагополучия. Безусловно, важнейшей задачей профилактики семейного неблагополучия является социальная поддержка семей, испытывающих трудности в реализации основных своих функций. При этом основным инструментом выхода из кризисной ситуации является разработка и реализация профилактической и реабилитационной программы, а не изъятие ребенка из семьи, которое применялось десятилетиями, что приводило чаще всего к сиротству в стране. Власти не предпринимали попыток изменить ситуацию и не выстраивали систему реабилитации и помощи семьям, оказавшимся в сложной жизненной ситуации. В сложившуюся практику широко вошел миф о том, что самым надежным воспитателем детей является именно государство, где признавалось коллективное, а не семейное воспитание детей. Однако такой подход к решению проблемы лишь усиливал угрозу жизни и здоровью детей.

Необходимо организованно проводить профилактическую и реабилитационную работу с такими семьями. прежде всего на начальном этапе возникновения семейных проблем, чтобы предотвратить попытку изъятия ребенка из родной семьи. Однако, если это произошло, то требуется ускоренная и продуманная профилактическая реабилитация семей с целью возврата ребенка к биологическим родителям. Среди основных мероприятий, наиболее значимыми, эксперт выделяет такие, как повышение сознательности,

компетенции родителей в воспитании детей, оказание специалистами соответствующей психологической, медицинской, педагогической, правовой и иной помощи.

Кроме того, необходимо работать не только с семьями, которые оказались в группе риска, но и с теми, которые объективно нормальны. Таким образом, успешность проводимой работы будет достигнута при наличии командного взаимодействия всех ведомств и расширении круга социальных и профилактических услуг населению.

Множество неблагополучных семей нуждается во вмешательстве социального работника в процесс семейного воспитания и коррекции. Здесь выделяются следующие варианты намечающегося неблагополучия:

1. Семья однодетная может сформировать «балованное дитя» с безудержно растущими потребностями, с невозможностью их удовлетворения, с конфликтными отношениями в обществе; и одинокого человека с комплексом неполноценности, неуверенного в себе; и «узурпированного» родительской безмерной любовью, желающего вырваться из этой гиперопеки.

2. Семья многодетная может создать не только детей-коллективистов, но и детей педагогически запущенных, с асоциальным или антисоциальным поведением, если родители заняты постоянно добыванием средств к существованию, а воспитание детей не организовано.

3. Семья с низким материальным обеспечением, находящаяся за чертой бедности по разным причинам (безработица, низкая зарплата, алкоголизм родителей, неумение строить бюджет семьи), может породить разные последствия: лишение детей необходимого в удовлетворении материальных и духовных потребностей; эксплуатацию детей в качестве добытчиков материальных благ (вовлечение в торговлю, несоответствующую возрасту, в деятельность, подрывающую физические силы, растлевающую духовно, сопряженную с риском для жизни, отрыв от учебы и систематического воспитания в школе и семье); допущение и стимулирование безнравственной и противоправной деятельности, приносящей доход в семью.

4. Семья неполная из-за недостатка материнского или отцовского влияния может породить маскулинизацию девочек и феминизацию мальчиков.

5. Семьи со сводными детьми могут породить неприязненные, даже враждебные отношения детей между собой и с окружающими.

6. Семьи с нарушенными отношениями, повышенной конфликтностью между членами семьи. Конфликтность отношений в некоторых семьях возрастает по мере взросления ребенка, достигая максимальных пределов в старшем подростковом и младшем юношеском возрасте.

7. Семьи, допускающие безнадзорность детей. Из-за экономических, социально-политических и моральных условий продолжается нарастание детской беспризорности, уход в неформальные объединения молодежи (социально-полезные, асоциальные, антисоциальные).

8. Семьи с жестоким обращением с детьми, имеющим место по разным причинам: нервозность родителей из-за нелучшего материального положения, безработицы; отклонения в психике; высшая степень недовольства своими детьми; деспотизм отца или отчима из-за невыполненных завышенных требований к ним; усталость и депрессия родителей.

9. Большое количество семей, где родители фактически не занимаются воспитанием детей, обеспечивая им материальные условия существования.

Возможны и другие варианты негативных условий и тенденций семейного воспитания, нуждающихся в корректировке со стороны школьных педагогов. Внешние проявления поведения детей из таких семей могут быть самыми различными: физическая и словесная агрессивность, разрушительность, вспыльчивость, непослушание и общая неконтактность, рассеянность и пассивность, регресс в поведении и развитии, страхи, фобии и другие проблемы.

Итак, что такое неблагополучная семья? Односложно ответить на этот вопрос трудно. Мы будем иметь в виду лишь неблагополучие по отношению к ребенку. Дети по-разному реагируют на семейные неурядицы. Поэтому специалисту, работающему с ребенком из неблагополучной семьи, важно знать:

1) разновидности неблагополучных семей;

2) разнообразие психологических и психопатологических особенностей детей, подверженных чрезмерному реагированию на семейное неблагополучие;

3) отражение семейного неблагополучия на ребенке, склонном к обостренному реагированию на всевозможные неблагоприятные факторы;

4) влияние больного ребенка на спокойствие семьи, вызывающее у родителей раздражение, злость, нетерпение, то есть превращение семьи в неблагополучную, что может еще более усугубить психическое состояние ребенка;

5) знание педагогом мер помощи ребенку, живущему в неблагополучной семье [4].

Убедившись, что ребенок живет в тяжелых условиях, специалист должен:

1. Объяснять родителям последствия семейных конфликтов, влияющих на психологическое и физическое здоровье ребенка, раскрывать недопустимость положения ребенка в качестве разменной монеты в сложной игре взрослых, соперничающих, а не сотрудничающих друг с другом.

2. Изолировать ребенка от родителей (интернат, санаторий, близкие или дальние родственники и др.), если родители не прекращают создавать ребенку психотравматическую обстановку. В каждом конкретном случае необходимо принимать индивидуальное решение.

3. Проконсультировать ребенка у детского психиатра, если у ребенка появились психические аномалии на почве семейных раздоров.

Педагог должен следить за социально-психологическим климатом к семье ребенка, сохранять спокойствие, чувство собственного достоинства независимо от социального положения родителей, их самомнения и давления на него [5].

Неблагополучная для ребенка семья - это не синоним антисоциальной или асоциальной семьи. Существуют семьи, о которых ничего плохого с формальной точки зрения сказать нельзя, но для данного ребенка эта семья будет неблагополучной.

Например, появившиеся семейные проблемы бизнесменов. Дети в таких семьях часто воспринимают родителей лишь источниками финансирования. Конечно же, специалиста будет интересовать воспитание и развитие такого ребенка, оказание ему посильной педагогической помощи.

Таким образом, дефекты воспитания - это первый и главный показатель неблагополучия семьи. Ни материальные, ни бытовые, ни престижные показатели не характеризуют степень благополучия или неблагополучия семьи. Его характеризует только отношение к ребенку.

Список литературы

1. Курбатов В.И. Социальная работа. М, 2007.

2. Журавлева Е.А, Филиппова Е.Б., Анипович З.Н., Бойкова О.В. Методика диагностики и профилактики психологического неблагополучия в семье подростка (Методическое пособие для специалистов муниципальных служб). М., 2003.

3. Семья и семейные отношения: современное состояние и тенденции развития. - Н.Новгород: Издательство НИСОЦ, 2008.

4. Овчарова Р. В. Справочная книга социального педагога. - М., 2004.

5. Наумчик В. Н. Социальная педагогика. Проблема «трудных» детей. Теория. Мн., 2005.

## Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар таълим-тарбияси тизимидаги ҳамкорлик масалалари

Назарова Д.
ТДПУ

*"Табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради"*
*И.Каримов*

Мамлакатимизда эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг соғлом тенгқурлари қатори ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари, жамиятдаги ижтимоий ҳаётга мустақил, етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республикамиз Ҳукумати томонидан ҳар бир йилда қабул қилинаётган Давлат дастурларида ривожланишида муаммоси бўлган болалар таълим-тарбияси, ижтимоий мослашуви масалаларига алоҳида урғу берилиши фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Маълумки, тил воситасида инсон мулоқотга киришади – фикр алмашади, ахборот олади, билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Жамиятда тилни ўзлаштириш жараёни кишиларнинг ўзаро нутқий фаолияти шароитида амалга ошади. Ушбу жараёнда инсоннинг эшитиш фаоллиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Зеро сўзлашув нуткининг ривожланиши инсоннинг баркамол бўлиб вояга етишининг бош омилларидан биридир. Нутқ кишиларнинг туғма қобилияти бўлмай, болалар ўсиб, ривожланган сайин аста-секин шаклланиб, мукаммаллашиб боради. Нутқни эгаллашнинг муҳим поғоналари боланинг мактабгача бўлган даврига тўғри келади. Бола умумий ривожланишининг савияси, мактабда муваффақиятли ўқиб кета олиши кўп жиҳатдан унинг таълим-тарбия жараёнидаги фаоллигига, шунингдек уни ўраб турган инсонлар томонидан қўлланаётган нутқнинг нечоғли бойлигига боғлиқдир. Бола оила ва мактабгача таълим муассасасида қадам-бақадам атрофини ўраб турган предмет ва содир бўлаётган, шунингдек ўзи иштирок этаётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида фикр ҳамда таассуротларини тизимли равишда нутқий таъриф орқали атрофдагилар учун тушунарли равишда етказишни ўрганиб боради.

Заиф эшитувчи болалар эшитиш даражасининг пасайиши оқибатида нутқни, меъёрда ривожланаётган тенгдошлари каби, тўлиқ эгаллай олмайдилар, бу эса уларнинг ижтимоий ҳаётда муносиб тарзда ўз ўринларини топишларида,

баркамол инсон бўлиб шаклланишлари борасида қатор муаммоларни юзага келтиради. Шу сабабли бундай болалар нутқини эрта коррекциялаш уларни ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш гарови ҳисобланади.

Заиф эшитувчи болаларни келажак ҳаётга, жамиятга мослаштириш ва ўз ўринларини топишларига ёрдам кўрсатиш кун тартибидаги муҳим муаммони ташкил этади. МТМда олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишларнинг мақсади тарбияланувчиларнинг нутқий ва умумий ривожланишига, атрофдагилар билан мулоқотга киришишини таъминлашга қаратилган бўлади.

Махсус мактаб-интернатлар қошидаги мактабгача тарбия гуруҳларида ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг таҳлили бу борада ютуқлар билан бирга, бир қатор муаммолар ҳам борлигини кўрсатади. Аввалам бор шуни айтиш керакки, малакали сурдопедагог мутахассислар етишмайди. Бу айниқса вилоятларга тегишли. Иккинчидан, сурдопедагоглар ва тарбиячиларнинг коррекцион фаолиятида мунтазам ўзаро алоқа етарли эмас. Учинчидан, соҳага оид махсус методик адабиётлар ва овозни кучайтириб берувчи асбоблар жуда оз. Тўртинчидан, заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш ва шахсини шакллантириш ишларида педагогларнинг оила билан ҳамкорлиги талаб даражасида эмас. Шунинг учун аксарият ота-оналар фарзандлари сўзлашув нутқини эгаллашини жуда хоҳласалар-да, аммо мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мутахассисларнинг зиммасида деб ҳисоблайдилар.

Махсус таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог ходим ишининг самарадорлигига асос бўлувчи қуйидаги тавсияларни беришни жоиз деб ҳисоблаймиз:

1. Эшитишида муаммоси бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг махсус таълим-тарбиясини амалга ошириш, нутқини ўстириш муаммоларини ҳал қилишда нутқни режа асосида шакллантириш жараёни марказий ўринни эгаллаши лозим.

2. Заиф эшитувчи болаларнинг нутқий ва руҳий ривожланиш хусусиятларига таянган ҳолда коррекцион-ривожлантирувчи тизимни такомиллаштиришда асос бўлувчи муқобил дастур ва технологиялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш лозим.

3. Махсус мактаб-интернатлар қошидаги мактабгача тарбия гуруҳлари педагогларининг ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини такомиллаштиришга эришиш лозим.

4. Эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг ота-оналари учун фарзандларининг ижтимоий ҳаётга мослашуви, соғлиги ва ривожланишига оид мавзулардаги методик тавсияларни ишлаб чиқиш, улар ўртасида болаларнинг ижтимоий мослашуви, нутқий ривожланиши ҳақидаги тарғибот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Махсус таълим муассасалари педагоглари ва ота-оналар томонидан режали равишда олиб борилувчи ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш орқалигина эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг умумий тарбиясида, хусусан, уларнинг нутқини коррекциялаш ва ривожлантириш борасида муҳим ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Боскис Р.М. Глухие и слабослышащие дети. – М.: Владос, 2001 – 316 с.

3. Варенова Т.В. Теория и практика коррекционной педагогики. – Минск: ООО Асар, 2007. – 320с.

4. http:// surdopedagogika.com./


## Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар оиласидаги муаммолар


Нуркелдиева Д.А., Арсланова М.М.,
Азимова Н.М., ТДПУ


*"Оиладаги соғлом муҳит маънавий-аҳлоқий мезонларни шакллантиришнинг асосидир".*

*И.А.Каримов.*

Республикамиз Ҳукумати ривожланишида муаммолари бўлган, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг барча соғлом тенгқурлари катори тарбияланишлари, ақлий, аҳлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари, ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Буларни амалга оширишда оиланинг маъсулияти жуда катта.

Боланинг тўлақонли ва баркамол ривожланган шахс бўлиб шаклланиши учун у оилада бахтёрлик, севги, тушуниш муҳитида ўсиши муҳим. Бу айниқса алоҳида ёрдамга муҳтож, ривожланишида нуқсони бўлган бола учун зарурдир. Чунки бундай бола ўзининг яқинлари томонидан алоҳида эътибор, ёрдамга муҳтож бўлади.

Соғлом психологик муҳит ҳукм сурган оиладагина бола баркамол шахс бўлиб етишада ва унинг потенциал, яъни ички имкониятлари тўлақонли

очилишига имкон яратилади. Оиланинг мақбул психологик муҳити бир қатор омилларга боғлиқ. Бу кўп жиҳатдан ота-оналарнинг оилада алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг дунёга келишига бўлган муносабатига, уни тарбиялашнинг қайси йўл ва усулини танлашларига, боладаги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тушунишларига ҳамда оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини сақлаб қолинишига боғлиқ бўлади. Фарзандлари бошқаларникидай эмаслигини билган ота-оналарда бу ҳолатга нисбатан ҳиссий муносабат бир неча босқичларда ривожланади.

Генетик нуқсонлар (масалан, Даун синдроми) бола туғилганидаёқ маълум бўлса, бошқа нуқсонлар (ақли заифлик, эшитиш нуқсонлари, нутқ нуқсонлари ва х.к.) кўпинча бола каттароқ бўлганида яққол сезила бошлайди. Оилада алоҳида ёрдамга муҳтож, ногирон боланинг дунёга келиши дастлаб ота-онани ва бошқа оила аъзоларини эсанкиратиб қўяди. Ота-онада, қўрқув, алам, ўкинч ҳисслари туғилади. Бу ҳолатнинг давомийлиги ҳар бир оилада турлича кечади: айрим оилалар қисқа вақт ичида (хатто бир ҳафтада) ўзига келиб, ногирон фарзандини борича қабул қилиб, унга эрта ёрдам кўрсатиш йўлларини қидира бошласалар, айрим оилалар узоқ вақт ўзини ўнглай олмайди. Хуллас ҳамма нарса ота-оналарнинг психологик жароҳатдан чиқиб кетиш қобилиятига боғлиқ. Бир ёш онанинг ҳикоя қилишича, ногирон фарзанди дунёга келганида, мутахассислар билан суҳбатдан сўнг уйига қайта туриб, йўлда унда ўзини машина тагига ташлаш истаги туғилган. Яхши ҳамки, унинг олдида яқин одами – онаси бўлган ва у ғамга тўлган ёш аёлни бундай қадамдан сақлаб қолган.

Ногирон фарзанд дунёга келган оила кайфияти ва хатти-ҳаракатидаги иккинчи даврда ота-она боланинг ривожланиш хусусиятларини кузатиб боради, уни боланинг соғлом тенгдошлари билан қиёслайди. Боладаги нуқсоннинг тури ва даражаси оиладаги муносабатларга катта таъсир кўрсатади. Оила учун ташвишларнинг учинчи даври боланинг мактаб ёшига етиши, таълим тури ва усулининг танланиши билан боғлиқ. Бу оиладаги инқирознинг баъзан янада чуқурлашувига олиб келади. Ота-оналар фарзандларининг умумтаълим мактабларида таълим олиш имкониятига эга эмасликлари, махсус таълимга муҳтож эканликларини психологик жиҳатдан ҳар хил идрок этадилар: баъзилар кўникиб, фарзандларига ёрдам беришга киришсалар, айримлар учун бу ҳолат оғир руҳий кечинмаларга сабаб бўлади. Бу давр оиладаги бошқа фарзандлар учун хам оғир бўлиб, улар синфдошларига алоҳида ёрдамга муҳтож укаси, синглиси мавжудлиги аён бўлишидан уяладилар. Бу даврда оила, бошқачароқ айтганда “сахнага” чиқади.

Бола ўсмирлик даврига етганида тўртинчи босқич бошланади, яъни оиладагилар боланинг касаллигига кўникишга мажбур бўладилар, боланинг келажакдаги ҳаёти ҳақидаги муаммоларга дуч келадилар.

Оиладаги муаммоларнинг бешинчи даври ривожланишида нуқсони бўлган фарзандларининг балоғатга етиши билан бошланади. Иш билан таъминланмаганлик ёки меҳнат қилиш имконияти, қобилиятининг йўқлиги оилада яна бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Оиладаги муносабатларнинг олтинчи даври ногирон фарзанднинг улғайиш даври ва бу билан боғлиқ ўзига хос муаммоларнинг юзага келиши билан боғлиқ.

Ушбу муаммоларнинг оилавий муносабатларга таъсирини юмшатиш учун оиладаги алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг ривожланиш хусусиятларини ҳамда бу даврларда оиладаги муносабатларнинг ривожланишини эътиборга олиш зарур.

Оилада алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг дунёга келиши оиладаги ҳаёт тарзининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бундай оилада иқтисодий, тиббий, ижтимоий муаммолар юзага келади. Одатда ногирон бола парвариши онанинг зиммасига тушади, у ишини ташлашга, уйда қолиб боласига қарашга мажбур бўлади. Онанинг ногирон фарзанд билан узоқ вақт банд бўлиши эр-хотин муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади, оиладаги психологик муҳит танглашади. Оиланинг иқтисодий аҳволи ёмонлашади. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларга хизмат кўрсатиш кўпинча маблағ сарфлашни талаб этади (даволаш, массаж, зарур асбоб-ускуналар, зарур бўлганда хирургик муолажалар, кўзойнаклар, эшитиш аппаратлари, таълим, ногиронлик аравачалари ва ҳ.к.). Буларнинг барчаси ҳаражатларни талаб қилади, оиланинг даромади эса отанинг маоши ва болага бериладиган ногиронлик нафақасидан иборат бўлади. Ота-оналарнинг ижтимоий, касбий мақомида ҳам муаммолар юзага келади, оиладаги ички муносабатлар ўзгаради, алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг ижтимоий-таълимий муаммоларига ота-оналар тайёр бўмайдилар.

Оила имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган боланинг энг яқин муҳитидир. Боланинг тарбияси, ижтимоийлашуви, эҳтиёжларининг қондирилиши, ўқиши, касбга йўналтирилишида оила асосий бўғиндир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандга эга оилаларнинг ўртасида энг кўп фоизни тўлиқ бўлмаган оилалар ташкил қилади. Бундай оилаларда кўпинча эркак оилани ташлаб кетади. 15-20% оилаларда эр-хотиннинг ажрашишлари ногирон боланинг туғилиши билан боғлиқ бўлиб, она иккинчи марта турмушга чиқиш имкониятига эга бўлмайди. Шу сабабли алоҳида ёрдамга муҳтож оиланинг муаммосига тўлиқ бўлмаган оила муаммоси қўшилади.

Атрофдагилар кўпинча ногирон фарзанди бўлган оилалар билан алоқа қилишдан ўзларини тортадилар ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар меъёрида ривожланаётган тенгдошлари билан муносабатда бўла олмайдилар. Бу ҳолат алоҳида ёрдамга муҳтож болада шахс бузилишларига (айниқса, ҳиссий иродавий

доирада), интеллектининг пасайишига, ижтимоийлашувнинг бузилишига олиб келади. Бундай ҳолатлар айниқса интернатларда, болалар "Мурувват" уйларида тарбияланаётган алоҳида ёрдамга муҳтож болаларга кўпроқ хос бўлади. Жамият доимо ҳам бундай оилаларнинг муаммоларини тўғри тушунмайди, шу сабабли ота-оналар алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандларини жамоат жойларига, сайргоҳларга, туй томошаларга олиб бормайдилар ва натижада уларни ёлгизликка маҳкум қиладилар. Сўнгги йилларда бу муаммони ҳал қилишдаги йўл бу алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандлари бўлга ота-оналар марказларини ташкил этишдир.

Ота-оналар алоҳида ёрдамга муҳтож фарзанларини тўғри тарбиялашлари, ривожлантиришлари учун, педагогик, психологик, тиббий билимларга эга бўлишлари керак. Бу болани атроф муҳитда мослашишига ёрдам беради. Кўп ота-оналар алоҳида ёрдамга мухтож болаларини тарбиялашда махсус адабиётларнинг етишмаслигини, айниқса ўзбек тилидаги адабиётларнинг деярли мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар умумтаълим мактабларида, махсус мактабларда, мактабгача таълим муассаларида таълим оладилар, аммо уларнинг барчаси учун индивидуал ёндошув зарур.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ҳар бир болага якка ёндошган ҳолда эрта, боскичма-босқич, комплекс, яъни тиббий, психологик-педагогик, касбий, ижтимоий, маиший, ҳуқуқий дастурларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳозирги вақтгача алоҳида ёрдамга муҳтож оилаларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти билан боғлиқ масалалар билан шуғулланадиган турли ташкилотлар фаолияти ўртасида ўзаро боғлиқлик яхши эмас. Олиб борилаётган барча ижтимоий ишлар боланинг ўзига қаратилган бўлиб, унинг оиласининг хусусиятлари, ота-оналарнинг ногирон фарзанд билан боғлиқ муаммолари эътиборга олинмайди.

Алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандлари бўлган ота-оналарни ўзларининг машаққатли вазифаларини тўғри тушунишга ўргатиш, уларни педагогик, психологик, тиббий билимлар билан ақалли бошланғич даражада қуроллантириш лозим.

Кўрсатиладиган ёрдам мувофиқлаштирилган бўлиши, яъни бола ва унинг оиласига қаратилган бўлиши, унинг оилада тарбияланишига ёрдам бериши ва ҳамма оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Ёрдам махсус муассасада эмас, балки боланинг табиий муҳитида, оиласида, яшаш жойида кўрсатилиши айниқса муҳимдир.

Алоҳида ёрдамга мухтож болани тарбиялаш ва ривожлантириш ота-оналарга касаллик, унинг сабаблари, оқибатлари ва боланинг потенциал имкониятлари ҳақида кўп маълумотларга эга бўлишларини талаб этади. Оилага

ижтимоий-психологик ёрдам бир неча йўналишларда кўрсатилиши лозим. Аввало алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандлари бўлган ота-оналар клубларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ота-оналар мулоқот доирасини кенгайтиришлари, ўзларига ўхшаш оилаларнинг муаммолари билан танишишлари, тажриба алмашишлари, ачиниш эмас, балки тушуниш, қўллаб қувватлаш ҳиссини сезишлари мумкин. Иккинчидан, алоҳида ёрдамга муҳтож фарзанди бўлган оилаларни махсус методик ахборот билан таъминлаш, яъни махсус журналлар нашр этиш, мавжуд тиббий ёки таълимий журналларда мақолалар чоп этиш, ота-оналарга болаларни парваришлаш бўйича амалий кўрсатмалар, кундалик муаммоларни ҳал этиш юзасидан мутахассислар тавсияларини бериб бориш лозим. Учинчидан, бундай оилаларни қўллаб-кувватлаш (моддий, ижтимоий, тиббий, таълимий, маънавий), уларга ёрдам кўрсатиш манбаларини кенгайтириш керак. Тўртинчидан, оилага ўзининг "кураш" йўлини топишга, яъни ички имкониятларини юзага чиқаришга ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади. Бунда кўпинча мутахассисларнинг (шифокорларнинг, ижтимоий соҳа ходимларининг, дефектологларнинг, юристларнинг, психологларнинг) ёрдами керак бўлади. Ва, ниҳоят, алоҳида ёрдамга муҳтож фарзанди бўлган оилалар билан дефектолог-мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

## Инклюзив таълим-самарадорлик омили сифатида

Шомаҳмудова Р.Ш., Пўлатова У. Ш.
ТДПУ

Сўнгги йилларда таълим соҳасида содир бўлган қатор ижобий ўзгаришлар ривожланишида муаммолари бўлган болалар тақдири масалаларини ҳал қилишда турли соҳа вакиллари фаолиятларининг янги йўналишларда бирлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишларни эрта ташхис қилиш, муаммо оқибатини бартараф этиш, ривожланишида у ёки бу муаммоси бўлган мактабгача илк ва кичик ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари кун тартибида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Республикамизга инклюзив таълим ғоясининг кириб келганидан бери унча кўп вақт ўтгани йўқ, бироқ шунга қарамай, бу борада қатор ижобий натижаларга эришилди. Кейинги йилларда ривожланишида турли хил муаммолар кузатилган болалар гуруҳларидан бирини ташкил этган эшитишида муаммоси бўлган

болаларни умумтаълим муассасаларига интеграция қилиш ва уларни ўз тенгдошлари билан инклюзив синфларда ва гурухларда таълим олишини таъминлаш, барчалар қатори жамиятга уйгунлашишига ёрдам бериш махсус ва умумий педагогиканинг долзарб масалалардан бирига айланди. Эшитишида нуқсони бўлган болаларга интеграцион ёндашув асосида таълим-тарбия бериш борасида хорижий мутахассислар томонидан экспремент-синов ишлари олиб борилиб ижобий натижаларга эришилмокда. Россияда кар ва заиф эшитувчи болаларни ўқитишнинг мазмуни, ҳозирда амалиётда қўлланиб келаётган методлари ва усуллари таҳлилий ўрганиб чиқилди ва эшитишида нуқсони бўлган болаларни умумтаълим макабларида ўқитилишига ижодий ёндошилиб, алоҳида шахсий ўқув режалар, дастурлар тузилиб, умумтаълим муассасаларига мос бўлган метод ва усулларни такомиллаштириш борасида диққатга лойиқ ишлар амалга оширилди. Т.С.Зиков эшитишида нуқсони бўлган болалар билан бошланғич синфларда олиб борган эксприменти ва кўп йиллик тажрибаси асосида замонавий дефференциал таълим тизимига янги усулларни киритиш, хусусан таълимнинг коррекцион ривожлантирувчи омилларини фаоллаштириш, эшитишида нуқсони бўлган болаларни умумтаълим муассасасида ўқитиш жараёнида махсус эшитув воситаларини қўллаш, болалар нутқини ўстириш ишини жадаллаштириш, луғатини бойитиш, эшитиш идрокини ривожлантириш асосида нутқнинг турли жиҳатларини шакллантириш муҳим эканлигини курсатиб ўтган. Л.А.Аксенова ҳам ўзининг илмий ва амалий тадқиқотларига асосланиб, юқоридаги фикрни тасдиқлайди: унинг таъкидлашича, махсус яратилган шарт-шароитларда овоз кучайтириш, гапирувчининг бевосита қулоққа яқин келиши, товуш кучайтирувчи асбобларнинг қўлланиши натижасида эшитишида муаммоси бўлган болалар билан нутқий мулоқатга киришишни осонлаштиради.

Ўзбекистонда эшитишда нуқсони бўлган болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш масалалари Р.Шомаҳмудова, Л.Мўминова, У.Файзиева, Д.Назарова, Ф.Қодирова, Х. Калбаева каби бир қатор олимлар ва мутахассис-педагогларнинг илмий мақоллаларида қўйилди ва кўриб чиқилди ҳамда бир қатор методик тавсиялар ишлаб чиқилди, заиф эшитувчи болаларни инклюзив таълим муассасасида ўқитишнинг айрим ташкилий ва услубий асосларини яратишга оид чора-тадбирларни келажакда амалга ошириш керак ва муҳим эканлиги эътироф этилди.

Ҳозирда бу йўналишда айрим ишлар амалга оширилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 106-сон заиф эшитувчи мактаб-интернати ва 101-сон кар болалалар мактаб-интернати ўқувчиларининг ота-оналари ва педагоглар билан сўровномалар ўтказилди ва суҳбатлар натижасида қуйидаги жавоблар олинди: 101-сон мактаб-интернат ўкувчилари ота-оналарининг 60% фарзандларини

махсус мактаб-интернатларда ўқитиш истагини билдирган бўлса, ота-оналарининг 40% фарзандларини умумтаълим мактабларида ўқитиш истагини билдиришди. Ота-оналарнинг фикрича эшитмайдиган болалар учун ушбу мактаб-интернатда барча қулайликлар ва шароитлар мавжуд, улар учун махсус коррекцион дастур ва дарсликлар, эшитиш аппартлари ва техник воситалар мавжуд бўлиб, мутахассис-сурдопедагоглар билан таъминланган. Бу мактаб-интернатда эшитишида муаммоси бўлган болалар ўз тенгдошлари билан мулоқатда бўлиб, улар камситилмайди, деган фикрни билдиришди. 106-сон мактаб-интернат ўқувчилари ота-оналарининг 90% фарзандларини махсус мактаб-интернатларда ўқитиш истагини, ва фақат 10% фарзандларини умумтаълим мактабларида ўқитиш истагини билдиришди. Фарзандини умумтаълим мактабларида ўқитиш истагини билдирган ота-оналарнинг фарзандлари асосан заиф эшитувчи болалар бўлгани учун, бундай ота-оналар эшитиш қобилиятининг у ёки бу даражада сақланганлиги болаларига умумтаълим мактабларида таҳсил олиш имконини беради деган фикрни билдирдилар. 106-сон заиф эшитувчи болалар интернатида ота-оналар билан ўтказилган сўровномаларимизга олган жавобларимиздан шу нарса аён бўлдики, улар ўз фарзандларини умумтаълим мактабларида ўқитишни хохламоқда, уларнинг фикрича, заиф эшитувчи болаларни соғлом болалар билан таълим олиши уларни жамиятга мослашиб кетишини осонлаштиради. Фарзандлари умумтаълим мактабларида ўқиш истагини билдирган ота-оналар заиф эшитувчи болаларини барча соғлом тенгдошлари қатори ўрта ва махсус, олий таълим муассасаларида таълим олишини жуда-жуда исташларини айтдилар, инклюзив таълим фарзандларига касб-ҳунар ўрганиб, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига имкон беради деган фикрни билдиришди.

Кейинги сўровноманинг бош мақсади инклюзив таълим мазмуни, мақсади ва истиқболларига мутахассисларнинг фикрини билишдан иборат бўлди. Сурдопедоголарнинг 40% эшитишда нуқсони бўлган болаларни умумтаълим тизимида ўқитиш мумкинлигини эътироф этган бўлсалар, 60% эшитишда нуқсони бўлган болаларни махсус таълим тизимида ўқитиш лозимлигини таъкидладилар. Сўровнома натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактаблари. мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари учун инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришга қаратилган махсус ўқув семинар-тренинглар ўтказиб бориш ва инклюзив таълим муассасалари учун педагог ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг жадаллашувига эришиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда республикамизда эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг инклюзив таълимга жалб қилиниши борасидаги мавжуд муаммоларнинг

самарали хал этилиши мақсадида таълим тизимида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг аниқ ва эрта ташхиси асосида таълимга қамраб олинишига эришиш.

2. Инклюзив таълимни жорий қилишнинг илмий-назарий асосларини ва методик таъминотини ишлаб чиқиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни йўлга қўйиш, бу борада амалга оширилаётган илғор иш тажрибалари билан танишиш мақсадида хориж мамлакатларга мутахассислар хизмат сафарининг уюштирилишига эришиш.

3. Инклюзив таълим муассасалари учун педагог ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг жадаллашувига эришиш.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари учун инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришга қаратилган махсус ўқув семинар-тренинглар ўтказиб бориш.

5. Таълим жараёнига педагогик технологиялар, интерфаол методларни олиб кириш.

6. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ижтимоий мослашуви, соғлиғи ва ривожланиши мавзуларида методик тавсиялар, қўлланмаларни яратиш ва мақсадли етказиш ишларини жадаллаштириш.

7. Педагог ходимлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш, ҳамкорликнинг турли-туман шаклларидан фойдаланишга эришиш.

8. Таълим тизимида алоҳида ютуқларга эришаётган ходимларнинг ОАВлар орқали болаларнинг ижтимоий мослашуви, имкониятларини ёритиб беришга бағишланган тарғибот ишларида мунтазам равишда фаол қатнашиб боришларига эришиш.

Жамиятда кўп йиллар давомида эшитишда нуқсони бўлган болалар махсус муассасаларда тарбияланишлари лозим, уларнинг меъёрда ривожланаётган болалар билан биргаликда таълим олишига йўл қўйиш қийин, деган фикр ҳукмронлик қилиб келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун ижтимоий фикрни ўзгартириш йўлида узоқ вақт сабр-тоқат билан иш олиб боришга тўғри келади. Бунинг учун эшитишда нуқсони бўлган бола барча болалар қатори эркин таълим олиш ҳуқуқига эга, бундай бола ўзига мос бўлган билимларни эгаллаши лозим эканлиги ҳақидаги фикрларни атрофидагилар – тенгдошлар, соғлом болаларнинг ота-оналари, ва, энг аввало, муассаса жамоасига сингдириб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Закон Республики Узбекистан от 18.11. 1991 г. № 422-XII «О социальной защищенности инвалидов». Новая редакция (утверждена законом Республики Узбекистан от 11.07.2008 г. № ЗРУ-162).

3. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка».// Социальная защита молодежи и женщин с ограниченными возможностями. Материалы семинаров. – Ташкент, 2009.

4. Ахмедова Д.И. и др. Анализ социальной защищенности детей с особыми потребностями в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2007.

5. Шомаҳмудова Р. Махсус ва инклюзив таълим. – Тошкент, 2012.

## Оилада ва МТМда болалар нутқини ўстиришда топишмоқларнинг аҳамияти

Мўминова Л.Р., Қобулова Р.В.
ЎКРМ

Такомиллаштирилган "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари" асосида ишлаб чиқилган "Болажон" таянч дастурида [1] мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини илк ва кичик ёшдан бошлаб ривожлантиришга йўналтирилган методик материаллар ва тавсиялар кенг ўрин олган. Уларнинг қаторида халқ огзаки ижодининг катта бир қисмини ташкил қилган болалар фольклорига. айникса унинг кичик жанрларига ҳам катта ўрин ажратилган. Демак. бу дастур асосида боғча ёшидаги болаларга улкан дидактик имкониятларни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижоди намуналарини тақдим этишнинг янгидан-янги йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу мақола топишмоқларнинг болалар нутқини ва дунёқарашини ривожлантиришдаги аҳамиятига ва бу ишда оила ва МТМлар ҳамкорлиги масаласига бағишланади.

Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларда сўз маъносини тушунишга мойиллик ниҳоятда ривожланган бўлади. Бола учун сўз аввалам бор маъно. мазмун ташувчи восита сифатида намоён бўлади. Она алласи билан оламни англай бошлаган кичкинтой тили чиқар-чиқмас товушлар оҳангидан завқ ола бошлайди, сўзларнинг маънолари бирон предмет ёки ҳаракат билан қўшилиб кетгани уларни ҳайратга солади, уларда янги-янги сўзларни ўзлаштириш ва ўз хатти-ҳаракатларини уларнинг маънолари билан боғлаш истаги туғилади. "Катталар болалардаги бу маънавий эхтиёжни қондиришни кўзлаб, қачонлардир топишмоқ, тез айтиш сингари маънавий ўйинларни ўйлаб

топганлар. Болаларга булар ғоят мақбул ушди ва уларни чинакамига ўзлаштириб, хатто ўзлариники қилиб олдилар” [5, 326-бет].

Топишмоқлар халқ ижодида салмоқли ўрин тутган фольклорнинг оммавий жанрларидан бири бўлиб, турмуш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келган. Топишмоқ халқнинг ҳаётини, турмуш маданиятини, урф-одатларини, предметларнинг бадиий-эстетик томонларини ўзида акс эттирувчи фольклорнинг энг қадимий, энг кичик ва ихчам мустақил жанридир. Топишмоқларда предметлар ёки ҳодисаларнинг энг ёрқин, ўзига хос белгилари ниҳоятда сиқиқ, образли шаклда ифодаланади. Уларда “...атрофимизни қуршаб олган ҳамма нарса – коинот, табиат ҳодисалари, ҳайвонот олами, инсон ва унинг меҳнат фаолияти акс этган. Топишмоқ қадим-қадимдан жонли ва жонсиз мавжудот, нарса ва предметларни бир-бирига солиштириш, таққослаш, ўхшатиш орқали борлиқни, ундаги мавжуд нарсаларни кўпроқ билишга, англашга, фикр қилишга катта ёрдам беради” [6, 99-бет].

Ўзбек фольклоршунослигида топишмоқлар таснифланар экан, улар аввало иккита катта гуруҳга бўлинади: ўтмишда яратилган топишмоқлар ва янги давр топишмоқлари. Ўтмишда яратилган топишмоқлардан фақат бадиий жиҳатдан юксак, фикран теран, савия жиҳатдан ўз кучини сақлаб қолган топишмоқларгина замонлар оша яшаб келмоқда. “Зар гилам, зар-зар гилам, кўтарай десам, оғир гилам”, “бир парча патир оламга татир” топишмоқлари ана шундай классик мисоллардир.

Янги давр тақозоси билан яратилган топишмоқларда ҳам халқнинг узоқ даврлардан бери маълум бўлган анъанавий фалсафаси ўз аксини топади, уларнинг жумбоқланиши асосида мана шу фалсафа ётади. Масалан: “Қат-қат қатлама, оқлинг бўлса ташлама”, “Оқ ер очдим, қора буғдой сочдим” топишмоқларининг ечими “китоб”. у бир ўринда қатламага, иккинчи ўринда буғдойга нисбат берилади. Демак китоб халқ таъбирида озуқа, нон билан бир ўринга қўйилади. Бунинг тарбиявий жиҳатдан аҳамияти нақадар катта эканини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Топишмоқда метафора, метонимия, муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, аллитерация, жуфт сўзларнинг ишлатилиш каби бадиий восита ва усуллар жуда кенг ўринни эгаллайди. Улар топишмоқнинг бадиийлигини, образлиликни оширишга хизмат қиладилар.

Ўзбек топишмоқлари тузилиши жиҳатидан ҳам хилма-хилдир. Улар сафида тавсифий топишмоқлар катта ўрин эгаллайди (“Ер тагида ўзагим,/ Ширин, қизилман ўзим,/ Бўйим ҳам узун-узун”). Шеърий топшмоқлар ва жавоби қофияланадиган топишмоқлар ҳам талайгина:

Юзида ниқоби бор,
“Туя тиши” номи бор.

Ўзи пордон, ҳам ширин,
Бунда ҳикмат яширин.
Айтақолгин-чи тезрок!
Буми опажон ... (*анор*).

***

Текислайди газмол.
Унинг номи. (...*дазмол*).

Савол топишмоқлар:

Ёмғир аста томчилар,
Барглар ерга сочилар.
Пахталар ҳам очилар,
Бу қайси фасл бўлар?

Топишмоқлар жавобини топиш болаларда таҳлил қилиш, умумлаштириш қобилиятини ривожлантиради, мустақил хулоса чиқариш, бир фикрга келиш малакасини, предмет ёки ходисанинг ўзига хос белгиларини ажрата олиш малакасини шакллантиради.

Топишмоқларни топиш ва ўйлаб топиш болалар нутқининг ҳар томонлама ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Маълумки, топишмоқда метафорик образни яратишда турли хилдаги бадиий-ифода воситалари – сўзнинг кўп маънолилиги, метафора. ўхшатиш, жонлантириш усуллари, ўзига хос ритмик тузилиш қўлланади. Улар мактабгача ёшдаги бола нутқининг образлилигини шакллантиришга ёрдам беради. Топишмоқлар болалар луғатини кўп маъноли сўзлар ҳисобига бойитади, сўзларнинг иккиламчи маъноларини кўришга ўргатади, сўзнинг кўчма маъноси ҳақидаги тасаввурни шакллантиради.

Топишмоқлар – боланинг ақлини чархлайдиган энг фойдали машқ. Бироқ илк ва кичик ёшдаги болалар топишмоқларда яширинган метафорик образларни англаб етмайдилар, уларнинг луғати ҳам ҳали нисбатан чекланган. Лекин мутахассислар 3-4 хатто 2-3 ёшли болаларни ҳам топишмоқларни топишга ўргатиш мумкин ва керак деб ҳисоблайдилар. Бунинг учун ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, болага гозни кўрсатиб, қуйидаги топишмоқни айтиш мумкин:

Ғоқ-ғоқ, димоғим чоқ,
Сувда сузиб юраман,
Кўп кайфлар сураман. (*Ғоз*)

Болаларга мўлжаллаб нашр этилган бир қатор топишмоқлар тўпламларида келтирилган бу топишмоқ аслида болалар фольклоридаги ғоз ҳақидаги қўшиқнинг бир вариантидир.

Ғақ, ғақ, ғақ
Димоғим кўп чоқ.
Сувда сузиб юраман,
Мазза қилиб сузаман. (1, 122-бет)

Ёки, болага шафтоли бера туриб. "пўстлари туклигина, мазаси тотлигина (*ёки:* ширингина), дея мурожаат қилиш мумкин.

Топишмоқ айтаётганда, боланинг диққатини топишмоқ жавобини билдирган ўйинчоқнинг ёки кўрсатилаётган ҳар қандай нарсанинг ёрқин белгисига қаратиш лозим. Илк ва кичик ёшдаги болаларга кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб кўрса бўладиган, болалар кундалик ҳаётда тез-тез кўриб турадиган предметлар ҳақидаги топишмоқларни танлаш мақсадга мувофиқ. Болага ёнғоқ чақиб бера туриб, унинг диққатини ёнғоқнинг қуйидаги топишмоқда ифодаланган белгиларига қаратса бўлади:

Юм-юмалоқ ёғоч хумча,
Ичи тўла ёғли кулча.

Пиёз ҳақидаги қуйидаги топишмоқ эса кичкинтойга пиёзнинг асосий хусусиятидан ташқари, поэтик воситалардан ўхшатиш ҳақида дастлабки тасаввур ҳосил қилишга, яъни пиёз пўстларини кийимга (тўнга) ўхшатиш мумкинлигини англаб етишга ёрдам беради.

Қават-қаватдир тўни,
Феъли ёмондир уни.
Ечсанг агар тўнини,
Йиғлатади, бил шуни.

Бундай машқлар болаларга топишмоқ ҳақида илк тасаввурга эга бўлиш, кейинчалик топишмоқдаги тавсиф бўйича унинг жавобини қидириш малакасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу машқларнинг МТМда ҳам индивидуал ва фронтал шаклда давом эттирилиши болаларнинг оғзаки нутқини ўстиришда катта самара беради. Болаларда мусобақалашишга мойиллик гуруҳий машғулотларда уларни топишмоқ жавобини исботлашга қаратилган баҳсда фаол қатнашишга янада кучлироқ даъват этади.

Мактабгача таълим муассасалари учун мўлжалланган методик қўлланмалар ва бадиий терма китобларда кичик фольклор жанрларидан намуналар одатда бирон бир методик тавсияларсиз келтирилган, уларнинг ҳажми ҳам чекланган. Масалан, "Болажон" таянч дастури асосида тузилган "Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш" бўйича кичик гуруҳлар учун тузилган қўлланмада тузувчилар бир нечта топишмоқ бериш билан кифояланганлар [4, 63- ва 64-бетлар]. Бу методик жиҳатдан тўғри ёндошув, албатта. Чунки 3-4 ёшда болаларнинг луғат бойлиги мақол ва топишмоқлардаги ўхшатиш, қиёслаш, маъно кўчиш каби поэтик воситаларни тушуниш учун

етарли эмас. Аммо болаларни кичик ёшданоқ топишмоқлар ва мақолларнинг маъносин тушунишга ўргатиш мумкин ва керак. Тўғри, қўлланмадаги айрим машғулотлар ишланмаларида болаларнинг ўрта ва катта мактабгача ёшга етиш жараёнида мана шундай бадиий воситаларни тушуниб етишларига тайёрлаш учун баъзи муваффақиятли топилмалар келтирилган. Масалан, 21-машғулотда келтирилган машқда болалар расмларда тасвирланган паррандалар (товуқ, ғоз, хўроз) номларини айтишлари керак. Тарбиячи жумладан болаларга товуқ хўроздан нимаси билан фарқланади мазмунида савол беради (хўрознинг тожи ва думи катта) [4, 44-бет]. Шу ўринда болаларни топишмоқларни топишга ўргатиш учун қулай вазият ҳосил бўлиб турибди. Тарбиячи болалар эътиборини хўрознинг тожи тароқ тишларига, думи қайрилган ўроққа ўхшашига эътибор қаратса, болалар қиёслаш орқали атрофдаги нарсаларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатларини англаб борадилар, янги сўзларни ҳам ўзлаштирадилар. Бу йўл билан шунингдек ўрта гуруҳлар учун нутқ ўстириш бўйича машғулотлар ишланмасида келтирилган хўроз ҳақидаги топишмоқ жавобини топишга ўзига хос тайёргарлик олиб борилади.

Ушбу мақсадга эришишнинг жуда яхши намунаси 25-машғулотда ҳам келтирилган [4, 51-бет]. Бу ерда болалар сабзавотлар ва меваларнинг номларини ўйин жараёнида уларнинг оғзаки тавсифидан билиб олишлари керак. Бу болаларни ўрта ва катта гуруҳларда шу мавзудаги топишмоқлар жавобини мустақил топишга тайёрлаб боради. Бироқ, бундай ишланмалар изчил давом эттирилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ю.Г.Илларионованинг ҳисоблашича, болалар билан олиб бориладиган иш жараёнида топишмоқлардан фойдаланиш уларда исботловчи нутқ ва тавсифловчи нутқ кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берар экан. Исботлай олиш дегани бу фақат тўғри, мантиқий фикрлаш дегани эмас, балки ўз фикрини аниқ сўз шаклларига ўраб тўғри ифодалай олиш дегани ҳамдир. Исботловчи нутқ таърифи ва баёндан фарқ қиладиган алоҳида нутқий воситаларни, грамматик структуралар ва алоҳида композицияни талаб қилади. Мактабгача ёшдаги болалар одатда уларни ўз нутқларида қўлламайдилар. Бироқ шундай нутқ воситаларидан ва шаклларидан фойдаланишлари ва уларни ўзлаштиришлари учун шарт-шароитларни яратиб бориш керак [3, 7-бет].

Болаларда исботлашга қизиқиш ва эҳтиёж уйғотиш учун, Ю.Г.Илларионова топишмоқ жавобини топишда бола олдига аниқ мақсад қўйишни тавсия этади, яъни бола жавобни шунчаки топиб қўя қолиши эмас, жавоб тўғри эканини исботлаши ҳам керак. Бунга эришиш учун болаларни атроф оламдаги предметлар ва ҳодисаларни уларнинг барча ўзаро алоқалари ва муносабатлари билан идрок этишга ўргатиб бориш керак. Болаларга тақдим этиладиган топишмоқларда гап борадиган предметлар ва ҳодисалар билан

уларни аввалдан таништириб бориш керак. Мана шундагина исбот асосли ва тўлиқ бўлади.

Болалар топишмоқ жавобини тўғри топишга қийналганда, уларга қўшимча саволлар, изоҳлар воситасида ёрдам бериш керак. Масалан, "Боши тароқ, думи ўроқ" топишмоғининг "қаҳрамони"ни топишда катталар унинг топишмоқда кўрсатилгандан бошқа белгиларини, одатларини болаларга айтиб, уларнинг тасаввурларини кенгайтиради: "Болалар, қандай уй паррандаси қуёш чиқмасдан олдин туриб олади ва ўз қичқириғи билан ҳаммани уйғатади? У ҳовлида кеккайиб юриб, ердаги донларни териб ейди".

Бола таклиф этилган топишмоқни аввалдан эшитган бўлиши ва жавобини билиши мумкин. Шунинг учун топишмоқнинг тўғри жавоби келтирилган ҳолда ҳам, бу топиш тасодифийми ёки мақсадга йўналтирилганми эканини фарқлаш зарур. Яна шу топишмоққа мурожаат қиламиз.

-"Боши тароқ, думи ўроқ". Бу нима?

-Хўроз

-Нима учун хўроз деб ўйлайсан?

-Хўрознинг нимаси тароққа ўхшайди?

-Қани, хўроз қандай овоз чиқаради?

-Ўзинг яна қандай топишмоқларни биласан?

Топишмоқларни топишда бола билан бахслашиш, унга таҳлил қилишга ундайдиган саволлар бериш, уни топишмоқ жавобини асослашга ундаш боланинг нутқини ривожлантириш баробарида тафакурини ҳам ўстиришга ёрдам беради. Масалан, "Ер тагида ўзагим, ширин, қизилман ўзим, бўйим ҳам узун-узун" топишмоғининг жавобини қидирар экан, бола "бу сабзи" деб тўғри топиши мумкин. "Нима учун сабзи?" деган саволга бола сабзининг битта белгисини келтириши мумкин: "Чунки у ернинг тагида ўсади". Бу ҳолда болага унинг далили етарли эмаслигини кўрсатиш керак: "Картошка ҳам, лавлаги ҳам ер тагида ўсади-ку". Бола сабзининг топишмоқда келтирилган бошқа сифатларига ҳам эътибор беради: "У қизил". Шунда сиз унга: "Лавлаги ҳам қизил", - деб яна эътироз билдирасиз ва уни ўз жавобини янада асослироқ исботлашга ундайсиз.

Шундай қилиб, топишмоқлар ёрдамида болаларда тилга нисбатан сезгирлик ривожланади, улар ҳар хил тил воситаларидан фойдаланишни, керакли сўзларни танлаб олишни ўрганадилар ва аста-секин тилнинг образли тизимини ўзлаштириб борадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Болажон. (Такомиллаштирилган "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари" асосида ишлаб чиқилган). Тузувчи муаллифлар: С.С.Мирджалилова, М.Ш.Расулева, Д.Шарипова ва б. – Тошкент, 2010.

2. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т., "Ўқитувчи", 1975.

3. Илларионова Ю.Г. Учите детей отгадывать загадки. – М.: Просвещение, 1976.

4. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш (кичик гуруҳ учун нутқ ўстириш бўйича машғулот ишланмалари). Муаллифлар: Ф.Р.Қодирова, М.Файзуллаева ва б. – Тошкент, 2012.

5. Сафаров О. Болалик куйласа – олам мунаввар // Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984, 321-327-бетлар.

6. Ҳусаинова З. Топишмоқлар. – Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1988, 98-128-бетлар.

## Мақолларининг ибратли оламига йўл оиладан бошланади

(халқ педагогикаси бисотидан)

Қобулова Р.В
ЎКРМ

2012 йилнинг Президентимиз И.Каримов таклифлари билан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани бу масалага давлат миқёсида эътиборни янада ошириб юборди. Зеро мамлакат фаровонлигининг, унинг келажаги бўлган ёш авлод тақдирининг пойдевори оилада яратилади. Айниқса бола тарбияси борасида оила ва давлат мақсадлари бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Шундай экан, ушбу мақсадга эришиш йўлида амалга ошириладиган ишлар, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларида ҳам уйғунлик бўлиши талаб қилинади. Бунга эришишда аввалам бор оила ва мактабгача таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш болаларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни жисмоний, аҳлоқий, маънавий жиҳатдан етук шахслар сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу мақсаддларга ўз она тилини яхши билмай туриб эришиб бўлмайди. Зеро Президент И.Каримовнинг: "Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам" [1, 69-бет], - деган сўзлари замирида айнан шу фикр ётади.

Ҳозирда мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ўстиришга катта эътибор берилмоқда. зеро бу келажакда ўз она тилининг луғат бойлиги, ифода воситаларидан тўғри ва тўлиқ фойдалана оладиган маданиятли

шахсларни тарбиялашга замин яратади. Болалар нутқининг образли томонини, ифодалилиги, таъсирчанлигини бошқа биронта восита кичик фольклор жанрларидек бойита олмайди. Халқ оғзаки ижодининг ушбу хазинасида мақоллар ва ҳикматли сўзлар алоҳида ўринга эга. Улар болалар нутқини ўстириш билан боғлиқ таълимий вазифани дидактик вазифалар билан уйғунлаштириш имконини беради, зеро мақоллар ёрдамида мактовнинг таъсирчанлигини ошириш, танбеҳни оғир ботмайдиган қилиб, назокат билан ифодалаш, хато ёки қўпол хатти-ҳаракатни боланинг нафсониятига тегмай айблаш мумкин. Дарҳақиқат, мактабгача ёшдаги боланинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишида ижтимоий-ҳиссий ривожланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган "Болажон" таянч дастурида ҳам болани "катталар томонидан бериладиган ҳар қандай танқидни тўғри қабул қилишга..., нимани қилиш мумкин, нимани қилиш мумкин эмаслигини англай олиш"га ўргатиш мана шу тарбиянинг вазифаларидан бири сифатида таъкидлаб ўтилган [2, 18-бет].

Мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар ўз мазмуни билан кишиларнинг аҳлоқий қиёфаларини тарбиялашда ҳар доим катта тарбия манбаи бўлиб келган. "Халқ мақолларидаги оҳангдорлик, ўткир бадиий ўхшатишлар, рамз ва истиора эшитувчини ўзига ром қилади, ...улардаги фикран теранлик, аччиқ ҳақиқат кишиларнинг иродасини мустаҳкамлайди" [3, 22-бет].

Мақолларни тушуниш ва уларни ўз нутқида қўллаш учун сўзларнинг кўчма маъноларини ўзлаштириш, улардан ҳар хил вазиятларда фойдаланиш мумкинлигин англаб етиш талаб қилинади. Хатто мактабгача катта ёшда ҳам болалар мақоллар ва маталларнинг маъноларини тушуниш ва шарҳлашга анча қийналадилар. Болалар одатда сўзларнинг тўғри маънолари ортида яширинган кўчма маънони илғай олмайдилар, албатта. Шундай экан, болаларни халқ оғзаки ижодининг бу намуналарини тушунишга қандай тайёрлаш керак? Бу ишни боланинг қайси ёшидан бошлаш керак? Ҳали тили яхши чиқмаган илк ёшдаги болага мақоллардаги ҳикматларнинг маъносини етказиш мумкинми ва қандай қилиб? Халқ педагогикасида бу саволларга ҳам жавоб бор. Мақолларнинг ибрат тўла сирли оламига болаларни кичик ёшиданоқ даҳлдор қилиш, улардаги чуқур маъно ва ушбу маъно ифодаланган тил воситаларини уларга етказишда ўзига хос методика ишлаб чиқилган десак хато бўлмайди. Шундай экан, халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасини ўзида мужассам этган мақоллар ва ҳикматли сўзлар билан болага оилада унинг кичик ёшидан бошлаб таништириб бориш бу йўлдаги уринишларнинг самарасини белгилайди. Бу борада катталарнинг болаларни уларга турли хил насиҳатлар, удум сўзлари, образли иборалар айтиш билан халқ мақолларини тушуниш

даражасига етказадилар. "Ана шу катталар томонидан махсус болаларга қаратиб айтиладиган мақол ва маталлардан кўра соддароқ, аммо кичик боланинг эшитишига ва тушунишига мос, тарбиявий мақсадларни кўзда тутган халқ оғзидаги ибораларни ибрат-ўгит сўзлари деб аташимиз мумкин" [3, 25-бет].

«Сувга тупурма», «Ноннинг ушоғини ерга тўкма», «Китобни босма», «Кечаси тирноқ олма», «Сувга ахлат ташлама», «Косанинг тагида овқат қолдирма», «Нонни танламасдан олинади» ва ҳ.к. Бундай иборалар асосан «ёмон бўлади», гуноҳ бўлади", «увол бўлади» сўзлари билан қўшиб айтилади. Ўзбек оилаларида бу каби иборалар тез-тез айтиб турилади ва улар ҳамма ёшдаги болаларга қаратилган бўлади. Мана шу анъана болалар боғчаларида ҳам давом эттирилса, улар болалар онгига чуқурроқ сингиб боради. Бола ижтимоий аҳлоқ-одоб нормаларини шу йўсинда эгаллаб борар экан, кейинчалик мана шу иборалар мазмунига ҳамоҳанг "бола азиз, одоби ундан азиз", "нон ҳам нон, увоғи ҳам нон", "инсон исми билан эмас, иши билан улуғ" каби халқ мақолларининг мазмунини ҳам осонроқ англайди. Демак, мақоллар мазмунини болаларга етказишда бу каби тайёрлов ишларини оила ва боғча ҳамкорлигида олиб бориш янада самаралироқ натижа беради.

Болага айтиладиган мажозий гаплар (фразеологик иборалар) ҳам бор. Одатда улар кўчма маънода келади: «Кўзингга қараб юр», «Орқа ўнгигга қараб ол», «Тилингни ширин қил», "Ўзбошимча бўлма», "Ораларингдан ола мушук ўтдими?" ва ҳ.к. Бу гапларни уйда оила аъзоларидан, кўчада катта ёшдаги маҳалладошлардан, боғчада тарбиячилардан эшитиб борган бола аста-секин бундай ибораларнинг асл маъносини тушуниб боради, сўзларнинг асосий маъносидан ташқари кўчма маънолари борлигини англаб, уларни ажрата олади: тилни ширин қилиш яхши сўзларни айтиш эканлигини, кўзга қараб юриш, эҳтиёт бўлиш кераклигини, орадан ўтган ола мушук хафалашиб қолишни билдиришини ва ҳ.к. тушуниб боради, пировард натижада биз болани она тилимизнинг жилолари билан кичик ёшиданоқ баҳраманд қилиб борамиз.

Аҳлоқий сифатларни тарбиялашда халқ мақоллари ва маталлари битмас-туганмас имкониятларни ўзида мужассам этади. Мақоллар халқ ижодиётининг дурдоналари деб бежиз айтилмайди. Улар одамнинг фақат ақлига эмас, балки ҳиссиётига ҳам катта таъсир кўрсатади. Улардаги ўгитлар ва насиҳатлар осон идрок этилади ва ёдда қолади. Улар меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқат туйғуларини шакллантиришда катта таъсир кучини ўзида мужассам этади. Мақолларнинг маънолари, бадиий-ифода воситаларини мактабгача ёшдаги болага етказиш, уларнинг дидактик имкониятларидан таълим-тарбия жараёнида тўлиқ фойдаланиш учун, уларга ҳар қандай вазиятда мурожаат қилиш имкониятини қўлдан бермаслик керак. Айтайлик, бола уйда (ёки МТМда) кучи

етадиган ишни бажариб бўлгач, бувижон ёки буважонлар (МТМда тарбиячидан) болага қаратилган мақтов сўзларига "ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўл-оёғи тез бўлсин" ёки "терлаб ишласанг, тўйиб ейсан" каби халқ мақолларини қўшиб айтсалар, ишдан кочиб, ўзини четга олган бола, катталардан очиқ чеҳра билан, кулиб туриб "ош деса чопар, иш деса қочар", "бахт ялқовга бегона" каби мақолларни эшитса, ўйлаймизки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мақтовнинг таъсир янада ортади, танбеҳ эса таъсир кучини сақлаган ҳолда оғир ботмайдиган жаранглайди. Шунингдек кичкинтой ўз хатти-ҳаракатларига катталарнинг бераётган баҳоларида одамнинг қадрини, ҳурматини белгилайдиган омил меҳнат эканини ва бу ғоя келтирилган мақоллар маъносида мужассам эканини англаб боради. Кейинчалик, 6-7 ёшида катталардан эшитиб келган мақоллар маъноларини ифодалаган нутқий воситаларни (ўхшатиш, метафора, сўзнинг кўчма маъноси) ажрата бошлайди.

Аммо шу ёшда ҳам бола мақоллар маъносини қисман англаса-да, ўзи мустақил шарҳлай олмайди. Унга саволлар, изоҳлар орқали ёрдам бериш керак бўлади. Масалан, "Яхши боладан – раҳмат, ёмон боладан – лаънат" мақолига мурожаат қилсак. Бу мақолда мактабгача ёшдаги болага фақат "лаънат" сўзининг маъносини кенгроқ изоҳлаб бериш керак бўлади. Катталар аввал мақолнинг маъносини шарҳлаб беришни боланинг ўзига ҳавола қиладилар. Олинган жавобларга қараб, унга қуйидаги саволлар билан мурожаат этиб, мақол маънос ойдинлаштириб борилади: "Яхши бола қандай бўлиши керак?", "Бола яхши бўлса, унинг ота-онаси хурсанд бўладими?", "Одамлар яхши боланинг ота-онасига нима дейди?", "Ёмон бола қандай бўлади?", "Одамлар унинг ота-онасига нима дейди?", "Демак одамлар боланинг ота-онасига "лаънат" демаслиги учун, бола қандай бўлиши керак?", "Мақолда нечта сўз бор?", "Қара, олтита сўзда шунча маъно бор экан-а?"

Яна битта мисолни оламиз. "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?" мақолида катта мактабгача ёшдаги бола учун нотаниш сўзлар йўқ, уни фақат "олтин" сўзи билдирган кўчма мажозий маъно ўйлантириб қўйиши мумкин. Катталарнинг вазифаси ёрдамчи саволлар воситасида бу маънони боланинг ўзи "мустақил" англаб етишига эришишдан иборат: "Болалар, мақолимизда дуо олишимиз керак дейилган. Дуо ўзи нима?", "Дуони кимлардан олишимиз керак?", "Олтин-чи? Олтин нима?", "Дуо олтинга ўхшайдими? Нимаси билан ўхшайди?"

Бунда боланинг жавоблари тўлиқ бўлишига, гапларнинг грамматик жиҳатдан тўғри тузилганига, сўзларнинг талаффузига эътибор бериб бориш керак. Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз: бу ишларнинг самараси оила ва боғча ҳамкорлигида янада ортади. Уй юмушлари, турмуш ташвишларидан ортиб,

фарзандларимизнинг маданиятли, ўз она тилининг бойлиги, пурмаънолилигини англаган ва бундан фахрланадиган шахслар бўлиб етишишларига ҳаракат қилайлик.

Шундай қилиб, ўз нутқида мақол ва маталлардан фойдаланар экан, болалар ўзларининг фикрлари ва туйғуларини аниқ, лўнда, ёрқин рангларда ифодалашни, нутқ оҳангини бойитишни ўрганадилар. Уларда сўздан ижодий фойдаланиш, предметни образли тасвирлаш, унга ёрқин таъриф бериш малакалари ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:"Ўзбекистон", 2011.

2. Болажон. (Такомиллаштирилган "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари" асосида ишлаб чиқилган). Тузувчи муаллифлар: С.С.Мирджалилова, М.Ш.Расулева, Д.Шарипова ва б. – Тошкент, 2010.

3. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1978, 22-бет.

4. Саримсоқов Б. Мақоллар. – Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1988, 85-98-бетлар.

## Болаларнинг кохлеар имплантациясидан сўнг ота-оналарга махсус ёрдам кўрсатиш

Мўминова Л.Р., Убайдуллаева Қ.А.
ТДПУ

Л.С.Виготский меъёрда ривожланаётган болалар шахсиятининг шаклланиши ҳақида сўзлаганда, боланинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ижтимоий маданиятнинг ривожланиш даражасига мос келади деб ҳисоблайди. Бола ҳаёти давомида ижтимоий тажрибани, умуминсоний ва миллий аҳлоқ-одоб нормаларини эгаллаб боради, таълим олади ва аста-секин ҳар томонлама ақлий ва жисмоний жиҳатдан етилиб боради. Эшитишида нуксони бўлган ногирон болаларда бу жараён қийинчилик билан кечади, улар катталарнинг ёрдамига кўпроқ боғлиқ бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ҳам махсус ёрдамсиз содир бўлмайди.

Афсуски, хаётда эшитишида нуқсони бўлган шахслар кўп учрайди. Эшитишида нуқсони бўлган боланинг туғилиши, ҳар қандай ногирон боланинг

туғилиши каби, оила учун катта фожиадир. Ота-она боласининг эшитмаётганини пайқаганда дастлаб саросимага тушади.

Д. Льютеман кар болалар ота-оналарининг хис-туйғулари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг қуйидаги босқичларини кўрсатиб ўтади.

Биринчи босқич – шок ҳолати. Ота-она ҳаётнинг зарбасидан саросимага тушади. Фарзанди билан қандай мулокотга киришишни билмайди ва бундан қўрқувга тушади.

Иккинчи босқич - тушуниш. Бу даврда ота-она, биринчи зарбадан ўзига сал келиб олгач, фарзанди мутахассислар ёрдамига мухтож эканини тушунади ва аниқ ташхисни билишга интилади.

Учинчи боскич – ташхисни қабул қилмаслик, уни инкор этиш. Ота-онага боласи эшитаётгандай, унга қўйилган "карлик"ташхиси нотўғридай туюла бошлайди. Ушбу боскичнинг хавфли томони шундаки, баъзи ота-оналар болаларининг ҳолатига узоқ вақт кўника олмайдилар ва натижада унинг ривожланиши учун зарур бўлган қимматли вақтни бой берадилар.

Тўртинчи босқич - карликни қабул этиш. Бу босқичда ота-оналар ўз фарзандининг жисмоний камчилигига кўникиб, уни шифокорлар қабулига олиб борадилар, содир бўлган вазиятдан чиқиш йўлини қидирадилар. Уларнинг мулоҳазалари тахминан қуйидагича кечади: “Ҳа, бизнинг боламиз кар, энди буни тўғрилаб бўлмайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам, биз унинг бахтли бўлиши учун, яхши инсон сифатида ўсиши учун ҳаракат килишимиз керак”.

Бешинчи босқич - эҳтиёжга кўра ҳаракатлар. Ота-оналар ногирон фарзанд туғилиши билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб, ўзларининг оилавий турмуш тарзларини ўзгартира бошлайдилар.

Биринчи уч босқич ҳафталар, ойларни ўз ичига олса, тўртинчи ва бешинчи босқичлар ота-онанинг бутун ҳаётини эгаллайди.

Эшитишида нуқсони бўлган бола реабилитация жараёнига қанча эрта жалб қилинса, унинг ижтимоий мослашуви шунча тез кечади. И.В.Королёва ушбу категорияга мансуб болаларнинг ота-оналарига ўз вақтида психологик ёрдам бериш муҳим эканлигини таъкидлайди. Агар ота-оналарга психологик тўсиқларни енгиб ўтишга амалий ёрдам берилса, агар улар фарзандларига тиббий ёрдам билан бир қаторда коррекцион-ривожлантирувчи ёрдам кераклигини ўз вақтида англаб етишса, бу болада нутқни тушуниш, нутқ орқали мулоқотга киришиш кўникмалари эрта шаклланади.

Бу ўринда кар болаларда кохлеар имплантация операциясининг ўтказилиши ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради ва бу муаммоларни ҳал қилишда аввалам бор ота-оналарнинг зиммасига катта масъулият юкланади.

Кар болаларнинг кохлеар имплантациядан сўнг абилитацияси ва реабилитацияси билан боғлиқ муаммоларга бағишланган адабиётлар талайгина:

И.В.Королёва. О.С.Жукова, И.В.Дмитриева, Г.В.Зонтова. И.А.Валькова, Е.П.Микшина ва бошқалар. Кўриниб турганидек. Россияда бу муаммолар Ўзбекистонга нисбатан кўпроқ ўрганилган. Чунки кохлеар имплантация бизга нисбатан яқинда кириб келди ва имплантантли болалар ҳозирча камчиликни ташкил қилади. Бироқ бу ҳол муаммони кун тартибидан туширмайди. Балки ҳозирданоқ унинг ҳамма жиҳатларини ҳисобга олиб, таҳлил қилишни талаб этади.

Бу ўринда ҳам айтиш мумкинки, кохлеар имплантация операцияси қанча эрта амалга оширилса, боланинг нутқий ва ижтимоий мослашуви шунча тезроқ ва осонроқ кечади. Кохлеар имплантациянинг самарадорлиги операциягача ўтказилган ва ундан кейин ўтказиладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишга боғлиқ. Ҳа, операциядан кейин бола эшитади. Аммо узоқ давом этадиган коррекцион иш натижасидагина у равон гапира олиш кўникмаларини ҳосил килади. Шундай қилиб, кар бола нутқининг ривожланиши 10% кохлеар операцияга боғлиқ бўлса, қолган 90% у билан олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишга боғлиқ (Королёва И.В.). Мана шу ҳақиқатни аввалам бор ота-оналарга тушунтириш керак, чунки кўпчилик ота-оналар операция фарзандининг нутқ муаммоларини ўз-ўзидан ҳал килиб беради деб ўйлайди. Афсуски, бундай эмас.

Кохлеар имплантация ёрдамида бола хатто паст товушларни ҳам эшитади, бироқ унда нутқни эгаллаш қобилиятининг йўқлиги кузатилади. Шунинг учун пайдо бўлган эшитувни ҳамда атрофдаги одамлар нуткини тушунишга қаратилган нутқ эшитув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларнинг тўғри ташкил этилиши жуда муҳимдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кохлеар операциядан сўнг нуткни эшитиб тушуниш қобилияти болада бир-икки йил давомида яхшиланиб боради. Бундай болалар кейинчалик оммавий мактабларда таълим олиш имконига эга бўладилар, лекин тил бўйича қўшимча машғулотларга талаб сезадилар.

Кохлеар имплантация муаммолари билан чуқур шуғулланиб келаётган олима И.В.Королёванинг таъкидлашича, эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим-тарбияси унинг оиласи билан биргаликда узвий равишда олиб борилиши лозим. Бунинг учун ота-оналар аввалам бор кохлеар имплантацияли болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг тузилиши, мақсади, вазифалари ҳақида маълумотга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлар кохлеар имплантация билан боғлиқ операция ўтказилишидан олдин бошланиши курак. Бунда ота-оналар ва яқин қариндошларга аввалам бор имплантация бу жарроҳлик аралашуви эканлигини тушунтириш, имплантациянинг функцияси ҳақида, кохлеар имплантация мосламаси ҳамда уни ишлаш принципи ҳақида тўлиқ маълумот бериш керак.

Бундан ташқари, ота-оналар билан кохлеар имплантациядан сўнг нутқ эшитув реабилитациясининг шарт-шароитларини муҳокама қилиш муҳимдир. Бу шарт-шароитлар қуйидаги саволларга бериладиган жавоблар мазмунига боғлиқ.

Бола сурдопедагог, логопед зарур бўлса психолог билан доимий равишда шуғулланиш имкониятига эгами?

Болага қандай нутқий муҳит шароитини ташкил этган маъқул? (логопедик ёки оммавий боғчага бориши).

Ота-она ўз боласининг нутқи ва эшитишини ривожлантириш устида доимий равишда иш олиб бора оладими?

Бу борада билим ва тажрибага эгами ҳамда махсус ёрдам беришга қодирми?

Ота-оналарга бола билан уйда шуғулланишга ёрдам берувчи қандай адабиётлар тавсия этиш мумкин?

Кохлеар имплантация процессори ёқилганидан сўнг ҳамда кейинги реабилитация даврида маълум муддат боланинг хулқида ўзгаришлар кузатиладики, ота-оналар ва яқин кишиларни уларга тайёрлаш лозим. Бошида бола товушларга эътибор бермаслиги, ўжар бўлиб қолиши, тез толиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида ота-оналарни огохлантириш керак. Баъзи ҳолларда боланинг ота-онасига, методик маслаҳатлар бериш билан бир қаторда, конкрет мисоллар ҳам келтириш катта самара бериши мумкин. Масалан, И.В.Королёва бу борада кохлеар имплантанли фарзанди бўлган ва бошланғич боскичдан ўтган бошка бир ота-онанинг ўз фарзанди билан мулоқотини видеотасмаларда кўрсатиш ва таҳлил қилиш катта ёрдам беришини айтиб ўтган. Шунингдек, олима коррекцион-реабилитацион ишда ота-оналарнинг болада нутқий идрокни ривожлантириш ҳамда талаффузга ўргатишнинг махсус усул ва воситаларини эгаллашларига катта эътибор қаратади.

Ота-оналар боланинг эшитув қолдиғини ривожлантириш, нутқнинг талаффуз томонини шакллантириш бўйича ишларни яхши олиб бора олишлари керак. Ота-оналарга ушбу қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беришда шифокор, логопед, сурдопедагог, психологлар қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- ота-оналарга эшитиш нуқсонини даволашга қаратилган воситалар ҳақида, йўқотилган эшитувни эшитиш аппарати ёки кохлеар имплантация ёрдамида компенсациялашнинг замонавий имкониятлари ҳақида максимал маълумотлар бериш;

- атрофидаги одамларни тушуниш ва эшитиш имкониятининг болада чегараланганлигини инобатга олган холда ота-онани у билан мулоқот қилишга ўргатиш;

- ота-оналарни бола билан мустакил ва тизимли равишда шуғулланишга ўргатиш:

- эрта эшитув протезларининг муҳимлигини аниқлаштириш, кохлеар имплантация ёки ижтимоий адаптацияни кучайтириш ва иш қобилиятларини назорат этишга ўргатиш;

- ота-оналарга бола билан олиб бориладиган сурдопедагогнинг машғулотлари ва ўзларининг машғулотлари, кохлеар имплантациядан фойдаланиш натижалари дарров кўринмаслиги, уларнинг сабрли бўлишлари лозимлигини тушунтириш керак;

- ота-оналарга шундай муаммоси бўлган, боласи билан фаол шуғулланган, маслаҳатлари билан қўллаб қувватлай оладиган бошқа ота-оналар билан мулоқот қилиш имконини яратиш, бунинг учун бундай фарзанди бор ота-оналар марказини ташкил қилиш лозим;

- ота-оналарни ўз боласини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга, унинг ҳар битта, ҳатто энг кичик ютуғидан ҳам хурсанд бўлишга даъват этиш керак.

И.В.Королёва қўлланмаларида кохлеар имплантацияли болаларнинг нутқи ва эшитишини уй шароитида ривожлантириш бўйича батафсил тавсиялар берилган.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишда кўргазмалиликка риоя қилиш жуда муҳим, зеро юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхшироқ. Бундай ҳолларда ота-оналар сурдопедагог, логопед, психологга шахсан мурожат этиш имкониятига эга бўлиши, улар эса бола билан ўтиладиган машқларни тушунтиб, керак бўлса, кўрсатиб бериши ғоят муҳим. Бироқ шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ҳар бир бола учун ушбу муаммо индивидуал равишда ҳал этилиши керак, шунинг учун ҳар битта болага индивидуал дастур тузиш лозим. Коррекцион-реабилитацион иш ўз ичига бир қанча йўналишни қамраб олади, бола билан олиб бориладиган машғулотлар структураси шунга қараб белгиланади. Қуйида ота-оналарнинг кохлеар имплантантли кичик ёшдаги болалар билан олиб борадиган машғулотларининг намунали режасини келтирамиз.

1. Боланинг эшитиш идрокини ривожлантириш.

2. Луғат заҳирасини ва грамматикани шакллантириш устида олиб бориладиган иш.

3. Товушларни талаффуз қилиш кўникмалари ва нутқни ривожлантириш.

4. Ўқиш малакаларини ривожлантириш.

5. Энг оддий математик тасаввурларни ривожлантириш.

6. Атроф олам ҳақидаги тасаввурларни, умумий когнитив малакалар, диққатни ривожлантириш.

7. Йирик моторикани ривожлантириш.

8. Майда моторикани ривожлантириш.

Шундай қилиб, кохлеар имплантация операцияси ўтказилган болалар билан ота-оналарининг ўзлари уй шароитида мустақил кўрсатиши мумкин бўлган махсус коррекцион ёрдам турларини келтирдик. Юқорида кўрсатиб ўтилган методик тавсиялар ота-оналарга болани оилади таълим-тарбияси муаммоларини хал этишда ёрдам беради деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Королёва И.В. Кохлеарная имплантация глухих детей и взрослых (электродное протезирование слуха). – СПб.: КАРО, 2009. – 752 с.: ил.
2. Миронова Э.В., Сагаева А.И., Фроленкова И.Д. Развитие речевого слуха //Дефектология. – 2005.- №1. С. 57-64.
3. Пелымская Т.В., Шматко Н.Д. Формирование устной речи дошкольников с нарушенным слухом: методическое пособие для учителей дефектологов и родителей. – М.: Владос, 2003. – 224 с.
4. Сатаева А.И. Кохлеарная имплантация как средство помощи глухим людям. – ж. Воспитание и обучение детей с нарушениями развития, №1, 2008.


## Нутқ камчилигига эга бўлган боланинг ривожланишида оиланинг ўрни


Пўлатова Х.М.

ТДПУ


З.Фрейднинг психоанализ концепциясида индивиднинг, бир томондан, эмоционал мақоми (статуси), унинг ижтимоий ўзаро муносабатлари ва, иккинчи томондан, болалик чоғида онаси билан ўзаро муносабатларининг ўзига хослиги ўртасида яқин алоқа борлиги чуқур тадқиқ этилган эди.

Психологларнинг қатор тадқиқотларида таъкидланишича, ўз эмоционал ҳаётини бошқара оладиган тўлақонли жамият аъзосини шакллантириш учун, келажакда ўз болаларининг тарбиясида унга зарур бўлган адекват ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантириш учун, боланинг ёнида ҳамма вақт уни яхши кўрадиган ва тушунадиган катта одам бўлиши керак. Табиийки, фақат оилада мана шундай яқин ва муҳими доимий алоқани таъминлашга эришиш мумкин.

Психолог-олимларнинг фикрига кўра, боланинг ривожланиши, ижтимоий ҳаётга мослашиши, "ижтимоий шахс"га айланиб бориши болага яқин бўлган кишилар билан ўзаро муносабатлардан бошланади. Боланинг она билан

бевосита эмоционал муносабатлари бола муносабатлар субъекти сифатида иштирок этадиган фаолиятининг биринчи туридир. Боланинг бутун кейинги ривожланиши унинг инсоний муносабатлар тизимида, жамият тизимида қандай ўрин эгаллашига, у кимлар билан алоқа қилаётганига, унинг муносабатлар доираси ва характери қандай эканига бевосита боғлиқ.

Психологларнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, болаларнинг ўзаро муносабатларга бўлган эҳтиёжи уларда автоматик тарзда, ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу эҳтиёж аста-секин, боланинг ҳаёт кечириш шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Бундай эҳтиёжларнинг юзага келиши ва кейинчалик ривожланишида бола атрофидаги одамларнинг, биринчи навбатда яқин кишиларнинг таъсирлари ва муносабатлари ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Оилани бир бутун тизим сифатида олиб қараш концепциясидан келиб чиққан Э.Берн оилавий муносабатлар доирасида ҳар битта оила аъзосининг ўз ўрни ва бошқа оила аъзоларига таъсир кўрсатишда ўзига хос хусусиятлари борлигини таъкидлайди. У шахс "мен"ининг учта ҳолатини белгилаб берди: Ота-она ҳолати, Катта одам ҳолати ва Бола ҳолати. "Мен" ҳолатларининг ривожланиши муайян тартибда содир бўлади. Бола туғилганидан кейин унинг идроки шахсий эҳтиёжларига ва маиший қулайлигига қаратилган бўлади. Бола туғилиши биланоқ унда "Мен" Бола ҳолати юзага келади. Бундан кейин "Мен" Ота-она ҳолати ривожланади. Бу ҳолат одатда биринчи марта бола ота-онасининг хулқ-атворига тақлид қилиб "ота-она" бўлиб ўйнаганида кузатилади. Бола атроф-оламни англашга уринар экан, унда "Мен" Катта ҳолати ривожланади. Саккиз ёшга келиб болада ўзининг қадри ва атрофдагиларнинг қадри ҳақидаги тасаввурлар ривожланади. У ўзининг ўтмиш тажрибаси ўзига нима берганини ва келажакда ҳаётда қандай роль ўйнашини ҳал қилади. Бу болани ўзига нисбатан ўзи белгилаган психологик баҳоларни қабул қилишга ундайди: "Мен яхшиман, Сиз яхшисиз", "Мен ёмонман, Сиз яхшисиз", "Мен яхшиман, Сиз ёмонсиз", "Мен ёмонман, Сиз ёмонсиз".

У ёки бу психологик баҳони қабул қилишда болага унинг ўзаро мулоқотга бўлган эхтиёжи қай даражада қондирилаётгани, ушбу мулоқотлар жараёнида атрофдагилар томонидан ўзи қай даражада тан олинаётгани ҳам катта таъсир кўрсатади. Одатда бундай эҳтиёж аввалам бор ота-оналарнинг боласига нисбатан ҳар кунги ғамхўрлигида қондирилади. Табассум, бош ҳаракати, сўз, хумрайган нигоҳ, имо-ишора ўзаро алоқалар ўрнини босади. Эмоционал алоқаларнинг етишмаслиги бола шахсига салбий таъсир кўрсатади. Ўз боласининг ҳис-туйғулари ва эхтиёжларига ота-онанинг эътиборсизлиги унинг соғлом ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ҳозирги замон психологияси шахс ривожланишидаги энг муҳим даврларни вақт чегарасида аниқ белгилаб беради. Масалан, дастлабки беш

йилда шахс структураси шаклланади. Бу даврда бола айниқса таъсирчан ва нозик бўлади; у ўз эҳтиёжлари тўлиқ ёки қисман қондириладиган оилага жисмоний, ижтимоий, эмоционал жиҳатдан боғлик бўлади. Бунда ота-оналар ва яқин қариндошлар муҳим ўрин тутадилар. Улар билан ўзаро алоқа қилиш тажрибаси бола учун ижтимоий муносабатлар мактаби вазифасини ўтайди. Бу даврда у атроф оламга ишонч ҳиссига эга бўлиши, ўзида ижобий ҳис-туйғуларни шакллантириши лозим. Кейинчалик мана шулар болага янги ҳаётий тажрибага эга бўлиш учун таянч вазифасини ўтайди, кейинги ривожланиш даврларига тўғри ўтишни кафолатлайди. Аксинча, эмоционал муносабатларнинг етишмаслиги болага катталар билан эмоционал муносабатларнинг йўналиши ва характерини мустақил англаб етишга ҳалал беради ва хатто ўзаро муносабатларга киришишдан қўрқишгача олиб келиши мумкин. Катта одам бола билан у ҳали коммуникатив фаолиятга ўзи мустақил қодир бўлмаган пайтда мулоқот кила бошлайди. Модомики шундай экан, унинг хатти-ҳаракатлари болада ўзаро алоқага бўлган эҳтиёжни шакллантиришнинг бош шарти бўлиб хизмат қилади. Демак, атрофдагилар билан ўзаро алоқа ўрнатиш, муносабатларга киришиб кетиш фаолиятини бола айнан катталар мисолида ўзлаштиради. Чет эллик тадқиқотчилар гўдаклик даврида она ва бола ўртасида яқин ва илиқ муносабатлар ўрнатилган бўлса, шу бола илк болалик даврида анча мустақил бўлишига эътибор қаратадилар. Гўдаклик даврида эмоционал муносабатларнинг танқислигини бошидан кечирган бола ўсмирлик даврида анча тажовузкор бўлиши ҳам тажрибаларда кузатилган.

Олимларнинг тадқиқотлари онанинг меҳри ва куйинчаклиги билан гўдакда билиш қобилиятининг ривожланиши ўртасида тўғридан-тўғри ижобий алоқа борлигини исботлайди. Она билан боланинг гўдаклик давридаги яқин алоқаси кейинчалик болада мустақиллик, ўзига ишонч ҳиссининг ривожланишида ва шу билан бирга бошқаларга нисбатан илиқ ва очиқ кўнгил муносабатларнинг ўрнатилишида асосий омил вазифасини ўтайди. Тадқиқотчиларнинг кузатишлари кўрсатишича, беписандлик, теҳкирланиш муҳитида яшаган болалар одатда ўта асабий, ўз ҳис-туйғуларини етарли даражада назорат қила олмайдиган, эмоционал етилмаган, тажовузкор, уришқоқ, ўта таъсирчан бўлади. Бундай муҳитда ўсаётган болалар вақт ўтиши билан ота-оналарнинг эътиборсизлигини тажовузкорлик сифатида баҳолай бошлайдилар, бу бора-бора уларда сурункали психологик жароҳатга олиб келади, бу эса қўрқув ва тажовузкорликда намоён бўла бошлайди. Қўркув болада ўзининг ноқислиги ҳақидаги туйғуни келтириб чиқаради, асабий ҳолатларнинг кучайишига олиб келади.

Э.Г.Эйдемиллер болаларнинг ривожланишида ҳар хил невротик ҳолатларга сабаб бўладиган оилавий тарбиядаги камчиликлар турларининг қуйидаги таснифини беради.

1. Ўта эрк берилган ғамхўрлик. Бола оила аъзоларининг диққат марказида бўлади. Оила боланинг эҳтиёжларини имкон даражада тўлиқ қондиришга интилади.

2. Устунлик қиладиган ғамхўрлик. Бола ота-онанинг диққат марказида бўлади. Ота-она унга кўп вақт ва куч сарфлайдилар, кўплаб чеклашлар, тақиқлар билан боланинг мустақиллигини чеклайдилар.

3. Эмоционал рад этиш. Бола эҳтиёжларини менсимаслик, унга нисбатан ўта қиттиққўллик.

4. Ўта аҳлоқий масъулиятлилик. Ота-она тарбияда болага юқори аҳлоқий талаблар қўяди-ю, аммо ўзи унга нисбатан эътиборсиз бўлади, етарли даражада ғамхўрлик қилмайди.

5. Шафқатсиз муносабат. Ота-оналар боласининг эҳтиёжларини қондиришга интилмайдилар, бунинг устига унинг арзимас хатоси учун ҳам қаттик, хатто шафқатсиз жазо берадилар.

6. Назоратнинг йўқлиги. Бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ота-она у билан қизиқмайди ҳам, уни назорат ҳам қилмайди.

Ота-оналар ва болалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг бузилишида кузатиладиган энг оғир ҳолатни психолог ва педагог олимлар она депривацияси деб атайдилар. Болада кечадиган оғир психологик зиддият ҳолати онани кам кўриши, онанинг болага нисбатан бефарқлиги туфайли юзага келади. Зеро боланинг феъл-атвори ва шахс сифатидаги хислатларининг шаклланишида онанинг ўрни беқиёс. Буни кўплаб илмий ва экспериментал тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Боланинг руҳан соғлом бўлишининг асосий шарти унинг гўдаклик давридаёқ онаси билан меҳрли ва илиқ муносабатларнинг ўрнатилганида. Акс ҳолда бола она депривациясини бошидан кечиради. Ота-оналаридан узоқлаштирилган болаларда кўп ҳолларда кучли ҳавотирлик ҳисси, уларнинг муҳаббати ва ғамхўрлигига кучли эҳтиёж, ота-онадан қасд олиш истаги намоён бўлади. Пировард натижада буларнинг ҳаммаси болада гуноҳкорлик ҳиссини ва тушкунлик кайфиятини келтириб чиқаради.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларда одатда ўз тенгдошлари билан муносабатларни ташкиллаштиришда барча кўрсаткичлар бўйича орқада қолиш кузатилади.

Тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, оиладан узоқлашиш, болага ғамхўрлик қилаётган ва у боғланиб қолган одамларнинг алмашиниб туриши натижасида бола ўзини гўё унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлар ҳам унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга

эмасдек тутади, вакт ўтиши билан унинг атрофдагиларга бўлган ишончи сўниб боради, болада эгоцентризм ривожланади ва ижтимоий муносабатларга қизиқиши камайиб боради. Унинг бошка кишилар билан бўлган алоқаларида кўпроқ тажовузкорлик ва ёвгарчилик ҳиссклари намоён бўла боради. Зеро ўзи меҳр ва ғамхўрлик кўрмаган бола бошқаларга ҳам уларни бера олмайди. Болаларни ёшлигидан бошлаб ота-онага, ака-ука ва опа-сингилларига, боғча ёшида эса тарбиячи ўртоқлари ва атрофдагиларга меҳрибонлик руҳида тарбиялаб боришлари мақсадга мувофиқдир. Қачонки бола меҳр кўрса, ўсиб улғайган сари шу меҳр унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## Ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Л.Ш. Нурмухамедова
ТДПУ

Ногирон болалар жуда мураккаб ва турли-туман гуруҳларга бўлинади. Ривожланишдаги ҳар хил бузилишлар болаларнинг ижтимоий алоқаларини шакллантиришга ҳар хил таъсир кўрсатади. Барча психологлар ва махсус педагогларнинг таъкидлашларича, ота-оналар бундай болалар билан мулоқотни тўғри ташкил этиш ва тарбиялаш учун ўз болаларининг ривожланиш хусуиятларини, камчилигининг моҳиятини яхши билишлари лозим. Жумладан, Ф. Ф. Рау ва Н. Ф. Слезина, Л.М. Шипицина таъкидлаганларидек, ота-оналар ногирон болаларининг ривожланишидаги камчилик сабабларидан, шунингдек унинг эҳтимолдаги оқибатларидан қай даражада хабардор бўлсалар, тўғри тарбияни ташкил қилишлари ҳам шу даражада макбул кечади.

Тадқиқот муаллифлари ривожланишида камчилиги бор, ақли заиф болалар мисолида болаларни тарбиялаётган оилаларда нотўғри тарбия моделларининг қуйидаги турларини келтирадилар.

1. Ота-оналар ўз болаларига тегишли даражада эътибор қаратмайдилар, уни ўз ҳолига қўйиб қўядилар. Бу эса боланинг ривожланишда янада кўпроқ орқада келишига, ҳаётга бутунлай мослашмаслигига сабаб бўлади.

2. Ота-оналар болаларига ҳаддан ташқари ғамхўрлик қиладилар. Унга қаттиқ ачинадилар, уни аяйдилар, қийинчиликлардан сақлашади, хамма ишларни унинг ўрнига ўзлари бажаришга уринадилар. Бу боланинг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ўзини эплай олмайдиган, ожиз қилиб қўяди ва ривожланишини янада кўпроқ орқага суради.

А. Н. Смирнова ўзининг ривожланишида муаммолари бўлган болалар тарбиясига бағишланган тадқиқотида (1967) ногирон болага ота-оналар муносабатларининг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади.

1. Ота-оналар фарзандининг камчилигини жуда чуқур, хатто фожиали қабул қиладилар, унга ҳаддан ташқари кўп ғамхўрлик қиладилар, раҳм-шафқат кўрсатадилар, болага хатто унинг қўлидан келадиган ишларни ҳам қилдирмайдилар. Бундай ўта ғамхўрлик болани мустақил ҳаракатланишдан маҳрум қилади, унга мураккаб ҳаётий шарт-шароитга мослашиш имконини бермайди.

2. Ота-она фарзандининг камчилигига кўникишни истамайди, унинг имкониятларига ортиқроқ баҳо бериб, камчиликларини сезмайди ёки улардан кўз юмади.

3. Ота-она фарзандининг камчилигидан истиҳола қилади, уни одамларнинг кўзидан нари қилишга уринади, у билан жамоа жойларига бормайди ва натижада боласини ҳаётий таассуротлардан махрум қилади. Бола жуда секин ривожланади, журьатсиз, кўрқоқ, тортинчоқ бўлиб ўсади.

4. Ривожланишида камчилиги бор бола оилада "ўгай" макомида бўлади: уни ҳафа қиладилар, устидан куладилар, камчилигини юзига соладилар. Бундай оилада бола одатда руҳий тушкун ҳолатда бўлади, у тез аразлайдиган, жаҳли чиқадиган, қайсар бўлади.

5. Ота-она боласига эътибор бермайди, бутун тарбияни мактаб ёки махсус болалар муассасаси зиммасига юклаб кўяди.

А.Н.Смирнова ривожланишида камчилиги бор болаларга муносабатда ота-оналар ўзларини нихоятда осойиша тутишлари, сабр-токатли, адолатли бўлишлари, изчил ҳаракат килишлари кераклигини, шунингдек боланинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб уларнинг тарбиясига индивидуал ёндошишлари зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Машҳур америкалик педиатр Б.Спок ўз кузатишлари натижасида ота-оналарнинг ногирон фарзандига нисбатан қуйидаги муносабат турларини кўрсатиб ўтади.

1. Ота-оналар ўз фарзандларининг "ғалати"лигидан уяладилар, уни ортиқча асраб-авайлайдилар. Бола ўзини хотиржам ва хавфсиз деб ҳисобламайди, одамови бўлади, кўнглидагини гапирмайди, ўзидан коникмайди.

2. Ота-оналар фарзандларининг камчилигига билиб-билмай ўзларини айбдор деб биладилар, кўп ҳолларда болани қийин аҳволга солиб қўядиган, аммо унга ҳеч бир енгиллик олиб келмайдиган ҳар хил, хатто энг тўғри келмайдиган "даволаш" усулларини қўллашни талаб қилиб туриб оладилар.

3. Ота-оналар аста-секин фарзандининг аҳволи умид қилиб бўлмайдиган даражада деган хулосага келадилар, унга бирон-бир эътибор бериш, унга меҳр кўрсатишдан бош тортадилар.

4. Ота-оналар болаларининг ривожланишидаги муаммоларни кўрмайдилар ва бутун оламга унинг ақли бошқа болаларникидан ҳеч бир кам эмаслигини исботлашга уринадилар. Бундай ота-оналар болаларини муттасил қистовга оладилар, унга имкониятларидан анча юқори талаблар қўядилар. Доимий босим болани қайсар ва жаҳлдор қилиб қўяди, кўлидан келмайдган талабларни бажариш билан боғлиқ вазиятлар эса унинг ўзига бўлган ишончини сўндириб боради.

5. Ота-оналар болани табиий қабул қиладилар, "ундайроқ" нигоҳлар ва танбеҳларга парво қилмай, унга ҳамма жойда бўлишга рухсат берадилар. Бола ўзини дадил, бахтиёр сезади, ўзини борича қабул қилади.

Б. Спок (1990), агар болага муттасил раҳм кўзи билан қарамай, унга табиий муносабатда бўлинса, бола мамнун ва бахтиёр ўсади, бу ҳолда оила ҳам *унинг ҳақида эмас, балки унинг билан* гапиришади деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, ривожланишида муаммоси бор болаларга нисбатан ота-оналарнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча муносабат турлари, умуман олганда, психологлар томонидан "ота-она – нормал бола" муносабатлари қаторидан ажратиб олинган бузилган тарбия усулларининг ўзига хос кўринишларидир. Булар гипер (ўта)ғамхўрлик, гипо(паст)ғамхўрлик, психологик ажратиб қўйиш, гипер(ўта)ижтимоийлаштириш. Ота-оналар ва муаммоли болаларнинг ўзаро муносабатларига ҳар бир бола ривожланишидаги ўзига хосликнинг таъсир кўрсатиши бундан мустасно. Илмий ва илмий-методик адабиётларнинг таҳлили кўрсатишича, бу ўзига хослик шундаки, ота-оналар томонидан қабул қилинган нотўғри мулоқот усули болалар ривожланишидаги муаммони янада оғирлаштириши мумкин.

Шундай қилиб, ота-оналар кўп ҳолларда болалари психикасининг асосий қонуниятларини яхши билмай туриб, унга кўрсатган меҳрлари туфайли унинг тарбиясида қўпол хатоларга йўл қўядилар, бу хатолар эса бола психикасига янада кўпроқ зарар етказади. Ота-оналар, ўзлари ҳам билмаган ҳолда, болаларида невротик ҳолатга асос соладиган тарбия моделларидан фойдаланадилар.

Ота-оналарнинг ногирон фарзандига муносабатлари тизими нималардан ташкил топишини кўриб чиқайлик. Ногирон фарзандга муносабат деганда болага нисбатан турли-туман ҳис-туйғулар тизими ҳам, бола билан ўзаро мулоқотда амал қиладиган муомала тарзи ҳам, боланинг характери ва шахсини, қилиқлари ва хулқини идрок этиш ва тушуниш хусусиятлари ҳам киради. Оиладаги психологик муҳитнинг ҳамда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги

ўзаро муносабатларнинг диагностикаси натижасида, бир томондан оилада бола тарбияси турини аниқлаш мумкин бўлса, иккинчи томондан у ёки бу тарбия моделлари боланинг психик ва шахс сифатидаги ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини башорат қилиш имконияти юзага келади. Ота-оналар ва болалар ўртасида оилада расм бўлган ўзаро муносабатлар тизимининг бола учун қанчалик макбул эканини баҳолаш учун тарбия объектининг ўзига, яъни боланинг ўзига мурожаат этиш лозим. Боланинг ўз оиласини субъектив идрок этиши орқали уни ташвишга солаётган ўзаро муносабатларни, боланинг оиладаги ўрни ва ролини аниқлаш мумкин бўлади.

Адабиёт

*Рау Ф. Ф., Слезина П. Ф.* Воспитание аномального ребенка в семье //Основы обучения и воспитания аномальных детей / Под ред. А. И. Дьячкова. М., 1965.

*Смирнова А. Н.* Воспитание умственно отсталого ребенка в семье. М., 1967.

*Спок Б.* Ребенок и уход за ним. Л., 1990

## Ривожланишда нуқсони бор болаларни тарбиялашда оиланинг ўрни

Аҳмедова З.М., Шодмонхўжаева Д
ТДПУ

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, фарзандларимизни келажакда етук ва баркамол авлод этиб вояга етказиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш, мустахкам тинчликни таъминлаш ўта мураккаб ва машаққатли жараёндир. Бундай мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун эса босқичма-босқич, изчил чора-тадбирлар кўриш талаб этилади. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг барча жабҳаларида тараккиётни таъминлаш, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, баркамол фарзандларни вояга етказиш каби эзгу ва юксак мақсадларга эришишида ҳар бир йил Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан рамзий ифодаланиб келинмоқда. Бундай рамзий ифодаларнинг асосий диққат марказида келажак авлод кишиларининг ҳар томонлама муҳофазасини ва камолотини таъминлаш масаласи туради 2012 президентимиз И.А.Каримов томонидан “Мустахкам оила йили” деб эълон қилинди. Оила жамиятимизнинг негизи. Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустахкам экан мамлакат барқарордир.

Оила жамиятнинг бошланғич негизи бўлиб, унда янги инсон вужудга келади. Бу кичик ижтимоий гуруҳ бола учун дастлабки хаёт манбаидир. Ота-

оналар боланинг биринчи тарбиячисидир. Ҳаётнинг биринчи йилидан бошлаб бола шахсини шакиллантириш яъни унинг тарбияси билан шуғулланиш оиланинг асосий вазифасидир.

Оиланинг роли унда айникса ақлий ривожланишида нуқсони бор болалар бўлганда жуда муҳим аҳамият касб этади, бола тарбияси борасидаги вазифаси янада мураккаблашади. Ривожланишида нуқсони бор болаларга нисбатан оилада қарама-қарши бўлган икки хил муносабатларни кузатиш мумкин. Баъзи оилаларда ривожланишида нуқсони бор болаларга етарлича аҳамият бермайдилар. Бундай болаларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни англаб етмасдан, уларга тўғри йўл топа олмайдилар, ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Бошка оилаларда ота-оналар ақли заиф фарзандларидаги камчиликларни кўриб, уларга ачиниш ҳисси билан қарайдилар, ҳаддан ташқари ортиқча ғамхўрлик қила бошлайдилар. Болани унинг қўлидан келадиган барча вазифалардан озод килишга интиладилар. Бундай тарбия натижасида ақли заиф бола ривожланишдан янада оркада кола бошлайди, унда салбий хусусиятлар шакллана бошлайди. Баъзи оилаларда ақли заиф баларларга нисбатан тажовузкорлик муносабатида бўлиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай ҳол ақли заиф болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, улар атроф муҳитга мослаша олмайдилар. Агар болада ақлий етишмовчилик аниқланиши билан оилада тарбиявий ишлар тўғри йўналишда ташкил этилса, катта ютуқларга эришиш мумкин. Ақли заиф болаларни тарбиялашда ота оналардан тиббий, педагогик ва махсус билимлар талаб этилади. Шунинг учун улар дефектолог-педагоглар, махсус муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари керак.

Махсус педагогиканинг муҳим масаларидан бири ақли заиф болаларни оилада тарбиялаш шарт-шароитлари ва вазифаларини аниқлашдан иборат. Ақли заиф болаларни тарбиялашда оила учун хос бўлган асосий қоидалар болаларнинг шахсий хислатларини шакллантириш, тарбия мақсади, вазифаси ва томонлари муштараклигига амал қилишдан иборат. Шунингдек ақли заиф болалар ривожланишидаги руҳий ва жисмоний нуқсонлар билан боглиқ ҳолда улар билан олиб бориладиган ривожлантирувчи ишнинг мураккаблашувини ҳисобга олмасдан бўлмайди, албатта.

Оилада ақли заиф боланинг тарбияси билан боғлиқ вазифалар оила муҳитида бола учун қуйидаги шарт-шароитларни яратишга қаратилган бўлиши лозим:

- бола тарбияси учун ижобий муҳит яратиш;
- ривожланишида нуқсони бор болаларни жамоада тарбиялаш;
- инсоний қадриятлар асосида шахснинг аҳлоқий ва ижтимоий сифатларини шакллантириш;

- ривожланишида нуқсони бор болаларни нормал болалар билан мулоқотда бўлишига интилиш;

- оилада ногирон фарзандларнинг меҳнат тарбияси сифатини узлуксиз ошириб бориш;

- меҳнатга муносабат акс этадиган жамоа бўлиб меҳнат қилиш, интизом, тежамкорлик, бажарилган иш учун маъсулият ҳисларини тарбиялаш;

- фаоллик ва мустақилликни ривожлантириш.

Бунинг учун ривожланишида нуқсони бор болаларни ҳар хил меҳнат фаолияти турларига жалб қилиш, уларда кучига яраша иштирок этишини таъминлаш, фаолликни рағбатлантириш, педагогик раҳбарлик қилиш, болалар томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиб бориш керак.

Ақли заиф болаларни тарбиялашда интеллектнинг бошқарувчи ролини ошириш асосий вазифа ҳисобланади. Болаларнинг хаётий тажрибасидан келиб чиқиб тўгри хулоса чиқаришига қуйидагилар оркали эришиш мумкин:

- оилада жисмоний тарбия муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бу ақли заиф болалардаги маънавий ва оддий эхтиёжларнинг номутаносиблиги билан боғлиқ. Оилада жисмоний тарбия билан шуғулланиш санитария-гигиена кўникмаларининг ҳосил қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Оилада ҳар қандай тарбиявий тадбир белгиловчи йўналишга эга бўлиши ва бола шахсига таъсир этиши лозим;

- тарбиянинг мақсад ва вазифалари тарбиявий жараённинг қонуниятларини акс эттирувчи тамойиллар орқали амалга оширилади. Булар тарбиявий таъсирнинг узвийлиги, мунтазамлиги ва узлуксизлигидир.

Болалар шахсининг шаклланишида оиладаги нотўгри тарбия, меҳнат қилиш жараёнида ривожланишида нуқсони бор болалар билан хамкорлик қилмаслик. ҳамжиҳатлиликнинг йўқлиги боланинг ижтимоий мослашувига катта салбий таъсир кўрсатади. Меҳнатга муносабат, меҳнат қилишга ўргатиш оиладан бошланади. Ижтимоий турмушда тарбиявий ишнинг сифатини оширишда боланинг оилавий ва хўжалик ишларида фаол иштирок этиши (уйда тозалик, уй анжомларини асраш, ўз-ўзига хизмат қилиш) муҳим аҳамият касб этади. Бу ишларни бажариш билан ривожланишида нуксони бор болалар ўз меҳнат тарбиясини шакллантириб боради. Баъзи ота-оналар болаларини уй ишларига, хўжалик ишларига ёрдам беришга жалб қилмайдилар. Ёки, аксинча, ота-оналар болаларининг қилган гунохлари учун меҳнат килдириш оркали жазолайдилар. Бу, албатта, бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, меҳнатни жазолаш воситаси деб тушунишга олиб келади.

Оилада ривожланишида нуқсони бор болаларни тарбиялашда онанинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Онанинг ногирон бола тарбиясида тутган ўрни, бунда етакчилик қилиши одатда бундай бола тарбияси бошка оила

аъзолари томонидан хеч бир изоҳланмай, индамай, ихтиёрий равишда онанинг зиммасига юклаб қўйилгани билан ҳам белгиланади. Шунинг учун махсус педагогиканинг вазифаларидан бири ногирон бола тарбиясига бошқа оила аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашдан ҳам иборат. Болага ҳаддан ташқари мехрибонлик ёки ҳаддан ташқари қаттиқ қўллик билан муносабатда бўлиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун болаларга оилада кучи етадиган ишларни топшириш, уларда мустақиллик ҳисларини, ўз кучига бўлган ишончни ривожлантиришга ёрдам бериш керак ва бунда ҳамма оила аъзоларининг, атрофдаги бошқа яқин кишиларнинг тенг қатнашуви муваффақият гаровидир. Мана шундагина ногирон бола хаётда ўз ўрнини тўғри топиши мумкин.

Фойдаланилган адбиётлар


1. Аксёнов Д.Е. О трудовом воспитаний. Учебное пособие для студентов педагогических институтов. Москва, 1991.
2. Дульнев М. Учебно-воспитательная работа в школе. М., 1990.
3. Тўраева О. Оилавий хаёт этикаси ва психологияси. Тошкент, 1990.


## Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорлиги муаммолари


Мамаражабова З.Н, Рустамова С.
ТДПУ


Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган даврни сарҳисоб қилсак, ҳукуматимиз томонидан инсон манфаатларини кўзлаш ва ҳимоялаш жараёнида жамиятимизнинг алоҳида ёрдамга муҳтож қатламига жиддий эътибор қаратиб келинаётганига ишонч ҳосил қиламиз. БМТнинг болалар муаммолари билан шуғулланувчи ЮНИСЕФ ташкилотининг ижтимоий мониторинг натижаларида ҳам Ўзбекистон бу борада ўзига хос ютуқларга эришаётган давлатлардан бири эканлиги кўрсатилади. Республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларда ёш авлоднинг тарбияси, хусусан, унинг оилавий тарбиясига муносиб омил сифатида қаралади. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида ёш авлоднинг таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, аввалам бор оила... келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор»,

«…фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади»,- деган фикрларни билдиради.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, ҳайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топди. Бу билан мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгидан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларини акс эттириш, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилди. "Оила-маҳалла-мактаб" ҳамкорлиги навқирон авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом камол топишида, айниқса, ўғил-қизларни турли иллатлардан, ёт ғоялар, мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилишда самарали омиллардандир. Бу борада мактаб жамоалари ўқувчи-ёшларнинг бўш пайтларини мазмунли ташкил этиб, турли тўгаракларга жалб қилишга, иқтидорини, салоҳиятини оширишга эътибор қаратишлари, ота-оналар ўз фарзандларида рўй бераётган ўзгаришларни катта эътибор билан кузатиб боришлари, уларнинг юриш-туришини, ўзини тутишини назорат қилишлари лозим. Маҳалла эса ўқувчиларга жамиятда ўз ўрнини топишда, жамоа ишларидаги фаоллигини оширишда кўмаклашади. Барча махсус мактабларда "Оила-маҳалла-мактаб" марказларининг ташкил этилиши, уларда ўқувчилар ва уларнинг оилалари ҳақидаги зарур маълумотлар тўпланиши бу соҳада жиддий силжиш юз берганидан далолат беради. Зеро таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислоҳотчидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, биринчидан, ёш авлодга ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш; иккинчидан, ёшларни жипслаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз даҳлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг юксак мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш; учинчидан, ёшларни байналмилал жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистонга муносиб ҳурмат туғдириш учун интилиш руҳида тарбиялаш; тўртинчидан, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, юксак одамийлик ва инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш; бешинчидан, ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликлари, айни вақтда жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларини эгаллаш руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг энг долзарб масаласидир.

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб берганидек, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, умуман мамлакатдаги мавжуд муҳитни бутунлай ўзгартириш, инсонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштириш, жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилган. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1993 йилда ишлаб чиқилган «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ақли заиф ўқувчиларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маълум дастуриламал бўлди. Мазкур концепцияда тараққиётимизнинг маънавий-ахлоқий негизи миллий ва умуман инсоний қадриятлар уйғунлиги эканлиги эътироф этилди, миллий ва умуминсоний тарбиянинг ўзаро алоқалари, уйғун йўналишлари белгилаб олинди. Миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб, фидойилик фазилатлари шакллантирилади. Умуминсоний йўналишда ҳуқуқий, иқтисодий, жисмоний, ақлий, эстетик, экологик, гигиеник ва бошқа тарбия йўналишлари амалга оширилади.

«Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепциясида оилани тарбия жараёнидаги ролига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши оиланинг тарбиявий ролини янада кучайтирди. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 30-моддасида «Вояга этмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар», деб белгилаб қўйилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг 3.2-бандида эса таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги бугунги куннинг маънавий, маърифий, мафкуравий, тарбиявий зарурати эканлигини билдиради. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол

топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, умумий ҳамда миллий педагогик маданиятни ошириш, мамлакатимиз фуқаролари орасида миллий мафкуравий тарбия ишларини такомиллаштириш «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепциясининг асосий мақсадидир. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» йўналишидаги эшитишда нуқсони бўлган бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги қуйидаги босқичларда амалга оширилса, тарбия жараёнида ижобий самараларга эришиш мумкин.

Биринчи босқич. Ёш оилалар билан ишлаш. Ёш ота-оналарга эшитишда нуқсони бўлган фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, обрўли хотин-қизларни, ота-оналарни жалб қилиб, «Ёш оналар ва оталар мактаблари» фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи босқич. Эшитишда нуқсони бўлган фарзанднинг мактабгача бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўзига-ўзи хизмат қилиш, ҳарф таниш, қўшиқ айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан мактабга тайёрлаш гуруҳлари, «Якшанбалик мактаблар» ишини ташкил қилиш.

Учинчи босқич. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги (6-11 ёш) эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, уларнинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик хислатларини шакллантириш.

Тўртинчи босқич. Эшитишда нуқсони бўлган ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билими ва ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш.

Бешинчи босқич. Эшитишда нуқсони бўлган ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик

бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила қуришга тайёрлаш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг 4-бўлим 6-бандида «Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув жамоат бошқаруви тизими жорий этилади» деб белгилаб берилган. Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда маҳаллалар фаоллари, обрўли ота-оналардан, ўқув-тарбия муассасаларининг тажрибали ходимларидан, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотларнинг ходимларидан иборат мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилиши керак. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига олган вазифалардан келиб чиқиб, ўз таркибида турли йўналишларда фаолият кўрсатадиган кичик ташаббускор гуруҳларни тузиши мумкин. Жамоатчилик кенгаши маълум бир муддатга мўлжалланган иш дастурини тузиш ва уни маҳалла йиғинида тасдиқлаб олиб, амалга ошириши зарур бўлади. Қайд этилган тадбирлар давра суҳбатларидан, бирон бир мавзуга ёки муаммога қаратилган кенгаш ва мажлислардан, анжуманлардан, маҳалла аҳлини бирлаштирувчи, уларни соғлом турмуш тарзига етакловчи кўрик-танловлар, мусобақалар, беллашувлар, учрашувлар ва турли саналарга бағишланган анжуман ва тантаналардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий қилинган жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўғрисида маҳалла аҳлига ҳар чоракда бир маротаба ҳисобот беради. Зарурат туғилганида ўқув-тарбия муассасалари, маҳалла фаоллари, маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона ва идораларнинг таълим-тарбия юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида ҳисоботларини тинглаб, уларга амалий ва назарий ёрдам бериши иш самарасига ва унинг изчиллигига ижобий таъсир кўрсатади.

Кенгаш маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган, ўзининг эшитишда нуқсони бўлган фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналарга нисбатан давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда турли маъмурий чораларни қўллаши мумкин.

Кенгаш ташаббуси билан бирон-бир долзарб мавзуда фавқулодда маҳалла йиғинлари, ўқув-тарбия муассасаларининг педагогик кенгашлари ёки бошқа зарур тадбирлар ташкил қилиб ўтказилиши мумкин. Кенгаш маҳалла ҳудудида ўзбек миллий тарбия анъаналарини тиклаш, турли маданий тадбирлар ўтказиш, эшитишда нуқсони бўлган болалар ва катталарнинг бўш вақтларини ташкил этиш борасида мактаблар, ўйингоҳлар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари, ўсмирлар клублари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишини мувофиқлаштиради.

Кенгаш ўтказилган тадбирларни таҳлил қилади, бу борада услубий маслаҳатлар тайёрлайди ва бу тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритади. Кенгаш эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги тасарруфига кирган масала ва муаммоларни маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари, ташкилот ва идоралари иши режалаштирилиши ва амалиёт дастурларига киритилишида уларнинг баҳамжиҳатлигини таъминлайди. Ушбу кенгашлар мактаб, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ташкил қилиниши ва кенгаш аъзоларининг барча давлат ва нодавлат ташкилотларига, жамғармаларга, жамоатчилик марказларига ва турли ташкилотларга ўз ваколатлари доирасида мурожаат қилишларига имконият яратилиши кенгаш вазифаларини тезкорлик билан амалга ошириш имкониятини беради. Таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, директив кўрсатмаларни самарали бажариш учун эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шаклларга эга бўлиши зарур.

Ўтказилган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қиска ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши, ҳамда болаларнинг қизиқиш ва интилишларига мос бўлиши лозим. Ҳамкорлик тадбирларининг мавзулари «Соғлом авлод учун», «Ота-онангга ҳурмат», «Одобингга балли», «Соғ танда соғлом ақл», «Меҳр чашмаси», «Қизлар ибоси», «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», «Ўғлим – посбоним», «Ҳаёт – устоз, халқ – муаллим», «Ўзбекистон Ватаним маним!», «Миллий бурч ва масъулият», «Оила сабоқлари», «Оила этикаси», «Оила тинч – маҳалла тинч», «Мустақил ҳаёт бўсағасида», «Оила бахти – Ватан бахти», «Спортчи оила», «Оиламиз оҳанглари», «Ватан остонадан бошланади», «Биз киммиз» каби тадбирлардан иборат бўлиши мумкин.

Маҳалла қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳар ойда бир марта маҳалла гузарида туман ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ташкил этиши лозим. Шунингдек комиссия аъзолари оилавий муаммоларни ўрганиш мақсадида хонадонларга ташриф буюриб, ўқишга бормай, сабабсиз дарс қолдирадиган эшитишда нуқсони бўлган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказади. Тарбиясида, эшитишида нуқсони бўлган болаларга маҳалла томонидан масъуллар бириктириш тажрибаси ҳам яхши самара бермоқда. Барча махсус мактабларда “Оила-маҳалла-мактаб” марказлари ташкил этилиши, уларда

ўқувчилар ва уларнинг оилалари ҳақидаги зарур маълумотлар тўпланиши лозим.

Эшитишда нуқсони бўлган фарзандлар тарбиясида оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Чунки боланинг асосий вақти оила даврасида ўтса, мактабда устозлардан таълим-тарбия олади, маҳаллада истиқомат қилади. Оила аъзолари, яъни ота-она, буви-бобо ва ака-опалар ўртасидаги муносабатлар эшитишда нуқсони бўлган болага ўз ижобий ёки салбий таъсирини ўтказади. Шундай экан, эшитишда нуқсони бўлган болани тарбиялашда ота-она томонидан бир хил талаб қўйилса, унда иккиланиш бўлмайди. Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг қонуний манфаатларини таминлаш бўйича барқарор тизим яратилди. Мамлакатимизда болалар миллати, ёши, жинсидан қатъи назар, барча ҳуқуқларда тенгдир. Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлган маҳалла тизимида эшитишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялашда «Оила-мактаб-маҳалла» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш, уларнинг мактабда олган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, нуқсонларини компенсациялаш, коррекциялаш, касбга йўналтириш ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлашда самарали натижаларга эришиш эшитишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги модели бўйича иш олиб бориш билан асосланади.

## Подготовка детей с нарушением интеллекта к труду

Соседова Н.В.
ТГПУ

В нашем государстве большое внимание уделяется подрастающему поколению – детям. Однако и среди этой привилегированной части общества есть те, кто особенно нуждается в поддержке и внимании, - это дети с нарушениями в развитии – с сенсорным и интеллектуальным недоразвитием, нарушением двигательной сферы, речевыми расстройствами.

Для коррекции психофизических нарушений в республике созданы специальные детские сады, школы и школы-интернаты, диспансеры, реабилитационные центры. Из всего количества детей с нарушениями развития большую часть составляют дети с интеллектуальной недостаточностью. Их состав весьма неоднороден. Дети с легкой и умеренной степенью умственной отсталости обучаются в специальных вспомогательных школах.

Анализ процесса адаптации индивида к быстро изменяющимся условиям социальной среды является актуальным для коррекционной педагогики.

Подросткам со сниженным интеллектом трудно конкурировать с выпускниками массовых общеобразовательных школ в общественном производстве. Поэтому проблема социальной и трудовой подготовки учащихся вспомогательных школ является первостепенной: в старших классах, готовя школьников к самостоятельной жизни, их обучают профессиям столяра, слесаря, швеи. В школах-интернатах, расположенных в сельской местности, - сельскохозяйственному труду.

После окончания школы выпускники коррекционных школ могут продолжить образование в колледжах или специальных группах при колледже.

В специальной педагогике сложились три основных направления, где средствами образования осуществляется специальная адаптация детей с различными дефектами развития:

- повышение социально-психологической компетенции, то есть способности индивида эффективно взаимодействовать с окружающими людьми. Важно, чтобы знания об окружающем мире ребенок мог применить в собственной жизни. Школьников со сниженным интеллектом затрудняет перенос знаний в новые условия (Б.И. Пинский, В.И. Лубовский), поэтому важно конкретизировать жизненные планы, приучать к самообслуживанию, к обслуживающему труду;
- расширение бытового и социального опыта детей, имеющих особые потребности. Для этого желательно связывать учебный процесс с активной практической деятельностью (Л.Б. Баряева, 1990), моделировать жизненные и производственные модуляции (Н.Л. Белопольская, 1997);
- формирование у школьников с нарушением интеллектуального развития адекватного восприятия своей социальной роли и окружающей среды. Иначе выпускники не смогут выбрать профессию, соответствующую уровню их развития.

Все необходимое для жизни людей создается трудом. В нашем обществе труд становится первой жизненной потребностью всех членов общества. Правильное отношение к труду воспитывается с детства. Особенно важно воспитать правильное отношение к труду у детей с нарушением интеллекта, потому что после окончания специализированной школы эти дети вольются в трудовые коллективы.

В процессе обучения на уроках чтения, родного языка, труда, во время режимных моментов должно воспитываться правильное отношение к труду. Школьникам сообщают знания о труде, о людях труда, дают им сумму практических навыков. Но очень важно научить детей правильно относиться к труду.

В нравственной подготовке учащихся к труду велика роль не только школы, но и семьи. родителей. Школьник должен знать, где и кем работают его папа и мама, какую пользу приносит труд родителей. Важно, что бы все разговоры в семье о работе родителей, о делах других детей были проникнуты уважением к труду, чувством гордости за трудящегося человека. Школьники со сниженным интеллектом должны знать, что трудиться нелегко, что папа и мама устают на работе, что устает учитель, занимаясь с ребятами, проверяя тетради. Поэтому результаты труда людей надо беречь.

Участвуя в самообслуживании в школе и дома, дети не только приучаются трудиться, но и привыкают бережно относиться к труду других людей.

Дети любят трудиться вместе со взрослыми. Поэтому, выполняя работу по дому, родители могут найти возможность привлечь детей к участию в общих делах. Пусть доля их труда будет небольшой, но они получат нравственное удовлетворение от участия в коллективном труде, будут чувствовать ответственность за общее дело и одновременно усваивать трудовые навыки и приемы, перенимать опыт старших. Очень хорошо, если школьники привлекаются родителями к делам, имеющим общественное значение. Например, посадка деревьев, уборка дворов, озеленение улиц.

Одним из главных условий, обеспечивающих успешную нравственную подготовку детей к труду, является постоянный интерес самих родителей к школьным делам ребенка, к его участию в домашней работе и самообслуживанию. Родители могут поправить ребенка, оказать ему нужную помощь, осудить за плохое качество работы, подбодрить в неудачах или одобрить при первом успехе. Особенно большое воспитательное значение имеет одобрение и поощрение хороших начинаний детей, их полезных дел. Школьники очень нуждаются в постоянной дружеской поддержке со стороны взрослых.

В нравственном воспитании детей большое значение имеют дела самих ребят. Поэтому задача родителей – так организовать быт в семье, чтобы детям всегда нашлось посильное дело.

Дома школьники помогают убрать квартиру, вымыть посуду. И обязательно надо приучить детей следить за своим костюмом, производить простейшую починку, чистку, стирать и гладить мелкие вещи, содержать в порядке свое рабочее место.

Важно чтобы родители поощряли не только индивидуальный труд детей, но и коллективный, приучали их работать дружно, сообща, доводить начатое дело до конца.

С возрастом изменяется доля участия ребят в школьном самообслуживании, в общественно полезном труде. Они дежурят теперь не только по классу, но и по школе. Расширяется круг обязанностей дежурных: они подметают пол, вытирают пыль, ухаживают за цветами и обитателями живого уголка школы.

Родители также могут принять активное участие в организации полезных дел в классном коллективе своего ребенка. Внимание родителей к общественно полезным делам учеников и тем более их участие в делах классного коллектива дадут возможность ребенку понять, насколько важно честно относиться к поручениям коллектива, к тому, что делается сообща.

Долг родителей – показывать детям пример, рассказывать о поступках, в которых проявляется истинное товарищество, пробуждать у детей стремление быть похожими на тех людей, которые отдают свой труд на общую пользу.

Но мало только рассказывать и показывать детям хорошее. Надо, чтобы с ранних лет у них накапливался опыт поведения в коллективе, опыт труда на общую пользу. Плохо поступают те родители, которые отделяют своих детей от товарищей, не разрешают им дружить со сверстниками, запрещают участвовать в общих делах. Они прежде всего лишают собственных детей радости и опыта коллективной жизни, обедняют их переживания, обкрадывают их детство и вместе с тем способствуют развитию в детях индивидуализма, который в конце концов обернется против самих же родителей. Долг родителей – бороться с каждым проявлением в детях себялюбия, нежелания заботиться о других, учить их коллективно трудиться, дружно жить.

Нами было проведено анкетирование с целью выявления профессий, которыми овладели выпускники специальных школ. Анкетирование показало следующие результаты: профессию столяра выбрали бы 53%, слесаря – 20%, швеи – 27%. Как видите, выбор строго ограничен. К тому же неясно, смогут ли выпускники найти соответствующую работу на предприятиях. Был также задан вопрос: «Какую профессию вы бы хотели освоить?». Профессию сварщика выбрали 33% учащихся, водителя – 13%, парикмахера – 20%, медсестры – 7%, слесаря – 7%, столяра – 7%.

В беседе с учителями старших классов мы пытались выяснить особенности социальной и трудовой адаптации учащихся. Все преподаватели отметили нарушение высших психических функций, неудовлетворительную ориентировку в пространстве, неспособность длительно заниматься одним видом деятельности, неумение адаптироваться в новом коллективе. По существующей системе трудового обучения подготовка учащихся к условиям труда осуществляется недостаточно эффективно. Так, например, в обучении профессиональным навыкам минимально используется современная техника,

на уроках мало внимания уделяется совершенствованию двигательных трудовых навыков, рабочего темпа и ритма, что увеличивает период ученичества на производстве. Иногда производственная практика подменяется работой в школьных мастерских. А ведь практика организуется не только для совершенствования умений и навыков, но и для приобщения школьников к активной деятельности в рабочем коллективе, для воспитания чувства ответственности за результаты своей работы.

Своеобразие психофизического развития детей с интеллектуальной недостаточностью не позволяет ставить вопрос о самостоятельном выборе профессии. Поэтому социально-трудовая адаптация осуществляется под контролем школы, семьи, махаллинских комитетов.

Изменения социально-экономических условий осложняет реализацию позитивных жизненных перспектив. В большей степени это касается выпускников вспомогательных школ, ведь выдержать конкурс с нормально развивающимися школьниками при приеме на работу им бывает нелегко.

Анализ проблемы социально-трудовой адаптации выпускников вспомогательных школ показал необходимость расширения количества профессий, получаемых в школе, улучшения их технической оснащенности, увеличения количества колледжей, где могут продолжить образование школьники с интеллектуальной неполноценностью. Однако самостоятельно решить эти проблемы школа не в состоянии. Необходима совместная деятельность школьных коллективов, предприятий, общественных организаций и родителей.

## Оилада нутқ камчилигига эга бўлган бола тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари

Пўлатова Х.М, Толяганова Г.
ТДПУ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддасида «Оила – жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли», - деб белгилаб қўйилган. Декларацияда оиланинг бундай таърифланиши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида расмий равишда ўз аксини топди. Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциянинг махсус 14-боби “ОИЛА” деб номланган. Унинг 63-66 моддаларида оилага таъриф берилган ва унинг асосий вазифалари белгиланган. Унга кўра оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгадир. Оиланинг муқаддас эканлиги яна

шу билан изоҳланадики, у икки шахснинг мутлақ эркинлиги, ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилади (63-модда). Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан катъи назар қонун олдида тенгдирлар (65-модда).

Оилада тарбияланаётган бола нутқидаги камчиликлар бола ва оила руҳиятига салбий таъсир этмасдан иложи йуқ. Бола ва оиладаги руҳий ҳолатлар оила аъзоларига ҳам таъсир этади.

Бола нутқида ва билиш фаолиятида қандай камчиликлар кузатилиши мумкин?

Нутқий коммуникация. Агар нутқнинг барча турларини (гапириш, эшитиш, ёзиш) ҳисобга оладиган бўлсак, нутқий коммуникация инсоннинг доимий ҳолатидир. Нутқнинг бузилиши, табиийки, шахснинг қайта қурилишига олиб келади. айрим ҳолларда нутқий ривожланиши бузилган болаларда ўзининг норасолиги ҳисси юзага келади. Масалан, кичик ёшдаги болалар ўзининг дудуқланишини одатда енгил қабул қиладилар, каттароқ ёшдаги болалар эса буни жуда оғир кўтарадилар, чунки ўз камчилигини англаб етадилар. Уларда ўз камчилигидан уялиш, хижолат бўлиш ҳисси пайдо бўлади ва бунинг асосида тушкунлик ҳолати юзага келиши, бола ёлғизликка интилиши мумкин.

Окил оила ҳамма вакт боланинг илк ёшиданок нутқининг шаклланишига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бола ҳаётининг илк давриданоқ тўғри ва аниқ нутқни эшитиши жуда муҳим. Зеро унинг ўз нутқи атрофдагиларга қараб шаклланади.

Бироқ ҳар бир бола ҳам ўзининг мустақил нутқи шаклланаётган вақтда эшитаётган сўзларига таклид қилаётганида акустик-артикуляцион алоқаларни бирдек тўғри бажаравермайди. Акустик-артикуляцион алоқаларида муаммолари бўлган болалар нутқида фонетик жиҳатдан нотўғри сўзлар пайдо бўлади. Уларда тўғри талаффуз ўз вақтида ривожланмайди ва нуқсон вақт ўтиши билан йўқ бўлмайди, балки талаффуздаги доимий камчиликка айланади.

Нутқида фонетик-фонематик камчиликка эга бўлган болалар нутқи нормал ривожланган болалардан шахсий сифатларига кўра унча фарқ қилмайдилар. Улар фақат ўз нутқларидаги камчиликка нисбатан муносабатлари билан фарқ қиладилар холос. Ушбу кўрсаткич бўйича болалар икки гуруҳга бўлинадилар: ўз нутқларидаги камчиликни оғир қабул қиладиган болалар ва 2) унга енгил қарайдиган болалар.

Болалар ўз нутқидаги камчиликни оғир қабул қилишларининг сабаби қуйидагиларда бўлиши мумкин:

- ўз нутқларини бошқа болаларнинг нутқи билан киёслаш натижасида;
- нутқи фонетик-фонематик жиҳатдан ривожланмаган болалар устидан бошқа болаларнинг кулиши натижасида;

- ота-оналар ва бошқа яқин кишиларнинг танбеҳлари натижасида ва ҳ.к.

Ўз нутқидаги камчиликка енгил қарашнинг сабаби қуйидагилар билан изоҳланиши мумкин:

- ўз камчилигини англаб етмаслик;
- бола нутқидаги нуқсонга ота-оналар эътиборининг йўқлиги;
- бола нутқидаги нуқсонга ота-оналарнинг бепарво муносабати.

Нима учун ота-оналар болалари нутқидаги нуқсонга бепарво муносабатда бўладилар? Бунинг бир нечта сабаби бўлиши мумкин: ота-онанинг ўз нуткида худди шундай нуқсон бўлиши ва бу нуқсоннинг уларга ҳаётларида ҳалал бермаётгани; ота-оналар нутқни ҳаётдаги энг муҳим нарса деб билмасликлари; ёки болаларининг келажаги, уларнинг фикрича, актив нутқий фаолият билан боғлиқ эмаслиги.

Нима бўлганда ҳам, боланинг ўз нутқидаги камчиликка бўлган муносабати ота-онасининг унга муносабатига боғлиқ. Ота-она болани бу нутқий нуқсонга нисбатан қандай ростласа, унга қандай йўл-йўриқ кўрсатса, бола ўз нутқидаги камчиликка худди шундай муносабатни шакллантиради.

Йўл-йўриқ бепарво бўлиши мумкин: "Эътибор берма, даданг бир умр шундай гапиради, ҳеч кўрқадиган ери йўқ", "Кўпчилик болалар сендан ҳам ёмон гапиради, шундай бўлса-да, аъло баҳоларга ўқийди", "Қара, қанча машҳур одамлар қандайдир товушларни талаффуз қила олмайди, аммо уларнинг нуқсони ишларига ҳалал бераётгани йўқ".

Бола таъсирга берилувчан бўлмаса ва агар бунинг устига бошқа болалар уни масхара қилмаса, тез орада у ўз нутқи тўғри, фақат кичик нуқсонга эга деган хулосага келади.

Йўл-йўриқнинг бошқа – биринчисига қарама-қарши тури ҳам бўлиши мумкин: "Шундай катта бўла туриб, икки яшар боладек гапирасан-а. оиламизда яна кимдир шундай гапираётганини эшитдингми? Бундай нутқ билан сени мактабга олишмайди, болалар ҳам сен билан ўйнамайди. Устингдан ҳамма кулади. Ҳаммага ўхшаб тўғри талаффуз қилиш шунчалик қийинми?!"

Агар бунинг устига бола ўз тенгдошлари томонидан ҳам масхаралаш эшитса, ота-она сингдираётган норасолик комплекси янада кучаяди. Бола ўз ёғига ўзи қовурилиб қолиши, ўзини четкага олиши ёки натижада яна битта нутқ камчилигини (масалан, дудуқланишни) орттириб олиши мумкин. Ўқишнинг бошида нутқида камчилиги бор боланинг ўзига ишончи бўлмайди, у топшириқларни, ҳатто энг осонларини ҳам бажаришдан бош тортади, таълимдаги барча мураккаб босқичларни бошидан жуда ўткир кечиради. Баъзи пайтда ўзига ишончсизлик ўта даражада таъсирчанлик билан қўшилиб кетади, боланинг иродасини, нуқсонни енгиб ўтишга бўлган интилишни заифлаштиради.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва бунинг билан боғлиқ ўқишда юзага келадиган қийинчиликлар бола характерининг ўзгаришига, ўзига берган баҳонинг пасайишига сабаб бўлади. Нутқий ривожланишида муаммолари бўлган бола тарбиясига оилада тўғри ёндошилса, нуқсонга педагогик жиҳатдан тўғри таъсир кўрсатилса, бундай муаммоларни четлаб ўтиш мумкин. Болада нутқи устида ишлашга онгли муносабатни шакллантириш, ўз нутқ нуқсонини тўғрилашга интилиш руҳини сингдириш керак.

Маълумки, болаларда нутқ ривожланишининг янада оғирроқ бузилишлари кузатиладики, улар бош миянинг органик патологияси ёки мураккаб функционал бузилишлар асосида шаклланган бўлади. Булар алалия, анаргрия, дизартриянинг оғир кўринишлари ва ҳ.к.

Ривожланишида нуқсони бўлган боланинг туғилиши ҳамма оила аъзолари учун оғир синовдир. Келажакдаги ўз орзу-умидларини болалари билан боғлаган ота-оналар эҳтимол ўзларининг рўёбга чиқмаган истакларини амалга оширадиган келгуси авлодни тарбиялашни ўз зиммаларига оладилар. Бироқ ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг яқинлари келажакдаги кўп истакларининг рўёбга чиқишига ишонмайдилар. Истаклар, орзу-умидлар ва уларни амалга ошириш имкониятининг йўқлиги психологик қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.

Баъзи ўринларда чуқур драматик, хатто фожиавий характер касб этадиган бундай психологик вазият барча оилавий муносабатларни қайта қуриш зарурлиги масаласини кун тартибига қўяди. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар тарбияланаётган оилалар ўзининг нобарқарорлиги билан ажралиб туради, болага ғамхўрлик унинг шу бугунги муаммоларини ҳал қилишга қаратилади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, соғлом болалар тарбияланаётган оилаларда ота-оналарнинг позицияси барқарор, олдиндан режалаштириладиган, у эртанги кунга, боласининг келажагига қаратилган бўлади.

Оғир нутқ нуқсонига эга бўлган бола ўсиб ривожланиб борган сайин, оилада янгидан-янги ўткир вазиятлар, янгидан-янги муаммолар юзага келаверади. Ота-оналар эса уларни ҳал қилишга мутлақо тайёр бўлмайдилар. Шу туфайли бола ҳаётининг ҳар бир босқичида бундай оилаларга конструктив ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳар бир жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Бола нуткининг оғир нуқсонига ота-оналарнинг муносабати уларнинг шахсий хусусиятлари ва ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Бирон-бир қийинчиликни, инқирозни бошидан кечирган шахслар ҳаётнинг янги зарбаларига яхшироқ тайёр бўладилар ва нуқсонли бола туғилиши билан боғлиқ ҳаётларидаги янги офатга осонроқ дош берадилар. Бироқ нуқсонли боланинг туғилиши ҳамма оилалар учун катта фожиа. Бу уларнинг ҳаётини, янги одамнинг – вориснинг туғилиши билан боғлиқ умидларини ўзгартириб юборади. Келгуси ҳаётдаги

муваффақиятларга умид ўрнини фидокорлик, ўкинч, хатто қаҳр-ғазаб эгаллайди. Бундай шароитда ўзаро ички оилавий муносабатлар ўткирлашади. шахслараро фаол муносабатлар сусаяди.

Айтиш керакки, оилада нуқсонли болани тарбиялаш билан боғлиқ барча оғирлик одатда она зиммасига тушади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар оналарининг психик ҳолати клиник тадқиқ этилганда, бундай оналарни икки гуруҳга ажратиш мумкинлиги маълум бўлди. Биринчи гуруҳдаги оналар ўзларининг ҳаракатчанлиги, фаоллиги билан ажралиб туради. Болаларининг беморлиги ёки ривожланишида нутксони борлиги ҳақидаги маълумот уларда бир неча ҳафтадан бир неча ойгача давом этган тушкунлик кайфиятини келтириб чиқаради. Айрим оналар бир неча дақиқа давом этган лоқайд бепарволик ҳолатидан кейин тўсатдан хўнграб йиғлашга ўтади, тушкунликка тушади, қайғуга ботади. Бу оналар содир бўлган ҳолат учун ўзларини айблайдилар. Баъзи ҳолларда уларда ўз жонига қасд қилиш фикри ҳам пайдо бўлади. Аёлларнинг уйқуси бузилади, тушкунлик кайфияти кучайиб боради. Муайян вақт ўтиши билан бундай оналарда барқарор тушкунлик кайфияти шаклланади. Бу кайфият тез-тез кўз ёшлар, боласининг бугуни ва эртаси учун қағуришлар билан алмашиниб туради. Бундай кайфият уларни айникса кундалик юмушлардан ҳоли бўлган кечки соатларда чўлғаб олади. Бу гуруҳга кирадиган оналар жиззаки бўлиб қоладилар, сал нарсадан ғазабланиб кетиб, кейин ўзлари бундан афсусланиб юрадилар. Бундай оналарда кайфиятдаги тушкундик (депрессия) билан бир қаторда астеник ҳолатлар – бош оғриғи, қон босимининг кўтарилиши, юрак уриши кузатилади.

Иккинчи гуруҳга табиатдан унча фаол бўлмаган, ёлғизликни хуш кўрадиган, таниш-билишлари доираси анча тор бўлган аёллар киради. Боласининг касаллиги ёки нуқсонида улар тиббиёт ходимларини айблайдилар. Боладаги нуқсон моҳияти ҳақидаги хабарни анча осойишта қабул қиладилар. Эхтимол бу болаларидаги нуқсоннинг оғирлик даражасини унча тасаввур қилмаганлари билан боғлиқ бўлса керак. Вақт ўтиши билан бу гуруҳга мансуб оналар ўзлари тушиб қолган вазиятнинг нақадар жиддийлигини англаб етадилар ва бу уларда бугунги кун билан яшаш, келажакка режалар тузмаслик ва умид боғламаслик тенденциясини келтириб чиқарди. Кўпчилик оналарда тушкунлик ҳолати юзага келади: кайфиятлари сезиларли даражада ёмонлашиб боради, умидсизликка тушадилар.

Шундай қилиб, бу икки гуруҳга мансуб оналарнинг психик ҳолатларидаги фарққа қарамай, пировард натижада барқарор тушкунлик кайфияти юзага келади. Бу ўринда оилаларнинг маънавий маърифий саводсизликлари ўз хаёлларидаги тушкунликни янада кучайтиради.

Оилада нутқ нуқсонига эга бўлган бола тарбиясига ота-оналар жиддий ёндашиб, керакли мутахассисларни топиб фарзандларида кузатилаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга киришсалар. бола келажакда мактаб таълимини ўзлаштириб кета оладилар. Ўз вақтида кўрсатилмаган таълим эса боланинг билиш фаолиятининг ривожланмай қолишига олиб келади.

Биз нутқи оғир даражада ривожланган (алалик) болалар билан коррекцион ишлар босқичида логоритмик таъсир воситаларидан фойдаланишда логопед, ота-оналар ҳамкорлигида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини ва ота-оналарни қандай ишларни ўз болалари билан олиб боришлари мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар бердик. Нутқнинг ривожланмаслиги боланинг моторикасига албатта таъсир этади. Боланинг ҳаракатида қўпол бузилишлар кузатилади. Ушбу бузилишларга барҳам бериш учун алалик болалар нутқини ривожлантиришда логоритмик воситанинг аҳамияти ота-оналарга тушунтирилди. Бунда болаларга тўғри чизиқдан юришга ўргатиш, ҳарбийларча юриш, расм чизиш каби вазифаларни ота-оналарга тавсия этдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Волкова Г.А. Логопедическая ритмика. Москва: Просвещение, 1985.

2. Поваляева М.А. Коррекционная педагогика взаимодействия специалистов. Ростов-на Дону: Феникс, 2002

3. Сазонова С.Н. Развитие речи дошкольников с общим недоразвитием речи. Москва, 2003

## Ақли заиф ўқувчиларни оилада тарбиялаш асослари

Хамидова М.П.
ТДПУ

Ҳар бир халқ ўз оиласининг бахтли бўлиши, фарзандларининг ақлли. доно, хушмуомала, мард бўлиб камол топишини орзу қилган. Ўзбек халқи, барча Шарқ халқлари каби оилага, бола тарбиясига жуда катта аҳамият берган. Бу анъана авлоддан-авлодга халқ донишмандлигининг тимсоли сифатида ўтиб келган ва бу хислат адабиётимизда, миллий маданиятимизда ўзига хос ўрин тутган.

Оила, оилада бола тарбияси, ота-она ва ногирон фарзанд тарбияси. ногирон фарзандга муносабат инсоният жамияти юзага келган илк даврлардан буён энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Инсоният жамияти

ривожланиб борган сари бу муаммонинг аҳамияти янада ортиб бормоқда, чунки инсоният томонидан эришилган ютуқлар айнан оила муҳитида, ота-она ва ногирон фарзанд муносабатларида бошқа ҳар қандай ижтимоий институтлар ҳамда муносабатлар тизимига қараганда кўпроқ даражада ўзлаштирилади, авлоддан-авлодга анъана, маънавий мерос тарзида ўтади. Шундай экан, у ёки бу жамият, халқ, миллатнинг истиқболи кўп жиҳатдан шу оиладаги таълим-тарбияга боғлиқ. Бунинг учун эса оиладаги фарзанднинг ҳар томонлама соғлом, маънавий мустаҳкам ўсишига эришиш лозим.

Оила муаммолари орасида ўзаро муносабат ва ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек бўлажак оила аъзоси сифатида тарбиялаш хозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Шу маънода ота-оналар, кенг жамоатчилик зиммасига ёшларни оилавий ҳаётни ўташдек масъулиятли вазифани бажаришга, уй тутиш, рўзғор, оила хўжалигини тежаб-тергаб бошқаришга тайёрлаш, уларда «эркак» «аёл» фазилатларини тарбиялаш, ўзаро муомала-муносабат одобини таркиб топтиришга, уларга она меҳри, ота ғамхўрлиги, фарзанд миннатдорлиги нималигини ва ҳаётда шуларга амал қилиш зарурлигини уқтириш юклатилган. Жамиятимизнинг соғлом ёшлари қатори ақлий нуқсонга эга бўлган шахслар ҳам оила қуришга тайёрланиши. оилага бўлган садоқат, эътиқод, оилада оталик бурчи, оналик бурчларини чуқур англашлари жамиятимизнинг равнақида муҳим ахамият касб этади.

Ҳозирги замон тараққиёти ҳар бир шахсдан воқеаликни тўғри тушунишни, хулоса чиқаришни, аҳлоқий покликни ва ҳиссий-асабий чидамлиликни, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ташаббускор ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий, эмоционал, хулқий ва бошқа сифатларига оила асос солади, шакллантиради ва камол топтиради.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир.

Оиланинг тузилиши ва вазифалари чуқурроқ таҳлил этилса, у жамиятнинг ижтимоий ва маънавий ўзаги эканлиги аён бўлади. Шу сабабли оиланинг аниқ бир макони, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган, ёшларда аҳлоқий фазилатларни, жисмоний камолотни, ақлий зийракликни шакллантирадиган макондир. Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишини таъминлаб қолмай, балки мавжуд имкониятларини очиб беради ва ишга солади.

Оилавий тарбиянинг мураккаблилиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб. тарбия ишида ўзига

хос ҳусусятларни намаён этади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш қийин масала. Ота-оналар қай даражада маънавий бой, эътиқодли ва билимли бўлсалар, ўз фарзандлари таълим-тарбиясига шу даражада аҳамият берадилар. Ақли заиф болалар ота-оналардан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат нормаларини ўрганиб, нима яхши-ю нима ёмон, нима фойдали-ю ва нима зарарли эканлигини билиб оладилар. Бундан ташқари, оила ҳаётий тажрибалари, касби, ёши турлича бўлган кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва хаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар ақли заиф болалар билан шу даражада яқин бўлишади ва ақли заиф болаларнинг қизикишларини ўстира олишади. Жамият ўзининг ақли заиф аъзоларининг жисмонан соғлом, ижтимоий ҳаётга мослашган, меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлишидан манфаатдордир. Шунинг учун бу масалада оила ва жамиятнинг мақсади ва интилишлари ўзаро бир бутунликни ташкил этади.

Ота-оналарнинг ўз фарзанди таҳсил олаётган мактаб мутахассислари билан алоқасининг самарадорлиги уларнинг умумий, маданий, билим савияларига боғлиқ. Бу борада ота-она ва мутахассис муносабатларининг тенг асосга қурилиши, улар икки томонлама фаол бўлиши ақли заиф боланинг ижтимоий мослашуви янада самаралироқ бўлади.

Оиланинг асл мақсади ақли заиф болаларни умуминсоний хулқ нормаларига риоя қилган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган, меҳнат фаолиятига тайёр бўлган шахс сифатида тарбиялашдан иборат. Бу борада турли оилаларда берилаётган тарбиянинг бир-биридан фарқи борлигини ҳам унутмаслик лозим. Тарбиянинг самарадорлиги оилада ақли заиф болалар меҳнати, уларнинг уй хўжалигидаги фаол иштироки, шунингдек оилавий турмуш шароитлари билан белгиланади.

Ақли заиф ўқувчиларни тарбиялаш ишларини ҳамкорликда олиб бориш, уларни ўқиш ва дарсдан ташқари пайтларда назорат қилиб туриш, уларнинг меҳнатга бўлган лаёқатини ривожлантириш, қизиқишларини рағбатлантириш ҳамда бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, фойдали меҳнат турларига жалб этишнинг янги педагогик технологияларга асосланган усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Оилавий тарбиядаги камчиликлар ота-оналар ва болалар ўртасидаги нотўғри муносабатлар оқибатида келиб чиқади: ортикча қаттиққўллик ёки болани ортикча яхши кўриш, назоратнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги, ота-оналар умумий маданияти даражасининг пастлиги, турмушда улар томонидан ёмон намуна кўрсатилиши ва шу кабилар. Оилавий тарбияда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида жамият ўқув юртлари ва меҳнат

жамоаларини, меҳнат ва аҳлоқий тарбия тизимини доимо такомиллаштириб боради, болалар муассалари, мактаб ва жамоатчиллик кўмагида маиший хизмат ҳамда бўш вақтни уюштиришни яхшилаб боради, ота-оналарнинг умумий ва педагогик маданиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Пўлатова П.М. Махсус педагогика/ Тошкент, 2005, 204-208 бетлар.
2. Пўлатова П.М. Энг одобли бола десангиз. Тошкент, ТДПУ, 1994.
3. Рахмонова В.С. Махсус педагогика. Т.: Адабиёт ва санъат, 2005.
4. Мўминова Л.Р. Ота-оналар учун қўлланма. Тошкент, 1996.
5. Нурмухамедова Л.Ш. Оилада ёрдамга муҳтож бўлган болаларни тарбиялаш. Тошкент, ТДПУ, 2008.


## Инклюзив таълим жараёнида ҳамкорликдаги фаолиятнинг муҳим жиҳатлари


Нурмуҳамедова Л.Ш., Назарова Ш.

ТДПУ


Ҳар бир инсон ҳаётининг ўзига хослиги, инсоний қадр-қимматининг эътироф этилиши, таълимга бўлган талаб ва эҳтиёжларининг қондирилишини кафолатлаш каби инсонпарварлик ғоялари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинаётган қатор норматив ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг барча соғлом тенгқурлари қатори миллий руҳда тарбияланишлари, ақлий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари, ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боис мамлакатимизда ривожланишида у ёки бу жиҳатдан муаммолари бўлган болалар саломатлигини тиклаш, таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини изчиллик билан ислоҳ этиш мақсадида ҳар бир йил учун қабул қилинаётган Давлат дастурларида бу масалаларни ҳал этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар режалаштирилиб, муваффақиятли амалга ошириб борилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида содир бўлган қатор ижобий ўзгаришлар ривожланишида муаммолари бўлган болалар тақдири масалаларини ҳал қилишда турли соҳа вакиллари фаолиятларининг бирлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг ривожланишидаги нормадан четга чиқишларни эрта ташхис қилиш, ривожланишида у ёки бу муаммолари бўлган

илк ва кичик ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари кун тартибида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда аста-секин бу йўналишдаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда ЎзР Халқ таълими вазирлиги ва қатор халқаро ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча йилдан буён республикамизнинг турли худудларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида республикамиз таълим муассасаларида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили инклюзив таълимнинг инсон, хусусан, бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида афзалликларини кўрсатмоқда. Бу лойиҳаларнинг ҳаётга кенг татбиқ қилиниши алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг ўз оиласида, маҳалласида ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш, алоҳида эътиборга муҳтож боланинг таълим жараёнида иштирок этишига эришиш, соғлом тенгдошлари жамоасида бўлишини таъминлаш имконини беради.

Бу борада олиб борилган ишларнинг энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, нафақат ногирон болалар ҳаёти ва онгида, балки улар билан биргаликда таълим-тарбия олаётган соғлом болалар онгида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Яъни соғлом болалар ногирон болаларга касалманд болаларга бўлган муносабатда эмас, балки ўзига хос ривожланишни бошидан кечираётган дўстларига бўлгандек муносабатда бўла бошладилар.

Бироқ, инклюзив таълим муассасаларидаги ижобий натижаларга қарамай, қатор қийинчиликларга дуч келина бошланди. Юзага келган ушбу муаммолар қатор сабаблар билан боғлиқ. Яъни алоҳида эътиборга муҳтож болаларни махсус таълим муассасаларининг деворлари ортида ажратиб қўймай, ижтимоий ҳаётга жалб қилишга оид масалани ҳал қилишда бир қарашда бу асосий масала билан бевосита боғлиқ бўлмаган бутунлай бошқача масалаларга дуч келинмоқда. Энг муҳими, таълимда алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг умумтаълимга уйғунлашиб кетиши учун ушбу болаларни керакли ёрдамчи воситалар билан таъминлаш, умумтаълим муассасаларини тубдан ўзгартириш ва махсус жиҳозлаш, бундан ташқари педагог ходимлар учун махсус илмий-услубий адабиётларни яратиш, мутахассисларни етиштириш лозим.

Инклюзив таълимнинг муваффақиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ижтимоий аҳамият касб этувчи бошқа масала – менталитет масаласи ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Жамиятда кўп йиллар давомида ривожланишида муаммолари бўлган болалар махсус муассасаларда тарбияланишлари лозим, уларнинг меъёрда ривожланаётган болалар билан биргаликда таълим олишига йўл қўйиш қийин, деган фикр ҳукмронлик қилиб келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун ижтимоий

фикрни ўзгартириш йўлида узоқ вақт сабр-тоқат билан иш олиб боришга тўғри келади. Ахир ривожланишида муаммолари бўлган бола барча болалар қатори эркин таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги фикрни унинг ўзигагина эмас, балки атрофидагиларга (тенгдошлари, меъёрдаги болалар ота-оналари, ва, энг аввало, муассаса жамоасига) ҳам сингдириш лозимлиги бу масаланинг ечимини янада қийинлаштириши мумкин.

Шунингдек, инклюзив таълимни жорий қилишга киришиш аввалида алоҳида эътиборга муҳтож бўлган боланинг камол топишида оила энг самарали маскан эканлиги, шунингдек, боланинг уйда - ўз оиласида бўлиши энг асосий ҳуқуқларидан эканлиги ғоясига таянган ҳолда иш кўра бошлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўз бағрига ногирон болаларни қамраб олувчи муассаса боланинг имкониятларини эмас, балки ўқитишнинг сифати ҳамда мактабдаги шароитнинг ногирон боланинг жисмоний имкониятларига мослашган бўлиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши лозим. Шундай қилиб, инклюзив таълимни амалга ошираётган муассаса ходимлари ўз фаолиятларида аввалам бор қуйидаги омилларга амал қилишлари лозим:

- ҳар бир бола умумтаълим мактабида таълим олиш ҳуқуқига эга;
- бола учун шароитлар фақатгина унинг нуқсонларидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки имкониятларига кўра ҳам мослаштирилиши керак;
- ногирон болага умумий таълим бериш билан бирга коррекцион ёрдам кўрсатиш ҳам лозим;
- бола муассасада олиб бориладиган жараёнга муваффақиятли уйғунлашиб кетиши учун унинг атрофини ўраб турган катталар ва тенгдошларининг ҳамкорликдаги таъсири зарур;
- синф ёки гуруҳда болаларнинг ҳам миқдорий таркиби, ҳам сифат таркибига эътибор қаратилиши лозим;
- таълим муассасаларининг педагог ходимлари инклюзив таълим бўйича атрофлича тушунчаларга эга бўлишлари лозим;
- таълим жараёнини ташкил этишда барча болаларнинг иштирокини таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Ана шу жиҳатларга муҳим омил сифатида қаралгандагина, ҳар бир таълимда алоҳида кўмакка муҳтож бўлган боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, оилада бўлиш ва ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиш ҳуқуқини, барча қатори тенг равишда билим олиш имкониятини таъминлашга, яъни «инклюзив мактаблардан – инклюзив жамият сари» ғоясининг ҳаётга кенг татбиқ қилинишига эриша оламиз. Бунда учун оила, мактаб, маҳалла, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Ота-оналарга болаларда "Сенсор тарбия" ҳакида тушунчалар**

Пулатова С.

ТДПУ

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида мактаб таълими ва мактабгача таълим махсус муассасаларнинг кенг тармоғи фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ақлий ва жисмоний ривожланишида, хусусан эшитишида камчилиги бўлган болаларнинг таълим ва тарбияси учун керакли шарт-шароитларни таъминлаб бермоқда.

Бу соҳадаги махсус адабиётларга мурожаат қилар эканмиз, шу нарса аён бўладики, эшитишида муаммолари бўлган болаларнинг ривожланиши масалаларига кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида мурожаат этганлар (Ж.И.Шиф, Р.М.Боскис, А.Г.Басова, К.Г.Коровин, А.Г.Зикеев, В.А.Синяк, С.А.Зиков, А.Ф.Понгильская, К.А.Волкова, Н.Г.Морозова. Б.Д.Корсунская ва ҳ.к.). Бола «ижтимоий мерос» асосида ривожланади, бу эса биологик меросдан фаркли тарзда туғма кобилиятларни машк килишни эмас, балки жамоат тажрибаси асосида янги кобилиятларга эга булишни назарда тутади. Боланинг сенсор маданияти - инсоният яратган сенсор маданиятни (нарсаларнинг ранги, шакли ва бошка хусусиятлари хакида умум кабул килинган тасаввурлар) биринчи бор оилада шаклланади ва узлаштирилади.

Боланинг сенсор ривожланиши - предметларнинг ташки хусусиятлари хакидаги тасаввурларининг шаклланиши ва унинг идрокини ривожланишидир: предметларнинг шакллари, ранги, хажми, фазодаги холати, шунингдек хиди, мазаси ва бошкалар.

Сенсор ривожланишнинг эрта ва мактабгача ёшдаги ахамиятини бахолаш жуда мураккабдир. Айнан шу ёш сезги органлари фаолиятини ривожлантириш ва атроф-олам хакидаги тасаввурларини йигиш учун жуда яхши хисобланади. Мактабгача тарбия сохасида машхур жахон педагоглари ( Ф.Фребель, М.Монтессори, О.Декролилар ), шунингдек, машхур рус мактабгача тарбия педагог ва психологлари ( Е.И.Тихеева, А.В.Запарожец. А.П.Усова, ва бошкалар ) фикрича, сенсор ривожланишига тулик йуналтирилган ва шуни таъминловчи сенсор тарбия мактабгача тарбиянинг асосий томонларидан бири хисобланади.

Сенсор ривожланиши, бир томондан боланинг умумий, аклий ривожланиши фундаментини ташкил этса, бошка томондан, тулик идрок килиш мактабгача тарбия муассасаси, мактаб ва бошка купгина мехнат турларида боланинг самарали таълим олиши учун жуда мухим булиб, мустакил ахамиятга эга булади.

Атроф-олам предмет ва ходисаларини идрок этишдан англаш бошланади. Бошка барча англаш шакллари - хотира, тафаккур.
тасаввур -идрок образлари асосида курилади, уларни кайта ишлаш,
натижаси хисобланади. Шунинг учун нормал аклий ривожланиш идрокка туликлигича таянмай намоён булла олмайди. Мактабгача тарбия муассасасида бола расм чизишга, ёпиштиришга, куриш ясашга урганадилар, табиат ходисалари билан танишадилар.

Математика ва савод асосларини узлаштира бошлайдилар. Барча сохаларда билим ва малакага эга булиш, доимий равишда атрофдаги предметлар хусусиятларига нисбатан эътиборли булишни, уларни хисобга олиш ва улардан фойдаланишни талаб этади. Чунки, предметнинг расмини чизиш учун бола унинг шакл ва рангининг узига хослигини аниклаши, чизилган расм билан аслининг ухшаш томонларини кура олиши керак.

Кўриш - ясаш предмет шаклини (кўриниши), унинг тузилишини урганишни талаб килади. Бола кисмларни фазодаги узаро муносабатини аниклайди ва намуна хусусиятларини мавжуд материал хусусиятлари билан мослаштирадилар. Предметларнинг ташки хусусиятларида доимий мулжал олишсиз жонли ва жонсиз табиат ходисалари хакида ёркин тасаввур олиш мумкин эмас. Элементар математик тасаввурларни хосил килиш деганда, геометрик шакл билан танишиш ва уларнинг турларини билиш, объектларни хажмига кура таккослашни назарда тутади.

Саводга урганишда фонематик эшитув- нутк товушларини аник фарклаш, ажратиш ва харф куринишини куриш оркали идрок этиш катта ахамиятга эга булади. Ушбу мисолларни яна куп давом эттириш мумкин.

Боланинг мактабда таълим олишга тайёргарлиги унинг сенсор ривожланишига жуда хам боғлик бўлади. Психологлар томонидан олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, боланинг таълимда (асосан 1-синфда) болалар дуч келувчи кийинчиликлар идрокнинг етарли даражада аник ва эгилувчан эмаслиги сабабли юз беради, натижада, харфларни ёзишда хатоликлар, расм чизиш в кул мехнати дарсларида нарсалар ясашдаги аниксизлик холатлари учрайди.

Жисмоний тарбия дарсларида боланинг харакатларни амалга оширолмаслиги юзага келади, бирок гап нафакат сенсор ривожланишнинг паст курсаткичи боланинг самарали ўқишини пасайишига таъсири устида бормокда. Бундай ривожланишнинг юкори даражаси инсониятнинг умумий фаолияти учун ахамиятини ва ижод ахли учун ахамиятини унутмаслик керак. Бастакор, рассом, архитектор, ёзувчи, курувчиларнинг омадини таъминловчи кобилиятлар билан бир каторда, предмет ва ходисаларнинг жуда нозик томонлари булган шакл, ранг, жаранг ва бошка ташки томонларини узига хос

чукур, аник, ёркин англаш ва намоён килишга имкон берувчи сенсор кобилиятлар хам мухим урин эгаллайди. Сенсор кобилиятлар негизи эса болаликнинг илк ёшида эришилувчи сенсор ривожланишнинг умумий даражасида ётади.

Сенсор тарбиянинг бола келажак хаёти учун катта ахамиятга эга эканлиги, мактабгача тарбия назарияси ва амалиёти олдига мактабгача тарбия муассасасида қўллаш учун нисбатан самарали восита ва усулларни ишлаб чиқилишини талаб қилмокда. Сенсор тарбиянинг мухим йуналиши болада сенсор маданиятни ривожлантиришга каратилиши керак.

Мактабгача педагогикага «сенсор маданият» тушунчаси М. Монтессори ишлари махсули сифатида киритилган. Бирок, унинг фикрича, бундай маданиятга эга булиш учун болага предметларни шакли, ранги, хажми, ва бошка хусусиятлари буйича фарклашни ургатиш керак.

Бола асосан хаёти давомида уйинчоклар ва кундалик рузгорда учрайдиган предметларнинг шакл, ранг ва бошка хусусиятлари буйича тукнаш келадилар. Шунингдек, санъат асарлари - мусика, расм асарлари, хайкаллар билан хам танишадилар. Ва нихоят, хар бир бола ихтиёрсиз булса хам шуларнинг барчасини узлаштиради. Бирок узлаштириш ихтиёрсиз, катталарнинг педагогик ёрдамисиз юз берса, бунда у юзаки, тулик эмас булиб колади. Мана шу ерда сенсор тарбия - болани инсоният сенсор маданияти билан режа асосида, тизимли равишда ургатиш ёрдамга келади.

Сенсор тарбияда болаларда сенсор белгиларни (эталонларни) -предметлар хусусиятларининг умум кабул килинган белгиларини шакллантириш катта ахамиятга эга булади. Рангнинг сенсор эталонлари сифатида еттита ранг ва уларнинг оч, хамда тук куринишлари намоён булса, шаклнинг эталонлари сифатида -геометрик шакллар, улчов катталиклари - узунлик улчов бирликлари намоён булади. Эшитув идроки хам уз эталонлари куринишларига эга (булар она тили фонемалари, товушлар муносабатлари), таъм билиш хам узининг эталонлари - таъм билиш идроки намоён булади.

## Мураккаб нуксонли болалар ва катталарнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти

Мўминова Л.Р, Умарова Н.
ТДПУ

Ҳозирги замон махсус педагогикасининг илмий ва методологик жиҳатдан ўрганилмай келаётган йўналишларидан бирини мураккаб психик ва жисмоний бузилишларнинг оғирлиги туфайли хатто махсус таълим жараёнига ҳам жалб этилмай келаётган мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни махсус ва оммавий

таълим-тарбия тизимига интеграция қилиш муаммоси ташкил этади. Бирок, Республикамизда мураккаб нуқсонли болаларнинг турлари, физиологик ва психик хусусиятлари на илмий ва на методик жиҳатдан ўрганилмаган ҳамда уларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш тизими ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун мураккаб психик ва жисмоний бузилишларга эга болаларга комплекс ёрдам кўрсатишнинг бир бутун тизимини яратиш бугунки кун махсус педагогикасининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Мураккаб нуқсонларда ривожланиш аномалиялари бола организмининг турли тизимлари билан боғлиқ бўлади, бунда ҳар битта нуқсон ушбу мураккаб бирикмада фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлади. Мураккаб бузилишлар кузатилган ҳолларда ташқи муҳит ва ривожланиб келаётган бош мия ўртасидаги норма учун хос бўлган ўзаро муносабатлар бузилади, бу эса боланинг эмоционал, сенсор ривожланишига, когнитив функцияларнинг шаклланишига, унинг хулқи ва таълим олиши, ижтимоий мослашувига салбий таъсир кўрсатади.

Аввалам бор "мураккаб нуқсон" деганда нимани тушуниш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Т.А. Басилованинг (2002) таърифи бўйича, мураккаб нуқсон деганда бир бутун тизимни ташкил этган инсон организмида муайян номақбул омилнинг салбий таъсири асосида бир вақтнинг ўзида бир нечта функцияларнинг бузилиши тушунилади. Рус махсус адабиётида (В.Н. Чулков, 2001) "мураккаб нуқсон" тушунчасининг синоними сифатида "мураккаб бузилишлар", "мураккаб ривожланиш аномалиялари", "бириккан бузилишлар", "бузилишнинг мураккаб структураси" каби таърифлар қўлланади.

Болаларда учрайдиган мураккаб нуқсонлар ўзаро бирикуви ва ифодаланганлигига кўра бир нечта турларга бўлинади: кўришдаги муаммолар + ақли заифлик + нутқ камчилиги, эшитишдаги муаммолар + ақли заифлик + нутқ камчилиги, ақли заифлик + эшитиш ва кўришдаги муаммолар + нутқнинг йўқлиги ва ҳ.к. Т.А. Басилова бундай болаларга мўлжалланган махсус таълим муассасаларининг турларини ҳам мураккаб нуқсон турига қараб белгилашни таклиф этади.

Мураккаб нуқсони бор болаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олгандан сўнг, таълим ва тарбия усулларини танлаш, аниқ вазифаларни белгилаш ва ҳал этиш мумкин бўлади. Мураккаб нуқсонли болаларнинг таълим ва тарбиясини амалга оширишда улар учун таълим олишга махсус шароит, тўлақонли шахс сифатида ривожланишга мос келадиган муҳит яратиш талаб этилади.

Маълумки, болалик ва ўсмирлик ёшидаги мураккаб нуқсонли болалар ўзларининг асосий вақтларини мактабда ўтказадилар. Боланинг билим, кўникма, малакалар ҳамда хулқ-атвор қоидаларини, шахслараро

муносабатларни ўзлаштириши ва тўплаши учун ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит доирасидаги таълимнинг қулай бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълимнинг қулайлиги деганда болага ўз кучига яраша ақлий ва жисмоний юкламалар бериш назарда тутилади, шунда тарбияланувчи ўз тенгдошлари, атрофдаги кишилар билан мулоқотга интилади, унда ўз-ўзига ишонч хисси пайдо бўлади.

Таълим қулайлиги – мактабдаги шундай микромуҳит-ки, бу ерда бола ўзининг табиий, ижодий имкониятларини кўрсатиш ва рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун таълим мазмуни, ўқув режалари, педагогик таъсир кўрсатиш турлари, дарсларнинг услубий шакли, ўқув фаолияти ва дам олиш уйғунлигини аниқлаб олишда, тарбия тизимини яратишда ва болаларнинг ижодий салоҳиятини оширишда, болалар жамоасининг имкониятларидан келиб чиқилади.

Кар болалар учун мўлжалланган махсус коррекциялаш масканларидаги педагогик қаров психологик ёндошув асосида ташкил этилади. Асосийси – болани мактаб шароити ва талабларига мослаштириш. Табиийки, мослашишнинг хулкий ва руҳий кўринишлари индивидуал бўлиб, боланинг феъл-атвори, соғлиғининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Кар болалар эшитмайдиган болаларга нисбатан кўпроқ ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадилар.

Ўқувчини қўллаб-қувватлаш – унга берилаётган таълим ва тарбия сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган педагогик-психологик ёрдамдир. Қўллаб-қувватлаш ўқитиш мақсадини рўёбга чиқарувчи ўқув ҳаракатлари, услублари, чора-тадбирлар комплексидан иборат бўлади.

Таълим-тарбияга доир вазифалар педагогик жамоа ва ота-оналарнинг узвий ҳамкорлигида амалга оширилиши мураккаб нуқсонли болалар таълим-тарбияси самарадорлигининг бош гаровидир. Бу, айниқса, боланинг мактабгача даврига тегишли, чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, бундай болалар махсус таълимга асосан мактаб ёшига етганида жалб қилинади. Ота-оналар билан иш олиб бориш болалар тарбиясида уларнинг иштирокини, педагогларнинг тавсиялари ва кўрсатмаларига риоя этишини назарда тутади.

Катталарнинг мураккаб нуқсонли болалар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳар бир бола шахсига ҳурмат, шахсий йўналган ёндошув асосида қурилади. Катталар бола билан ўзаро мулоқот жараёнида унинг шахсий хусусиятларини ва нутқ имкониятларини ҳисобга олиб иш кўришлари талаб қилинади.

4-5 ёшдаги болалар билан ўзаро биргаликдаги фаолият жараёнида катталар самимийлик руҳидаги муносабатларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари муҳим аҳамиятга эга, чунки болалар катталар муомаласидаги сохталикни тез сезадилар. Бу ёшдаги кўпгина болаларда асосий, яъни бирламчи

нуқсон билан бирга ҳиссий-иродавий соҳанинг бузилиши ҳам кузатилади, бу эса катталардан бирдамлик ва сабр-тоқатни, болага нисбатан раҳмдилликни талаб қилади.

Одатда оилада бундай болаларга нисбатан ўта ғамхўрлик муносабати ҳукм суради: айниқса оналар уларни ҳар қандай эҳтимолий қийинчиликлардан асраб-авайлашга, ҳар қандай юмушни унинг ўрнига бажаришга интиладилар. Ваҳоланки, катталар болага унинг кичик ёшидан бошлаб эмоционал-ишчан мулоқотни ривожлантириш учун шароит яратиб беришлари лозим. Буни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ юмушлардан, масалан, кийимларини кийиш ва ечиш, овқат ейиш, ўйинчоқларни топиб ўйнаш ва кейин жойига қўйишга ўргатишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ўзаро ҳамкорлик жараёнида ота-оналар болада предметли ва ўйин фаолиятини шакллантиришга интилишлари, расм чизишга қизиқтиришлари, унинг сенсор тажрибасини бойитишлари лозим. Катталарнинг болалар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти уларнинг билиш қобилиятларини, ижтимоий ҳодисаларга қизиқувчанликни, фаолликни, мустақилликни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак.

Мактабгача ёшдаги бола билан мулокот чогида ота-она ўз фаолиятини фарзандининг ўйин, расм чизиш, қуриш-ясаш, меҳнат фаолияти, билишга қизиқишига боғлайди, уни катталарнинг хатти-ҳаракатларини кузатишга ўргатади, боласи нима билан машғул бўлмасин, унинг фаол иштирокчиси бўлади.

Болада ўз тенгдошига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уни ўз тенгдошларига диққат-эътиборли бўлишга ўргатиш ҳам оила шароитида бошланади. Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари болаларни бир-бирларига зиён етказмасликка, ижобий-ҳиссий асосда ўзаро ҳамкорлик қилишга ўргатишлари лозим. Бунда, масалан, ўйинчоқлар ва бошқа предметларни ўзаро алмашинишга, олиб қўйиш эмас, балки сўраш (сўз ёки ишора орқали), илтимосга кўра, ўзаро келишув асосида беришга ўргатиш мана шундай ҳамкорлик сабоқларини ташкил қилади. Бунинг учун болаларнинг ўзаро биргаликда ўйнашлари учун шароит яратиш керак.

Ота-оналар ўз фарзандларида бошқа болалар ва уларнинг фаолиятини ижобий баҳолашга бўлган интилишни тарбиялайдилар, бошқаларнинг қизиқишларини ҳисобга олишга ўргатадилар. Улар ўз тенгдошини қўллаб-қувватлашни, унга ҳамдардлик билдиришни рағбатлантирадилар. Болалар жамоасига кириша кета олмаётган болаларга кўмаклашадилар, уларнинг хатти-ҳаракатларига бошқаларнинг диққат-эътиборини қаратадилар, кичик бир муваффақиятни ҳам қувватлайдилар.

Масалан, эшитишда камчилиги бор ва мураккаб нуқсонли боланинг ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабатга киришишини қўллаб-қувватлашда турли воситалардан (табиий имо-ишоралар, юз мимикаси, ифодали ҳаракатлар, сўзлар ва ҳ.к.) фойдаланишни рағбатлантириш талаб қилинади.

Эшитишда нуқсони бор болалар билан мулокот жараёнида педагоглар бола учун таниш бўлган сўз ва жумлалардан фойдаланадилар. Нутққа аниқлик киритиб боришади. Улар бундай болаларга мулоқотга киришишда ёрдам берадилар, ўйин, расм чизиш ва бошқа фаолият турларига оид мавзуларни таклиф қилиб, мулоқотни сақлашга ҳаракат қиладилар. Албатта, мутахассисларнинг ногирон бола нутқини коррекциялашга қаратилган фаолияти оилада ҳам давом эттирилиши лозим. Нутқни ифодалашда қийинчилик юз берган ҳолатда катталар (ота-она ва педагог) доимий равишда намуна кўрсатиб борадилар, сўз ва жумлага аниқлик киритадилар, тўғри ифодалашга (оғзаки, ёзма, дактил) ёрдам берадилар. Бунда бола нутқидаги камчиликлар алоҳида таъкидланмай, силлиқлаб, боланинг нафсониятига тегмай тўғриланиши катта аҳамиятга эга.

## Дизартрия нутк камчилигига эга бўлган болаларда майда кўл моторикасини ривожлантириш

Аюпова М.Ю., Холмухамедова З.
ТДПУ

Дизартрик болаларнинг майда қўл моторикасини логоритмик машғулотлар ва ҳаракатлантирувчи ўйинлар асосида ривожлантириш самарали кечади. Чунки ўйин болаларнинг етакчи фаолияти бўлиб, ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Бола ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ тақлид қила бошлайди, мактаб давригача тақлид бола учун атроф-муҳитни ижодий акс эттириш шакли бўлиб қолади. Ўйин инсоннинг бошқа фаолиятлари каби ижтимоий характерга эга.

Майда қўл моторикасини ривожлантириш учун болаларнинг эҳтиёжларини ва ёшини ҳисобга олиб машқлар бажариш тавсия қилинади. Биринчи навбатда машқларни кўрсатиш ва уларни қандай бажариш кераклиги тушунтирилади. Иккинчи навбатда машқлар болалар билан биргаликда бажарилади ва бунда ҳар битта ҳаракатга изоҳ бериб борилади. Учинчи навбатда болаларга вазифани мустақил, логопед иштирокисиз бажариш таклиф қилинади.

Болаларни ўраб турган муҳитда мавжуд бўлган ходисаларни ва нарсаларни. уларнинг ҳолатлари ва ҳаракатларини, йўналишларни доимо такрорлаб ва таъкидлаб туриш.

Боланинг харакатланиш фаолияти юқори бўлса, унинг нутқи тез ривожланади ва нутқ ҳаракат иштирокида шаклланиб боради. Немис олими Лухзингир оғир нутқ нуқсони билан майда ҳаракатлар бузилиши ўртасидаги боғликликни таъкидлайди. У мотор етишмовчилигига эга болаларни 3 гурухга бўлади. Олим майда қўл моторикаси қанчалик чуқур бузилган бўлса, нутқ нуқсони шунчалик чуқур бўлишини аниқлади. Айнан шу фикрни рус олимларининг ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, В.М.Бехтерев қўлнинг ҳаракати доимо нутқ билан узвий боғлиқ бўлган ва унинг ривожланишига ёрдам беради деган фикрни билдирган.

Бошқа ҳаракат функциялари орасида қўл бармоқларининг ҳаракати муҳим аҳамиятга эга, чунки қўл бармокларининг ҳаракати боланинг олий нерв фаолиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. В.М.Бехтеревнинг назорат гурухида олиб борган аналогик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, қўл бармоқларини машқ қилдириш миянинг функционал етилишини икки ярим ойга тезлаштирар экан. Келтирилган фактлар, мия ярим шарларидаги нутқ соҳаларининг ривожланиши муносабати билан иккала қўл бармоқларининг майда ҳаракатларини машқ қилдириш масаласининг жиддийлигини кўрсатади.

Нутқ – ҳаракат машқларининг асосий элементи. Нутқ ритми, айниқса шеър, мақол ва маталлар ритми ҳаракат координацияси ва майда қўл моторикасининг ривожланишига ёрдам беради. Қўл бармоқларини боланинг 6-7 ойлик чогидан машқ қилдира бошлаш мумкин: бунда қўл учларини, ҳар бир бармоқни, унинг ҳар бир бўғимини алоҳида уқалаш лозим. Ҳар куни 2-3 дақиқа давомида бармоқларни очиб-юмиш, силаш тавсия этилади.

Бола ўн ойлик бўлганидан кейин қўл бармоқлари учун фаол машқлар ўтказа бошланади, бунда бармоқлар борган сари кучлирок харакатлантирилади. Машқлар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Дизартрик болаларнинг майда қўл моторикасини ривожлантиришда халқ ўйинлари жуда яхши машқ ҳисобланади. Қуйида биз халқ ўйинлари асосида бажариладиган бармоқ машқларига мисоллар келтирамиз:

Ола канот зағизғон
Бўтқа пиширар,
Жўжаларига берар,
Бунисига берибди,
Бунисига берибди,
Бунисига берибди.

Бунда логопед бир қўли бали боланинг кафтини ушлаб туради ва чап қўлининг иккинчи қўлининг кўрсаткич бармоғи билан боланинг кафти атрофида бармоқлар бўйлаб, айланма ҳаракат қилинади. Шундан кейин навбати билан жимжилоқ, номсиз бармоқ, ўрта бармоқ, кўрсатгич бармоқ ва бош бармоқ букланади.

Худди шу ўйин-қўшиқнинг бошқачароқ кўриниши:

Бунисига бермабди:
Сен сув ташимадинг.
Ўтин ёрмадинг,
Бўтқани пиширмадинг.
Сенга ҳеч вақо йўқ!

Бу ўйинда бош бармоқ букланмайди. Болаларга чап қўлнинг бармоқларини букиш ва ёйиш тавсия этилади.

Қуйидаги шеърни ўқиб, машқ қилинаётганда бармоқларни бир сафар бош бармоқдан бошлаб, бошқа сафар жимжилоқдан бошлаш, яна бир сафар ўнг қўл бармоқларини кейинги сафар жимжилоқдан чап қўл бармоқларини букиш тавсия этилади:

Бош бармоқ.
Қора балдоқ
Ўрта терак
Хожи терак
Кичкина бобой

Бармоқларни нутқ ёрдамида, жўр бўлмасдан ҳам машқ қилдириш мумкин. Болага у ёки бу топшириқни бажариш йўриқлари тушунтирилади ва логопед ёки ота-она томонидан бажариб кўрсатилади.

"Бармоқлар саломлашади" – ўнг қўл билан бош бармоғининг учи навбат билан чап қўлнинг кўрсаткич, ўрта бармоқлари ва жимжилоққа тегизилади.

"Одамча" – ўнг қўлининг кўрсатгич ва ўрта бармоқлари стол саҳнида югуриб юрадилар.

Булардан ташқари, бармоқлар билан ишлашда турли предметлар, ҳайвонлар ва қушларни ифодаловчи шакллар танлаб олинади. Ҳар бир шаклга аталган шеър ва суратлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳар бир машқни бажаришда барча бармоқларни иштирок этишига эришиш, интилиш зарур, машқларни ўнг қўлда ҳамда чап қўлда бажарган маъқул.

Бола ана шу шакллар кўринишини эркин бажаришни ўрганиб олгач, бу машқларни янада мураккаблаштириш мумкин: бармоқлар ёрдамида ўша предметларни ифодалаб кичик саҳна асарлари, ҳикояларни ижро этиш мумкин. Фақат бунда бола машқларни қийналмасдан, енгил бажаришга ҳамда ўйин болаларга завқ бағишлашига эришиш лозим.

Бармоқлар ёрдамида турли машқларни бажара бориб, болаларнинг майда қўл ҳаракатларининг яхши ривожланишига эришиш мумкин, бу эса факат нутқнинг камол топишига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки болани расм чизиш ва ёзиш малакасини ўзлаштиришга ҳам тайёрлаб боради. Қўл панжалари ҳаракатчан, эгилувчан бўлиб боради, ҳаракатларнинг чекланганлиги барҳам топиб, бу орқали келгусида ёзув кўникмасини ҳосил қилишда енгиллик туғдиради.

## Таянч-харакати фалажланган болалар нутқ камчилигини бартараф этишда ота-оналарнинг иштироки

Пўлатова Х.М., Рўзиева С.
ТДПУ

Инсон тақдири, келажак ҳаётидаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсизлиги, касб танлаши, хаттоки кайфияти унинг оилавий муҳити билан боғликдир.

Оиланинг тақдири эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқлиги азалий хақиқат. Чунки оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бўғини, кичик бир вакили бўлиб, айнан оила заминида халқимзнинг бугунги куни ва келажаги тартиб-интизом бўлса, унинг аъзолари шу хислатларини ҳамма жойда қўллай биладилар. Оила одобу аҳлоқ, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик асосига қурилган бўлса, бу тамоиллар унда ўсиб-унаётган шахснинг ўзаро муносабатлари ва мулоқотларида, феъл атвори, юриш-туришида ўзини намоён этади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк давридан бошлаб, оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи кўплаб муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу Республикамиз Президентининг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига, оналар соғлиги ва оилаларнинг тинч-тотув яшашига қанчалик диққат-эътибор қаратаётгани билан ҳам боғлиқ. Бу соҳадаги Ҳукумат қарорлари ва Президент фармонларини ҳаётга татбиқ қилиш борасида давлатимиз томонидан келажак авлодни соғлом, етук инсон бўлиб етишувида, оила мустаҳкамлиги учун шарт-шароитларни яратиб берилишида ва соғлом онадан соғлом бола туғилиши учун барча қулайликларнинг яратилишида катта ишлар амалга оширилди. Бу йўлда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат ташкилотларнинг ҳам иштироки диққатга сазовор. 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, айниқса ривожланишида камчилиги бўлган жамият аъзоларининг

ижтимоийлашувига қаратилган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Бироқ жамиятимизда соғлом авлодни юзага келтирадиган аёл соғлигига беписанд қарайдиган, аёлни уй юмушларини бекаму кўст бажаришга мажбур шахс деб ҳисоблайдиган оилалар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда ҳомиладор аёлнинг турмуш ўртоғи ҳам унинг аҳволини тушуниб туриб, оилада ҳукм сурган тартиб-интизомни буза олмайди. Бу йўлда ҳам маҳалла, тиббиёт ходимлари, ОАВлари орқали катта тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Махсус ёрдамга мухтож болаларнинг дунёга келиши ҳар хил сабаблар натижасида содир бўлади. Бизнинг изланишларимиз нуқсонли болаларнинг таянч-ҳаракат аъзолари бузилган гуруҳига қаратилган бўлиб, улар асосан церебрал фалажлик билан касалланган болалардир. Церебрал фалажлик нималар натижасида келиб чиқади? Бундай болаларда церебрал фалажлик нерв системасининг илк ёш даврида жароҳатланиши ёки ривожланмай қолиши ва бошқа сабаблар натижасида юзага келади. мия ҳаркатининг бошқарувчи кичик бир қисми ҳомила даврида ёки туғуруқ вақтида, бола хаётининг дастлабки босқичида (2 ёшгача нутқ ривожлангунга қадар) шкастланган бўлади. Фалаж болаларда миянинг шикастланиши оқибатида кўриш, эшитиш, нутқ ва ақлий ривожланишда ҳам турли нуқсонлар, майда қўл маторикасида оғир бузилишлар кузатилади, мускул фаолияти чегараланган бўлади. Бундай болалар нутқи ноаниқ тушунарсиз бўлади, улар бошқалар ёрдамига мухтож бўладилар. чунки улар ўз-ўзини бошқара олмайдилар.

Дефектолог-олимлар Л.Б.Халилова (1984), Н.Н.Малафеев (1985) лар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, 6-7 ёшдаги церебрал фалаж болаларда луғат захираси чекланган бўлади. Улар оддий сўзларнинг маъносини тушуниб етмайдилар. Шунинг учун уларнинг нутқида абстракт ва умумлаштирувчи сўзлар деярли бўлмайди.

Биз ҳам церебрал фалаж болаларда нутқнинг ривожланмаганлик сабабларини ўрганар эканмиз, товушларни талаффуз қила олмаслик аввало артикуляцион аппаратдаги фалажланиш натижаси эканини аниқладик.

Биз церебрал фалажли 6-7 ёшдаги 10 та боланинг нутқини текширдик. Ўтказилган текширув натижалари шуни кўрсатдики, 8та (80%) болада артикуляцион аппарат харакатчанлигининг бузилганлиги, яъни тил-лаб харакатининг сустлиги кузатилди. Луғат захирасининг камлиги 7 та (70%) болада кузатилди. Текширувдан ўтказилган болаларнинг бештасида (50%) боғланган нутқнинг йўқлиги аниқланди. Маълумки, церебрал фалажли болалар асосан оила шароитида тарбияланади. Улар тиббий муассасалар назоратида бўлади, уларнинг уй шароитида ўқиши ташкил этилган, болалар логопедик ёрдам ҳам оладилар. Бироқ бу ишлар оила аъзолари билан ҳамкорликда олиб борилмас экан, тегишли самара бермайди. Боланинг ижтимоийлашуви.

кундалик ҳаётда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларининг ҳосил қилиши аввалам бор оила аъзолари, ота-оналар учун муҳим. Шунинг учун улар олиб борилаётган логопедик ишга фаол жалб қилиниши лозим. Ота-оналар логопед билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари, логопед уларни коррекцион ишнинг мазмуни, методлари билан таништириб бориши керак.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Поваляева М.А. Коррекционная педагогика взаимодействия специалистов. Ростов-на Дону: Феникс, 2002.

2. Сазонова С.Н. Развитие речи дошкольников с общим недоразвитием речи. Москва, 2003.

4. Мўминова Л. Логопедия. – Тошкент, 2006.


## Очиқ ринолалия ва унинг намоён бўлиши


Аюпова М.Ю., Хайдарова И.
ТДПУ


Очиқ ринолалия нутқ товушларининг нуқсонли артикуляцияси ва акустик бурунланиши билан характерланади. Нутқ вақтида ҳаво оқими бир вақтнинг ўзида ҳам оғиздан, ҳам бурун орқали ўтади.

Очиқ ринолалия кўпинча туғма танглай ёриқлиги оқибатида юзага келади. Ёриқлик қисман ёки иккита резонатор бўлимлар – оғиз ва бурун бўшлиғини бирлаштириб туради, тилнинг бутун танаси орқага тортилган, тил илдизи ва ўртаси юқорига кўтарилган бўлиб, мана шу ёриқликни беркитишга ҳаракат қилади, тил учи одатда яхши ривожланмайди. Бундай болалар ҳаётининг биринчи кунлариданоқ озиқланишда (эмишда) қийиналишади. Натижада тил учи суст ривожланади. Бу органик очиқ ринолалия дейилади. Кейинчалик ҳам бу қийинчиликлар сақланиб қолади. Бола фақат элементар, мураккаб бўлмаган тил ҳаракатларини бажара олади. Нутқ пайтида товушларни ҳосил қилувчи нафас оқими бурун бўшлиғига йўналган бўлади ва бунинг натижасида бурунланган товушлар ҳосил бўлади.

Органик очиқ ринолалияда юмшоқ танглай ҳаракатларини амалга оширувчи мускуллар фаолиятининг бузилиши содир бўлади: юмшоқ танглай ҳаракатлари, нафақат нутқ пайтида, балки чайнаш ва ютишда ҳам тўлақонли бўлмайди. Юмшоқ танглай ўзининг асосий функцияларини бажармайди, оғиз ва бурун бўшлиғини ажратмайди.

Очиқ ринолалияда периферик нутқ-ҳаракат анализаторидаги барча мускулларнинг ўзаро алоқаси бузилади: бунда артикуляцион мимик

мускулларнинг ўзаро алоқасининг бузилиши, артикуляция жараёнида юз мускуллари ҳаракатининг ўзгариши, синкинезиялар содир бўлади. Қатор ҳолатларда юз мускулларининг тикка ҳаракатли фаолияти кузатилади. Шунингдек, артикуляция ва нафас мускуллари орасидаги ўзаро алоқанинг бузилиши ҳам кузатилади. Бундан ташқари очиқ ринолалияда нутқий нафас ҳам тез, юзаки, жадаллашган бўлади. Ҳаво оқими оғиздан эмас, бурундан чиқади. Нутқий нафас меъёрда бўлмайди, у айтиладиган сўз ёки иборага тўғри тақсимланмаган бўлади. Бунда нафас олишнинг йўналиши, равонлиги, нутқий нафас ритми бузилади.

Шуни эътироф этиш керакки, ёриқлик орқали олинаётган нафас бундай болаларнинг тез-тез шамоллашига, қулоқ касалликларига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида ринолалик болаларнинг 80%ида эшитиш идрокининг пасайишига олиб келиши мумкин. Органик очиқ ринолалияда барча товушлар димогда талаффуз қилинади. Бунда кўпроқ унли товушлар талаффузининг бузилиши кузатилади. Ундошларда артикуляция орқага тортилади, товушлар хириллаган бўлади. Ринолалик болалар кўпгина товушларни алмаштириб талаффуз қиладилар, товушлар бузилган ҳолатда талаффуз қилинади. Юқори босимни талаб қилувчи ундошлар талаффузи қўпол бузилган бўлади. Шундай қилиб, бурун ва оғиз бўшлиги ўртасида ёриқликнинг мавжуд бўлиши очиқ ринолалияга олиб келади. Бундай ҳолат тилнинг оғиз бўшлиғидаги нуқсонли ҳолати ва бутун артикуляцион аппаратдаги мускуллар ўзаро фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Артикуляциянинг ноаниклиги натижасида эшитувнинг пасайиши очиқ ринолалик болаларда фонематик идрокнинг яхши ривожланмаслигига олиб келади. Бу уларда иккиламчи нуқсон бўлиб, сўзларнинг товуш таркибини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари. болаларда луғат бойлигининг, нутқнинг грамматик томонининг ривожланмаганлигига ва умуман нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлига олиб келади. Органик очиқ ринолалияда иккиламчи психологик бузилишлар ҳам кузатилади: бола нуқсонли нутқини англаб, ундан уялишни бошлайди. Бу эса ўз ўрнида индамасликка, нутқий негативизмга, ўзига хос хулқ-атворнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ринолалик шахслардаги нутқ бузилишларининг оғирлиги функционал ва тизимли ўзгаришлар мажмуига, шунингдек боланинг ижтимоий-психик ривожланиш шароитига боғлиқдир. Бунда нутқ аппаратининг суяк-мускул аппаратидаги қатор бузилишлари: юқори жағ ва қаттиқ танглайнинг торлиги, юқори тишлар қаторининг бузилганлиги, жағларнинг бир-бирига мос келмаслиги кабилар кузатилади. Шунингдек танглай мускулларининг тонуси ва мускул тўқималарининг меъёрда битиши ва уларнинг жисмоний тортишиши

ҳам бузилади. Мускуллар аҳамиятли тарзда заифлашади, уларни озиқлантирувчи томирлар торайиб кетади.

Артикуляцион аппаратнинг бўшлиги эса (лаб, пастки жағ ва тил) оғиз атрофидаги айлана мускулларнинг заифлигидан пайдо бўлади. Бундай ҳолатда лаблар билан ҳаттоки энг юмшоқ предметларни ушлаш имконияти ҳам йўқолади. Лаб ва танглайдаги ёрикликларда лаб, бурун ва юмшоқ танглайдаги катор ҳаракатлар бузилади. Улар ёрдамида болалар товушларни талаффуз қила туриб, нафасни бурун орқали чиқаришга ҳаракат қилади. Бекитилишлар тил илдизи, ун пайчалари, бурун катакларининг тортилиши ва қисилиши натижасида пайдо бўлади. Аста-секин артикуляцион ҳаракатларнинг мимик мускуллар билан боғлиқ патологик алоқаси аниқланади. Мимик мускулларнинг "ўйини" айниқса портловчи ва сирғалувчи товушлар талаффузида аниқ намаён бўлади. Нутқ бурун катаклари, қошлар, пешона мускулларининг тортишиши ва юқори лабнинг тортишиши билан қўшилиб келади. Нуксон қанча кенг бўлса, бола организми ўзининг ривожланишида шунча кўп машаққат тортади. Ёриқликларнинг бўлиши кўкракдан озиқлана олмасликка олиб келади. Бу эса сўриш рефлексининг сўниши, лаб ҳаракатларининг сустлиги, барча юз мускулларининг заифлашувига ва юз мимик мускулларининг бузилишига сабаб бўлади.

Нотўғри анатомик шароитга кўра тилнинг кординацион ва дифференциал функцияси ривожланмайди. Тил амалда артикуляцион актда иштирок этмайди: бунда тил илдизи юқорига кўтарилиб, нафасни оғиздан чиқишига тўскинлик қилади ва нутқнинг бурунланишини кучайтиради ҳамда унинг аниқлигини пасайтиради. Бу ҳолатда тил ҳаракати анча чегараланади, унинг олд қисми оғиз бўшлиғининг ўртасига силжийди. Натижада артикуляциянинг бўшлиги ва бузилиши кузатилади.

Очиқ ринолалияли болаларда физиологик нафас олиш ёмонлашади. Меъёрда нафас бурун бўшлиғидан, нафас йўлида иситилиб киради ва у нафас йўллари шиллиқ пардаси ҳамда бўғизга таъсир этмайди, болани шамоллашдан сақлайди. Очиқ ринолалияда эса ҳаво иситилмайди ва тозаланмайди ҳамда бунинг оқибатида турли шамоллаш касалликлари келиб чиқади. Шамоллаш жараёни натижасида юқори нафас йўлларида, эшитув найи, ўрта қулоқда касалликлар учрайди ва бунинг натижасида эшитув сезгирлиги пасаяди. Эшитувнинг функционал ўзгариши айниқса болалар ўз нутқларидаги бузилишни сезмасликларида ва идрок этмасликларида яққол намоён бўлади. Очиқ ринолалик болаларда нутқий нафас механизмлари нотўғри шаклланади: нафас тежамсиз, юқори кўкракли ёки ўмровли бўлади. Бунда кўкрак қафасининг юқори бўлимида, елка қисми ва куракларда кўтарилиш кузатилади. Ўмровли юзаки нафас олишда елкалар, ўмров, елка кураклари ва юқори етти

жуфт ковурга юқорига кўтарилади. Бу ҳолатда диафрагма ҳам ўпка ҳаракатига кўра юқорига кўтарилади. Шу тарика бутун кўкрак қисми тўлиқ юқорига кўтарилади. Бундай нафас олиш тури энг норационал ва носоғломдир. Кўкрак қафаси ўртача караганда юқорига кўтарилади ва кенгайиш ҳам юз беради. Ўмровларнинг, елка куракларининг юкорига кўтарилиши жуда кўп босимга сабаб бўлади. Нутқ вақтида нафас олиш юзаки ва тез, оғиз орқали амалга оширилади. Юқорига кўтарилган кўкрак қафаси тезда пастга тушади, нафасни айтилаётган сўз ёки иборага нотўғри тақсимланишига ва жадаллашувига олиб келади. Сўз ўртасига келибоқ нафас тугаб қолади, товушлар заиф ва бузилиб чикади. Нутқ давомида нафас олиш бузилган бўлиб, бунинг натижасида гавдани тутиш ҳам бузилида ва букчайиш пайдо бўлади. Мускулларни ҳаддан ташқари бўшашиши ва чекланган ҳаракати кузатилади. Майда қўл моторикаси ва умумий моториканинг ривожланишдан оркада қолиши кузатилади. Қўл бармоқлари ва кафт мускуллари заиф, тез чарчайдиган, ҳаракатлари етарлича координациялашмаган бўлади. Болаларда бошини тутиш, ўтириш ва юриш каби ҳаракатлар кечроқ бошланади. Нутқ ривожланишининг кечикиши ва боланинг артикуляцияга сарфлаган босими ҳамда кучи орқали аста-секин шаклланган патологик кўникма янада кучаяди ва мустаҳкамланади.

Нутқ камчиликларига эга болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишда мутахассисларнинг ота-оналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишлари зарур деган фикрга ҳозирда хеч кимэътироз билдрмади. Шундай экан, мутахассиларнинг бу борада олиб борадиган ишларининг маълум қисмини ота-оналарга болаларининг нутқий камчилиги, унинг патологик механизмлари ва белгилари ҳақида маълумот бериш ташкил этиши лозим. Ушбу мақоланинг мақсади ҳам ота-оналар учун очиқ ринолалия ҳақида маълумот беришдан иборат.

## Дефектолог ва оила хамкорлигининг самарали усуллари

Амирсаидова Ш.М.
ТДПУ

Бола тарбияси жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Тарбиянинг асосий ўчоги эса оиладир. Оилада бола тарбиясига эътибор ҳақида фикр юритилар экан, шу даргоҳда ногирон фарзанд тарбиясига ғамхўрлик алохида ўрин эгаллаши муҳим ва нозик масала эканини назардан қочирмаслик лозим. Оила бола учун бир вақтнинг ўзида энг эрта ва энг муддатли ижтимоий алоқа манбаидир. Оилада боланинг асосий рухий холатлари вужудга келади, бунда боланинг ривожланиши жараёнида атрофдаги инсонлар таьсири катта

аҳамиятга эга. Ногирон болалар билан ишлайдиган мутахассислар фақатгина охирги ўн йилликда уларнинг оилавий муаммоларига аҳамият касб эта бошлашди.

Оилада ногирон боланинг туғилиши билан келиб чиқадиган муаммолар қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади.

- Ҳаёт даврининг ўзгариши;
- Кучли стресс, касал бола "одам" нинг туғилиши;
- Сурункали "мудроқ" стресс, бу хаёт давомида кучайиб бориши натижасида келиб чиқади ва оилани шунга мослаштиради;
- Дастлабки назорат функцияларининг вақтинчалик бузилиши;
- Қўшимча моддий оғирлик;
- Келажакда боланинг ривожланишига кўзи етмаслиги;
- Ижтимоий мавкенинг сусайиши ва оила доирасида иш фаолиятининг қисқариши;
- Оилавий муносабатларнинг бузилиши;
- Она билан боланинг бирга яшашини узайтириш.

Шуни тушуниш керакки, нафақат ота-она болага таъсир кўрсатади, балки бола хам уларни ўзгартиради. Айниқса, бу ёрдамга мухтож болаларга тегишлидир. Бундай бола туғилиши билан ота-она кўпгина янги, одатланмаган билим ва кўникмаларни ўрганиши керак, ҳаёт режалари, дунёқарашларини қайта кўриб чиқиши керак. қасал болани тўғри ривожланиши ва тарбия кўриши учун оилада боланинг ҳолатига нисбатан адекват кўникма ҳосил қилиш жуда мухимдир. Боланинг якинлари унга биз яшаётган дунёга нисбатан кўникма хосил қилишига ёрдам беришлари ва ўзлари хам бунга ўрганишлари керак. оила болани қабул килиши ва тушуниши керак. Кўпчилик ота-оналар эса бола билан қандай муносабатда бўлишини билишмайди. Бу эса ота-она томонидан хаддан ташқари ғамхўрликка ва аксинча умуман бефарқликка олиб келади.

Мазкур холатларда мутахассис оилага ёрдам кўрсатиб, ота-оналарга боласи хусусиятлари хақида тўлиқ маълумотни беради. Унинг ўзига хос ижобий ва салбий хусусиятлари, айниқса, кучли ва заиф жихатларини кўрсатади.

Оилада бирликни ва болага нисбатан барча талабларнинг келишилганлигини сақлаб қолиш мухим. Келишилган таъсир, умумий ёндашиш, унинг кўникма ва қобилиятларини ижтимоий тўғри келадиган хулқ-атворини тезроқ такомиллаштиришга ёрдам беради. Болалар ота-оналарига тақлид қилишга уринадилар. Шунинг учун ота-оналарнинг турли ёндашишлари, айниқса иккаласидан бирининг қўполлиги эмоционал

стрессни юзага келтиради. Орасталик, ўз-ўзига хизмат қилиш, оилада қўлдан келганча иш қилиш, яқинлари ҳақида ғамхўрлик қилиш кўникмалари борасидаги талабларнинг пасайишига имкон борича йўл қўймаслик керак.

Ота-оналар боланинг асаб системасини авайлайдиган ва шу билан бир вақтда мустаҳкамлайдиган мухофаза қилувчи, тартибни ташкил қилиш керак. тартиб бола ва ота-оналарни кераксиз ҳаракатлардан озод қилади. Зарурий одатлар аста-секин шаклланади, шунинг учун уларни тартибга риоя қилиш шарт-шароитларида узоқ ва кунт билан ишлаб чиқиш керак.

Ота-оналарнинг ўз боласи туғилишидан бошлаб ривожланишини фаол ва мунтазам кузатиб туришлари мухим, биз ўз вақтида мутахассислар билан маслахат қилиш лозим бўлиши бола хусусиятларига эътибор қаратишга ёрдам беради.

Кундаликда кузатишларни ва самарали бўлиб чиққан усулларни қайд қилиб қўйиш фойдали. Бу болага ўзини танқидий бахолашга ёрдам беради. Болани атрофдаги оламни ўрганишга, инсонлар билан мулоқот қилишга ўргатиш керак. Болани улар учун табиий бўлган шароитларда атрофдаги оламнинг турли хил ходисалари билан таништириш лозим.

Гўдакнинг нафақат саволларига жавоб беришга, балки мулохаза қилишга ўз ва бошқанинг ҳаракатларини баҳолашга гапириб беришга ундашади. Бундай тарбия жараёнида болада идрок қилиш фаолияти, диққат-эътибори, фикрлаш, хотира нутқ, кераклн кўникма ва малакаларни ривожланди. Болаларнинг бутун фаолияти эмоционал қизиқишлар билан олиб борилиши керак. бола билан уйинда она унинг харакатларига изох беради, ибораларни бир қанча вариантларда, турли коммунакитив кўрсатишларда (хабар қилиш, савол бериш, ундаш, инкор қилиш) такрорлайди.

Оилада ақли заиф болани тарбиялаш қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади.

- Боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига тўгри келадиган руҳий ривожланишини мунтазам равишда тўғирлаб бориш.
- Ўқитиш ва мухофазаловчи тартиб учун яхши шароитлар яратиш.
- Боланинг ота-она билан бўлган эмоционал ижобий, нарсаларга оид амалий ва нутқий ўзаро таьсирини шакллантириш.

Бу боланинг ижтимоий мослашувига ва патологик хулқ - атвор стереотипи шаклланишини олдини олишга ёрдам беради. Тўғри тарбия ёндашуви мезони бўлиб бола ва бошқа оила аьзоларидаги психофизиологик қулайлик холати хизмат қилиши мумкин.

Мутахассисларнинг оила билан иш олиб боришида қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатиш ижобий самара беради:

1. Оилавий ўзаро муносабатларнинг уйғунлашуви.

2. Она руҳий ҳолатини тўғрилаш.
3. Боланинг ота-оналар билан муносабатларини тўғрилаш.
4. Бола имкониятларига айнан бахо беришда ёрдам кўрсатиш (жисмоний хамда психологик).
5. Уй шароитида бола билан машғулот ўтказиш учун зарурий хисобланган махсус тўғрилаш ва услубий усулларга онани ўқитиш.
6. Бола шахсиятини тўғрилаш учун зарурий хисобланган махсус тарбиявий усулларга онани ўқитиш.

Шу йўналишларга таянган холда педагог – дефектолог қуйидаги вазифаларни хал этади.

1. Бола ютуқларида ўз меҳнати натижаларини кўриш имкониятига кўра онанинг шахсан ўз-ўзига баҳо беришини ошириш.
2. Онанинг ички психологик холатини тўғрилаш. Боланинг руҳий жисмоний нуқсони билан боғлиқ бўлган кечинмалар аста-секин бола имкониятларининг англанишига кичик ютуқларидан қувонишга ўтиши керак.
3. Ўз боласи билан ўзаро таьсирида бўлиш жараёнида психолог ёрдамида уни ўқитишга ва тарбиялаш жараёнида она шахсиятни ўсишини амалга ошириш, онанинг бола дардига қуйиниш позициясидан имкониятларини қўллашнинг ижодий қидируви позициясига ўтиши.
4. Болага нисбатан она билан қўлланиладиган тарбия-таьлим жараёнининг ўз – ўзига нисбатан бўлган психотерапавтик жараёнга ўзгариши, боласига қаратилган онанинг ижодий фаолияти уни психологик стрессини салбий таьсиридан даволаб, унинг ўзига ёрдам беради.

Мутахассис ва ота-онанинг ўзаро хамкорлиги айнан онага ўта узоқ муддатли стрессда салбий ички психологик холатини, ўз кўрсатма ва қадриятларини қайта тузишга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар


1. П.Пўлатова "Махсус педагогика". Т. – 2008
2. Л.Р.Мўминова "Оилада ногирон ва ёрдамга мухтож болалар хақида". Т. – 1999.
3. М.Инамова. "Оилада болаларнинг маьнавий - аҳлоқий тарбияси".

Т. – 1999.

4. Е.М.Мастюкова, А.Г.Московкина. "Семейное воспитание детей с отклонениям в развитим". М. – 2004.

**Советы родителем, имеющим проблемы в воспитании детей с нарушениями слуха**

Хамраева М.А
ТГПУ

Большая группа родителей не могут отдать своего ребенка в дошкольное учреждение.— это родители физически ослабленных или больных детей. Единственной формой воспитания и обучения таких детей оказывается семейное воспитание.

Наша цель — воспитать полноценного человека без всяких скидок на глухоту. Но до ее достижения еще очень далеко тем мамам и папам, которые приходят на первую беседу с нами. Они в начале пути. Вернее, на распутье, поскольку дальнейший ход обучения своего ребенка им предстоит выбрать самим.

Выбор пути... .

Существует два пути в воспитании и обучении глухих и слабослышащих детей. В дошкольном возрасте, начиная с 2-х, а как правило, с 3-х лет, ребенка можно отдать в специализированное учреждение в зависимости от степени нарушения слуха.

Это — первый путь, но не единственный. Обучение ребенка дома родителями по нашей методике — это второй путь. Конечно, в этом случае на родителей возлагается огромная ответственность.

Начинаем заниматься.

Раннее начало занятий — безусловно, залог успеха. Ребенок не приобрел еще никаких специфических форм общения, не почувствовал своей неполноценности.

Дети старше 3-х лет, как правило, уже понимают, что чем-то отличаются от остальных людей, имеют опыт затрудненного общения с окружающими, но привыкли к тому, что родители понимают все их жесты, взгляды, кивки, поэтому общение с незнакомыми, которые не сразу понимают их, затруднено.

Родители нередко сами пытаются заниматься с ними, но занятия эти бессистемны и строятся по школьному типу — за столом. Детям такие занятия быстро надоедают, они сопротивляются им. Тогда занятия прекращаются. Преодолеть подобный отрицательный педагогический опыт непросто, но возможно. Этого с успехом добиваются все те родители, которые еще до встречи с нами почувствовали, что в занятиях с ребенком им не хватало четкой системы. Они видели сами изъяны своего поведения, понимали, что отсюда идут все изъяны в поведении ребенка.

Надо ли заставлять ребенка заниматься? Очень часто мы слышим такой вопрос: «Как заставить ребенка заниматься?» И отвечаем всегда одно и то же:

«Заставлять нельзя ни в коем. случае». Надо сделать так, чтобы ребенку было интересно с родителями.

Интересно находиться около них не только в тот момент, когда они с ним играют, но и тогда, когда родители заняты какой-либо другой деятельностью, обычной в повседневной жизни.

Вот мама убирает в комнате — рядом с ней обязательно должен быть и ребенок. Ведь только тогда он и сумеет по-настоящему разглядеть свой столик, когда достанет из-под него все бумажки, когда пролезет под ним и наткнется на ножку, когда сам положит на него кубики.

Вот папа мастерит что-то по дому. Это опять ценнейшее время для ребенка, для познавания им окружающего мира. Из нескольких дощечек получается полочка, на которую можно поставить маленькую машинку — большая скатывается. Догадается ли ребенок выбрать дощечку пошире? Что же это, как не занятие по развитию мышления? А не догадается, тогда сегодня папа сам выберет нужную большую дощечку и руками ребенка поставит машинку, а ребенок почувствует, как прочно она встала. Не сомневайтесь — со временем он сам научится выходить из подобных положений!

Летом вы ставите на землю таз с водой, и ребенок на звуковые сигналы кидает в него камешки. Что же это, как не занятие по развитию слухового восприятия? Даже самые непоседливые дети, которые (по словам родителей) упорно отказываются выполнять что-либо по их просьбе, никогда не откажутся от такого времяпрепровождения. Только не забывайте, что сегодня вы бросаете в таз песок, завтра — камешки, послезавтра — ракушки, а к концу недели в тазу получается настоящий пруд, где будет плавать лодочка, купаться кукла и т.д.

Самая сложная и самая главная задача родителей — найти верный тон занятий, правильную манеру поведения с ребенком. Мама должна быть прежде всего мамой, а не учительницей (хотя с ребенком и надо постоянно заниматься). Достичь этого можно лишь в том случае, если занятия будут естественным образом вплетаться в жизнь. Мы всегда призываем родителей к тому, чтобы они как можно меньше времени проводили с детьми за столом. Надо, чтобы каждый вечер при составлении плана работы на следующий день по нашим заданиям любое упражнение представляло собой игровую или бытовую ситуацию.

Родителей больше волнует отсутствие речи, а нас — отсутствие того, что необходимо для ее возникновения. Пока мы еще разными глазами смотрим на ребенка, и взаимное непонимание естественно. Настоящая совместная работа с родителями, которая является залогом успешного обучения ребенка,

лишь начинается. Постепенно, втянувшись в работу, мы лучше начинаем понимать друг друга, а главное, ребенка.

Не лишайте ребенка самостоятельности!

«Он такой неусидчивый,— говорят с обидой родители о своем 3-летнем сыне.— он совсем не хочет заниматься». Выход из этого положения они находят в том, что силой заставляют его сидеть за столом. Часто при этом еще и требуют, чтобы ручки лежали на столе, а ножки спокойно стояли вместе.

Для маленького ребенка очень трудно выполнить одновременно все эти требования. Но даже если они и выполняются, ничего хорошего от подобной «усидчивости» не будет. В лучшем случае ребенок будет считать, что его жизнь состоит как бы из двух половин: в одной он поневоле оперирует теми знаниями, которые насильственно вбиваются ему в голову, а в другой — эти знания благополучно забывает. Ребенок уверенно пересчитывает карандаши на столе, но не справится с подсчетом стульев в комнате, по цветовому образцу найдёт нужный цвет на картинке, но приложить тот же образец к нужному цвету у себя на костюмчике не сможет и т. д.

Эта преимущественно «школьная» организация домашних занятий видна нам при первой же встрече с ребенком. Необходимо в этом случае объяснить родителям. почему неприемлема эта форма работы и почему их ребенок, обладающий теми или иными знаниями, не может активно реализовать их в жизни.

Всегда настораживает ориентация родителей только на речь, поэтому мы стараемся переключить их внимание на другие стороны обучения, более важные на этом этапе. Мы стараемся, как можно более подробно объяснить, что речь — это не столько продукт работы органов артикуляции, сколько итог согласованной работы мышления, остаточного слуха, разнообразных движений. Если что-то в этой цепи повреждено, развитие речи будет своеобразным, нуждающимся в специальном педагогическом воздействии.

Все это, касается и детей с нормальным слухом. К сожалению, мало кто из родителей слышащих детей озабочен тем, что ребенок не будет хорошо говорить, потому что мало двигается и его движения плохо скоординированы. Подобная беспечность родителей может потом обернуться для ребенка серьезным недоразвитием речи.

Родители, занимающиеся по нашей методике, должны помнить: развитие движений — первый и необходимый шаг к развитию речи, какой бы отдаленной на первый взгляд ни казалась эта связь: движение — речь. (Связи мышление — речь, слух — речь выступают более очевидно, и разъяснений о необходимости проведения специальных занятий на развитие мышления и слуха обычно не требуется.)

«Только бы заговорил!» — слышим мы от родителей, пришедших к нам за помощью. Да, ребёнок заговорит, но чудес не бывает: необходим долгий и кропотливый труд, вера в ребенка и полное доверие к людям, которые отныне будут направлять ваши усилия.

## Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг математика дарсларида сўзлашув нутқини ривожлантириш

Якубжанова Д.Б.
Муминова Н.Ю.
ТДПУ

Билимлар асосини эгаллашда ўқувчидан, биринчи навбатда, гап ёрдамида етказилган ўқув материалини тушуниш, иккинчидан эса нутқ орқали ўрганилаётган муносабат ва алоқаларни грамматик тўғри ифодалашни билиш талаб этилади. Ўқув материалнинг илмий услубда ифода этилиши одатда унинг тушунилишини қийинлаштиради. Чунки кар ва заиф эшитувчи болаларнинг сўзлашув нутқи ривожланиш даражаси паст бўлади. Бу уларнинг нутқий материални ифодаламоқчи бўлган тушунча ва муносабатларни аниқ ва тўғри англамасликларига ёки тескари тушунишларига сабаб бўлади. Ваҳоланки, бу нутқий сўзлашув материали таълим жараёнининг таркибий қисмини, мазмунини ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, нутқий коммуникация қийинчиликлари ўқув материалини эгаллаш жараёнини мураккаблаштиради. Шунинг учун кар ва заиф эшитувчи болаларда сўзлашув нутқини ривожлантириш математика дарсларининг самарадорлигини ошириш учун зарурий восита ҳисобланади.

Ўқувчиларга математик нутқни ўргатиш методикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларнинг луғат захирасини бойитиш. Биринчи навбатда ўқувчиларнинг мактаб математика курсининг терминологик лексикасини ва махсус фразеологиясини эгаллашларини таъминлаш.
2. Ўқувчиларда оғзаки шаклда берилган топширик ва саволларни англаш кўникмасини шакллантириш.
3. Ўз фикрларини баён қилишда тилнинг грамматик, фикрларни имловий қурилишидан тўғри фойдалана олган ҳолда ифода этиш кўникмасини ҳосил қилиш ва ривожлантириш.

Ўқувчилар математикани ўрганиш жараёнида математик тушунчаларни англатувчи терминология билан бирга ўқув предметларда ишлатиладиган сўз ва ибораларга, оғзаки нутқга доир лексик бирликларга дуч келадилар.

Математика ўқитишда қўлланадиган лексик бирликларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Оғзаки нутққа доир лексик бирликлар.

Оғзаки нутққа доир лексик бирликлар дарс жараёнидаги ташкилий ҳолатларни ифодалаш учун ишлатилади. Масалан: китобни очинг, дафтарни ёпинг ва ҳ.к. Оғзаки нутққа доир лексикадан болалар дарсга тайёр эканликларини ўқитувчига етказишда фойдаланадилар.

Мазкур нутқий материал ўқувчилар томонидан асосан она тили ва математика дарсларида эгалланади ва одатда, уларни эгаллашлари учун махсус тайёргарлик кўзда тутилмайди. Сўзлар маъносини тушунтиришда қийинчиликлар вужудга келса, ўқувчилар билан амалий ишлар бажарилади. Масалан: агар тайёрлов синфи ўқувчиси "Китобни очинг" деган топшириқдаги «очинг» деган сўзни тушунмаса, ўқитувчи улар билан бирга «очинг» сўзини талаффуз қилиб, унда ифодаланган иш-ҳаракатни бажаради, яъни китобни очади. Бунда "очинг" феълининг маъноси амалий ҳаракат ёрдамида кўрсатилади.

2. "Математика" дарслигидаги ўқув топшириқларида ва ўқитувчининг тушунтиришларида ишлатиладиган тил бирликлари, яъни ўқувчиларга билим беришда ишлатиладиган сўз ва иборалар.

Бу гуруҳнинг нутқий материалида, энг аввало, математикага доир сўз ва иборалар қўлланади. Бу сўзларнинг маъносини ўқувчилар улар билан боғлиқ тушунчаларни эгаллаш жараёнида англаб боришади. Биринчи бўлиб ўқитувчи махсус машқлар тизими ёрдамида уларнинг мазмунини очиб беради. Топшириқлар шундай ҳолда бериладики, бунда ўқувчилар ўрганилаётган ҳодисаларнинг муҳим аломатларини жамлаб умумлаштириша олишлар ва янги сўз билан ифодаланувчи ҳодисаларни тўғри ажрата билишлари лозим.

Кар ва заиф эшитувчи болаларни ўкитиш жараёнида сўзлашув воситаларини хато ишлатмаслик ва ўрганилаётган материални нотўғри тушуниб қолмаслик мақсадида математик тушунчаларни номлашда ишлатиладиган сўзлар хилма-хиллигини ҳисобга олиш ўта муҳимдир.

Сўзларнинг маъноси, агар ўқувчиларга маълум бўлмаса ёки улар томонидан етарлича эгалланмаган бўлса, сурдопедагог томонидан кенг тарқалган усуллар ёрдамида очиб берилади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

*Бир сўзни ёки иборани ўқувчи томонидан илгари билиб олинган бошқа бир сўз ёки ибора билан алмаштириш.* Аксарият ҳолларда номаълум бир сўз ўзининг мазмунига тўлалигича мос келмайдиган бошқа синоним сўз билан алмашади. Чунки ҳамма сўзга ҳам унга мос келадиган бошқа сўз топилавермайди. Масалан, масала шартида кутубхонада китоб тарқатиш мавзуси акс эттирилган. «Тарқатмоқ» феълини «бермоқ» феъли билан алмаштириш мумкин. Лекин бу феълларнинг

моҳияти бир-бирига тўғри келмаганлиги сабабли, ўқитувчи алмаштирувчи феъл моҳиятини очиб бериши шарт.

*Предмет ёки суратни намойиш қилиш.* Бу усулда икки ҳодиса рўй бериши мумкин. Масалан, масала матнида «паррандачилик хўжалиги» ибораси қўлланилган. Ўқувчиларга номаълум бўлган ушбу иборанинг мазмуни оғзаки тушунтириш ва шу сўзга оид суратларни намойиш қилиш орқали очиб берилади. Ёки бошқа бир мисол: масала шартида «калава» сўзи учраб қолди. Бу ҳолатда сўз маъносини тушунтириш учун ип калаваси кўрсатилади.

*Амалий фаолиятни бажариш.* «Штрихламоқ» сўзининг маъносини тушунтириш керак. Зарур бўлганда доскада бирор бир шакл штрихлаб кўрсатилади.

*Тушунтириш асосида сўз маъносини очиб бериш.* Бу усулда номаълум сўз маъноси ўқувчиларга маълум бўлган лексик воситалар ёрдамида тушунтирилади. Оғзаки тушунтириш алоҳида бир сўзни эмас, балки масала шартида кўрсатилган бутун вазиятни очиб беради. “Кутубхона” сўзининг маъносини тушунтириш зарур бўлганда, кутубхонанинг вазифаси ҳақида гапириб, лозим бўлса, тегишли кўргазмали воситалар ҳам кўрсатилади.

Юқоридаги нутқ материалига вақт тушунчасини англатувчи сўзлар ҳам киради (улар математик тушунча бўлмаслиги мумкин). Бу каби сўзларга *аввал, сўнгра, бундан кейин, қачонки, ... дан сўнг* ва ҳ.к. сўзлар киради, улар масала ва мисолларни оғзаки ифодалашда кўп учрайди. Бу сўзларнинг маъноси дарс жараёнининг ўзида аниқлаштирилади. Масалан: дарс режасининг баёнида: «Аввал биз оғзаки санаймиз, кейин топшириқларни ёзма бажарамиз» каби.

Математика дарсларида сўзлашув нутқи устида тизимли тарзда иш олиб бориш ўқувчилар барча топшириқларни нутқий ифода этишлари шарт дегани эмас. Оғзаки изоҳлар оғзаки ҳисоблашда ишлатилади. Мустақил ишда ўқувчилар доска олдида ёки жойида туриб ечиш усулини тушунтирганда ҳам бу усул ишлатилади. Масалалар киритилгач, ўқувчилар масаланинг ечимини топиш режаси ва усулини оғзаки баён этишга ўргатилади.

Хуллас, кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларнинг математика дарсларида сўзлашув нутқини ривожлантиришда турли методлардан ўринли фойдаланилса, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Специальная психология. // Под ред. В.И.Лубовского. – М.: 2003.
2. Сухова В.Б. Обучения математике в подготовительном IV классах школ глухих и слабослышащих детей. – М.: ACADEMIA, 2002.
3. Сурдопедагогика. // Под ред. Е.Г.Речицкой. – М.: Владос, 2004.

**Эшитишида нуқсони бўлган болаларни оилада тарбиялаш**

Ҳамидова М.У., Шукуралиева Н.
ТДПУ

Мактабгача ёш даврида эшитишида нуқсони бўлган болани махсус таълим муассасасига бериш ёки уни оилада қолдиришни ота-оналарнинг ўзлари ҳал қилади. Оилада тарбия бериш афзал кўрилган тақдирда бу каби болаларга сурдологик кабинетлар сурдопедагоглари, консультатив гуруҳ ёки махсус мактабгача тарбия муассасалари қошида ташкил қилинадиган қисқа муддатли гуруҳлар педагоглари, шунингдек эшитиш ва нутқни реабилитация қилиш маркази мутахассислари педагогик ёрдам кўрсатади.

Бундай тарбияда муваффақият қозониш учун ота-оналар мутахассис тавсияларини тўлиқ ва тўғри бажаришларига боғлиқ. Эшитмайдиган болага оилада таълим ва тарбия бериш бутун кун давомида, кун тартибида бажариладиган гигиеник, овқатланиш, сайр вақтидаги талабларни бажариш жараёнида, ўйин вақтида, эркин фаолиятда амалга оширилади. Бола турмуш тарзини, унинг ёши, жисмоний ва эмоционал имкониятларига мос бўлган кун тартибини тўғри ташкил қилиш ниҳоятда муҳим. Ҳар куни болалар билан махсус машғулотлар (икки ёки учта) олиб борилади, уларнинг давомийлиги 20 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши мумкин. Машғулотлар мазмуни ҳар хил фаолият турларини ўз ичига олади, уларни алмаштириб туриш бола толиқиб қолишининг олдини олади. Оилада бола билан унинг барча яқинлари нутқий мулоқотни кўзда тутадиган эшитиш-нутқ муҳитини яратиш мажбурий шарт саналади. Эшитиш аппаратларидан фойдаланиш ҳам эшитмайдиган бола нутқи устида ишлашда муваффақият қозинишнинг муҳим омили саналади.

Ота-оналар томонидан ҳал қилинадиган оилавий тарбия вазифаларига болани маданий-гигиеник ҳамда ўз-ўзига хизмат кўникмалари билан таништириш ва мустаҳкамлаш, уни тартибга, орасталикка, ўйинчоқлар, китобларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, фойдали фаолиятга, кучига яраша меҳнат жараёнларига интилишини ривожлантириш кабилар киради. Бироқ нутқни шакллантириш ҳамда нутқий кўникмаларни мустаҳкамлаш, эшитиш фаолиятини ривожлантириш, жисмоний ривожланишдаги оғишларни коррекциялаш бўйича ишларини давом эттиришга мутахассисларнинг алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Оилавий тарбия шароитида кар ва заиф эшитувчи болаларга педагогик ёрдам аввалам бор *нутқни ривожлантириш* ишларини кўзда тутади. У тил қобилиятини шакллантириш, нутқий жараённи ўзлаштириш ва тил стандартини амалий эгаллаш, шунингдек луғат бойлигини ошириш, сўз маъноларини

аниклаштириш ва жумла қуришга кўмаклашишни кўзда тутади. Бундай иш учун ривожлантирувчи характерга эга бўлган фаолият турлари асос бўлади.

Кундалик ҳаётда кар ва заиф эшитувчи болаларнинг ота-оналари ўз боласини тушунишга, унинг кечинмалари ва таассуротларидан хабардор бўлишга интиладилар. Эшитмайдиган боланинг умумий ҳолатининг, турли нутқий бирликларни мотивацияли қўллаши ва нутқининг ривожланишига унинг эшитадиган болалар билан нутқий мулоқоти ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бир қаторда оила шароитида боланинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш бўйича режали машғулотлар олиб борилиши зарур. Ўз вақтида шакллантирилган муваффакиятли ўқиш омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга: бу кўриш идроки, диққат, кузатувчанлик, тақлиднинг ривожланганлиги билан боғлиқ. Кўриш идрокини такомиллаштириш учун ёрқин ўйинчоқлар, турли рангдаги таёқчалар, шарчалар, мозаика, бўялган расмлардан фойдаланилади. Уларни кўриб борар экан, бола ўхшаш предметлар, бир хил ва турлича рангларни саралаш ҳамда уларни қиёслашга ўрганади. Болаларнинг талаффуз малакалари ривожланаётган эшитиш-кўриш идроки ва фонетик ритмика асосида шакллантирилади ва мустаҳкамланади. Мактабгача ёшдаги болалар ўз овоз аппаратидан тўғри фойдаланишга ўргатилади, уларга кўринадиган талаффуз ҳаракатлари намойиш қилинади, товушларнинг аниқ талаффуз килинишига эришиб, тегишли бўғин, сўз, жумлаларда шакллантирилган кўникма ва малакаларнинг автоматлаштирилиши таъминланади. Ҳамма машғулотлар ўйин шаклида ўтказилади, бу болаларда кизиқиш ва фаолликни тутиб ва рағбатлантириб туришга кўмаклашади. Артикуляция машқларининг тез-тез такрорланиши болада товушларни тўғри талаффуз этиш малакасини шакллантиради. Айни пайтда болаларни кўриш ва ҳис қилиш орқали талаффузни назорат қилишга ўргатиб борилади.

Нутқнинг талаффуз томонини шакллантириш иши кар ва заиф эшитувчи болаларнинг эшитиш идроки ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун болаларни ўйинчоқларнинг жаранги (сурнайлар, гармоника, қўнғироқ, ҳуштак ва х.к.) билан таништириб бориш, таниш нутқий материални эшитиш асосида фарқлаш ва ажратишдан катта ёрдам бериши мумкин. Эшитиш идрокини ривожлантириш махсус машғулотларда ва маиший турмушда фаолият турларида амалга оширилади. Материал эшитиш аппаратлари билан, шунингдек усиз тақдим қилинади, аста-секин товуш манбаси ва боланинг ўртасидаги масофа орттириб борилади. Нутқий материал одатда нормал баландликдаги овозда берилади, яхши эшитмайдиган болаларга эса шивирлаб айтилади. Шубҳасиз, иш натижалари ҳам, кар ва заф эшитувчи болаларнинг кўзда тутилган материални ўзлаштириш суръатлари ҳам турлича бўлиб, эшитишга ҳамда эшитиш машқларининг давомийлигига боғлиқ.

Эшитишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни оилада тарбиялашда ўқишга ўргатиш ишига катта аҳамият берилади. Бунда босма шаклдаги сўз ва жумлалар ёзилган табличкалардан кенг фойдаланилади. Ота-оналар болалар билан бирга бола ҳаётидаги қизиқарли воқеаларни акс эттирадиган «қўлбола» китоблар тайёрлайди ва ўқийди.

Кеч кар бўлиб қолган болаларга педагогик ёрдам аввало уларнинг нутқий малакаларини сақлшаб қолишга, нутқий мулоқотни тиклашга қаратилади. Э.В.Миронова ва Е.Ф.Рау таъкидлашича, болага эшитишни йўқотганликни тасдиқлайдиган ташхис қўйилиши биланоқ, унга имкон қадар тезрок атрофидаги кишилар нутқини унинг учун янги – кўриш, эшитиш-кўриш, кўриш-вибрацияли каналлар орқали идрок этиш имконини тақдим қилиш керак.

Кар бўлиб қолган боланинг нутқий тажрибаси доирасида унинг ўзига қаратилган нутқни тушунишини таъминлаш муҳим. Бунинг учун ота-оналар кундалик ҳаёт шароитида (болани ўйнатаётиб, ювинтираётиб, кийинтираётиб ва б.) унга таниш, шу вазиятда катта одамнинг қўлида ёки боланинг эътибори майдонида бўлган предметлар номини кўп марталаб такрорлаши керак. Аста-секинлик билан болани бошқа (сўзлаётган) кишига, «бирга гапириш» учун қарашга ўргатилади. Катталар ўз нутқ суръатини бола нутқ суръати билан мувофиқлаштиришга уринади, боланинг нигоҳи гапираётган шахснинг лабларига қаратилади. Мактабгача ёшдаги кар боланинг узига қаратилган нутқни тушуниши ота-онадан маълум хатти-ҳаракатларни талаб қилади:

- болага мурожаат қилинаётганида, у сўзловчининг юзини аниқ кўриб туриши керак;
- бола ҳар битта сўз ёки жумласини рағбатлантириш, бола шу сўз ёки жумлани талаффуз қила огунича, сабр-тоқат билан болани эшитиш ва у билан бирга такрорлаш лозим;
- боланинг фақат нутқ воситасида ифодаланган илтимосини бажариш ва уни шунга ундаш бола нутқини шакллантиришнинг муҳим воситаларидандир.

## Фойдаланилган адабиётлар


1. Белова Н.И. Специальная дошкольная сурдопедагогика. – Москва, 1985.
2. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Ўқитувчи, 1993.
3. Белова Н.И. Специальная дошкольная сурдопедагогика. – М., 1985.

## Кўришда нуқсони бўлган болаларни оилада дидактик ўйинлар воситасида тарбиялаш

Абидова Н.З
ТДПУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши келажагимиз бўлмиш фарзандларимизнинг камол топишида оилаларнинг ўрни беқиёс эканлигини яна бир бор таъкидлади. Фарзанднинг дунёга келиши ота-оналар учун энг катта қувончдир, улар фарзандларига авлодларининг давомчиси сифатида қарашади.

Афсуски, ўсиб келаётган ёш авлод орасида кўришида камчиликлар бўлган фарзандларимиз ҳам бор. Улар ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзоларидир. Кўришида нуқсони бўлган болалар ижтимоий ҳаётда соғлом кишилар орасида уйғун ҳолда яшаши, меҳнат қилиши, давлат қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олиши учун аввалам бор мулоқотга кириша олишлари, бунинг учун эса оғзаки нутқни эгаллашлари лозим.

Оилада тарбияланаётган кўришда нуқсони бўлган болаларнинг нутқини ривожлантиришда ўйинларнинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, ўйиндан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланилади. Зеро:

- ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;
- ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;
- ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;
- ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг асосий усулларидан биридир;
- ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир.

Кўр ва заиф кўрувчи болалар, меъёрда кўрувчи болалар сингари, ўйинга катта қизиқиш билдирадилар. Бироқ кўрув ўткирлигининг умуман ёки қисман йўқлиги, ҳаёт тажрибасининг чегараланганлиги, атрофидаги мулоқот доирасининг торлиги, аниқ тасаввурларининг йўқлиги заиф кўрувчиларда, айниқса кўрларда ўйиннинг юзага келишини хамда ривожланишини маълум даражада қийинлаштиради. Кўр болалар тасаввурларининг камбағаллиги туфайли ўйнаётган ўйинларининг қоидалари ва ҳаракатларни яхши билмайди, ўйиндаги ҳамкори билан тўғри мулоқотга кириша олмайди. Кўр ва заиф кўрувчи болаларга таклиф этилаётган ҳар битта ўйин тури (дидактик, ҳаракатли, сюжетли ёки ижодий) ривожлантирувчи бўлиши, уларнинг тасаввурларини кенгайтиришга қаратилиши лозим. Ўйинда болалар предметларни уларнинг шакли, хажми, мазаси, овози ва амалий қўлланиши

жиҳатидан фарклашга ўрганадилар. Предметларни аниқлаш орқали кўр болалар бир вактнинг ўзида сақланган хид билиш, эшитиш, таъм билиш каби ҳис-туйғуларини машқ қилдирадилар. Ўйинларни шундай танлаш керакки, унда иштирок этиш жараёнида болалар ўзининг нутқини мукаммалаштиришлари, саволларга тез жавоб қайтара олишлари, таққослай, тенглаштира олишлари, предметларни ўзига хос белгиларини аниклашлари, эгаллаган тажрибаларини янги шароитда қўллай олишлари лозим. Кўрлар учун ҳаракат билан боглик ўйинлар жуда муҳимдир. Ушбу ўйинлар жараёнида кўр болаларда бир хил такрорланадиган харакатлари йўқолади, эпчиллик, фазода мўлжал олиш қобилияти, мустакил ҳаракатлана олиш каби малакалар шаклланади. Ўйинда болалар ўртоқлари билан мулоқотга киришишга, гуруҳ билан биргаликда харакат қилишга, ўзининг хоҳиш, қизиқишларини ўйиннинг қоида ва вазифаларига бўйсундиришга ўрганадилар. Натижада болаларда фақатгина ўзининг мафаатларини ўйламасдан, гуруҳ учун қайғуриш, ташаббускорлик, ижод қилишга интилиш каби хислатлар тарбияланади. Ролли ёки ижодий ўйинлар орқали атроф оламдаги ҳаракатлар, катталарнинг ўзаро муносабатларидан олган таассуротлари ифодаланади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, юқорида қайд этилган хислатларни тарбиялашда ўйинлар яхши самара беради, чунки ўйинларда болалар хохиш-истакларини намоён этадилар ва ихтиёрий харакатларни бажарадилар, бу эса, ўз навбатида, уларда худбинлик, инжиклик ёки ёввойилик ва тортинчокликни енгишга ёрдам беради (А.В.Запорожец, Л.И.Солнцева, В.И.Селиверстов, А.Г.Литвак). Кўр ва заиф кўрувчи болаларнинг дидактик ўйинларида тифлопедагог фаол иштирок этиши керак, чунки у ўйиннинг қонун-қоидасини, мақсадини, унинг тузилишини, ўйинни кандай таҳлил этишни тушунтиради хамда ўйинда кандай харакатланиш кераклигини ўргатади.

Ушбу вазифалар машғулотлар жараёнида ҳамда боланинг бўш вақтида амалга оширилади. Дидактик ўйинларнинг ўзига хослиги шундаки, улар аста-секин мураккаблашиб боради ва болалар олдига тобора кийинроқ вазифаларни қўяди. Дидактик ўйинлардаги бевосита ўйин харакатларини қизиқиш билан бажариш бола тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради.

Оилада тарбияланаётган кўр болаларда дидактик ўйинларнинг заҳираси педагог, тарбиячи ва етакчиларнинг ушбу саволга ижодий ва тўғри ёндашишига сезиларли даражада боғлиқдир. Бу ўринда кўрувчилар учун тузилган дидактик ўйинларни бирон-бир шартини ўзгартирган холда қўллаш мумкин ёки уларга ўхшатиб махсус кўрлар учун ўйинлар яратиш мумкин. Масалан, “Шаклини аниқла”, “Хажмини аниқла”, “Нимадан қилинган?”, “Хона бўйлаб сайёҳат” каби ўйинлар орқали предметларнинг шакли, хажми ва материалини аниқлаш мумкин. Кўрларни фазода ва вақтда мўлжал олишга ўргатиш жуда муҳимдир,

"Берилган вазифа бўйича изла", "Ширмой нон", "Иссиқ-совуқ!" ва бошка ўйинлар орқали ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш мумкин. Вақт ҳақидаги тасаввурлар (воқеанинг бўлиб ўтганлиги ёки энди бўлиши) шеърий ўйинлар, Брайл сонлари бўлган соатдан фойдаланиш орқали шакллантириб борилади.

Оилада тарбияланаётган кўрларда эшитув идроки ўқиш ва ўкишдан ташқари вақтда машқ қилдирилади. Болалар "Овозидан топ", "Жимликда ўтирамиз" ўйинларини ўйнашни яхши кўрадилар, шунингдек мусиқали ўйинлар хам эшитув идрокининг ривожланишига ёрдам беради. Кўпгина хисоблаш кўникмаларини ривожлантирувчи санаш-ўйинлари, геометрик тушунчаларни шакллантирувчи ўйинлар дарс вақтида хамда синфдан ташқари ишларда ишлатилади.

Дидактик ўйинларнинг кўпгина қисми кўр ўқувчиларнинг луғати ва нутқини фаоллаштиришга, атрофидаги табиатни, одамларнинг машғулоти, хорижий тилларни ўрганишга қаратилиши мумкин.

Дидактик ўйинларнинг барча турлари ривожлантирувчи мақсадни кўзлайди. Тифлопедагог ушбу ўйинларни ўтказиш орқали болаларни билимлар билан қуроллантиради ва кўр ўқувчиларни билимларини шакллантириб фаоллаштиради, шунингдек ўзининг психик функцияларини ташкиллаштириш ва назорат этишга ўргатади.

Шуни ёдда тутиши керакки, оилада дидактик ўйинлар кўр болани атроф оламни англашга, унинг билиш жараёнларини ва нутқини шакллантиришга. билим олишга қизиқишини уйғотишга қаратилган бўлиши лозим

Адабиётлар


1. В.И.Селиверстов. Игры в логопедической работе с детьми. – Москва, 1986.
2. А.Г.Литвак. Тифлопсихология. – М., 1985.
3. Л.И.Солнцева. Развитие компенсаторных процессов у слепых детей дошкольного возраста. – М., 1980.


## Мактабгача ёшдаги кар болалар нутқини илк ривожлантиришда оиланинг ўрни


Ибрагимова Л.С

ТДПУ


Маълумки, эшитиш кобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган болада сезги, идроки, тафаккур каби психик жараёнлар суст ва ўзига хос равишда шаклланади, нутқий ривожланиши тормозланади, шу сабабли махсус таълим

бериш бундай болаларнинг камол топишида муҳим омил булиб қолади. Бироқ ҳар қандай бола ҳаётининг илк даври оилада кечади. Ногирон болалар, шу жумладан кар болалар ҳам дастлабки тарбияни оилада оладилар, атроф-олам билан оила шароитида танишадилар. Шунинг учун бу ишда ота-оналарнинг масъулияти ниҳоятда катта. Боланинг камол топиши учун зарур бўлган оғзаки нутқ ҳам дастлаб оилада шаклланиб бориши мақсадга мувофиқ. Оилада таълим самарали ташкил этилиши учун ота-оналар ва бошқа оила аъзолари ногирон бола билан олиб борилиши керак бўлган педагогик-коррекцион ишни оила шароитида бажариш учун маълум билим ва малакаларни ўзлаштиришлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг асосий фаолияти ўйин билан боғлиқ, шундай экан, ногирон бола билан олиб бориладиган ҳар қандай иш мана шу фаолият билан богланиб кетиши керак. Бунда маданий-гигиеник, маданий-маиший хулқ-атвор малакалари айнан оилада шакллантирилишини ёдда тутиш лозим. Мана шу кўникма ва малакаларни шакллантиришда боланинг нутқини ривожлантиришга ҳам эътибор бериш бу йўлда муайян самара беради. Оилада тарбияланаётган эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқини ўстириш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Болаларда турли малака ва кўникмаларни тарбиялашда нутқни ўстириш вазифаси устун бўлмаслиги керак, яъни боланинг истак ва имкониятини эътиборга олмай, уни гапиришга ундаш тавсия этилмайди.

2. Шу билан бирга, билим, малакаларни шакллантириш пайтида муомала учун зарур бўлган сўзлар захирасини тўплаш керак.

Маданий гигиеник малакалар ва маданий хулқ малакаларини шакллантириш жараёни қуйидагича кечади: барча хатти-ҳаракатлар дастлаб 1-2 марта катталар томонидан кўрсатилади, кейин болалар билан бирга бажарилади. Болага шовқин қилмасдан ўрнидан туришни, стулни жойига қўйишни, тўғри ўтиришни, ювиниш пайтида кранни очишни, совун олишни, енгини шимаришни, сочиқни ушлашни, юз қўлни қуруқлаб артишни, овқат пайтида салфетка, қошиқ, санчқилардан фойдаланишни, нонни ушатишни, мустақил ечиниш ва кийинишни ўргатиш керак бўлади. Ҳаракатлар ва уларнинг кетма-кетлиги ўзлаштирилгандан сўнг, болалардан у ёки бу ҳаракатни бажариш кўрсатмасини беришдан аввал ёзувли жадвалча кўрсатилади.

Болаларда маданий-гигиеник малакаларни шакллантириш ишлари изчиллик билан ташкил этилади. Мазкур жараён доимий равишда нуткий воситалар билан уйгунлашган ҳолда олиб борилса, мулоқот учун зарур бўлган сўз ва иборалар табиий ва онгли равишда ўзлаштирилади. Кар болаларни муввафақиятли тарбиялашда уларнинг сенсор (сезги, идрок, тасаввур)

жараёнларини, диққат-эътиборини, тақлидчилик қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кичкинтойлар таъсирчанлиги, ҳиссиётларга берилувчанлиги, билим ва тажрибаларнинг етишмаслиги, таффакурини етарли ривожланмаганлиги билан ажралиб турадилар. Таълим-тарбия жараёни нотўғри йуналтирилиши уларда атрофдаги борлиқ ҳақида нотўғри тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Баъзан эшитувчи болалар ҳам табиат ҳодисаларини кўриб туриб, ундаги сабаб-оқибат муносабатларни англай олмайдилар, уларни чалкаштирадилар. Масалан, дарахтлар қимирлаётгани учун шамол эсаяпти (аксинча эмас), ой чиққани учун коронги бўлди каби тушунчалар уларга хосдир. Мактабгача ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши теварак атрофни идрок этиш жараёнини бошкариш, мавжуд бўлган тасаввур ва тушунчаларни сўзлар воситасида ифодалашнинг муҳим омилидир. Болаларнинг тасаввурлари, яъни идрок этилган нарсаларнинг сиймолари уларда мажуд бўлган билимлар мазмунини белгилайди. Тасаввурлар аниқлаштирилиши, тартибга солиниши, умумлаштирилиши лозим. Тасаввурлар нутқ билан богланмаса, улар ўз маъно моҳиятини йуқотади.

Болаларнинг хар хил фаолиятларини ташкил этиш жараёнида уларга буюмлар ва бошқа нарсаларни фаркли ва ўхшаш белгиларини англашга, буюмлар ва уларнинг сифат ва ҳоссалари ўртасидаги богланишларни тушунишга ўргатилади.

Оғзаки нутқни шакллантириш учун болаларнинг кўриш идроки, диққат-эътибори ва таклидчилигини махсус ривожлантириб бориш зарур. Оғзаки нуткни ривожлантириш, ёзувли жадвалчалардан фойдаланишга ўргатиш мақсадида болаларни ёзма нутқини идрок этиш ва, ўқишга ўргатиш, дактил нуткни ривожлантириш учун эса дактилемаларни фарқлаш, мустақил дактиллаш, қабул қилаётган нутқдаги сўзларини дактиллашга одатлантириш керак.

Огзаки нутқни ривожлантириш учун болаларда тўғри нафас ва овозни ривожлантириш, нутқ аъзолари артикуляциясини шакллантириш, катталар кетидан ва у билан бирга сўзларни талаффуз этишга, товушлар талаффузини фарқлашга ўргатиш керак. Тайёрлов машқлар нафақат дастлабки босқичда, балки бутун мактабгача даврда йилдан йилга мураккаблашган ҳолда бажарилади.

Тақлид қилиш ҳам билимларни ўзлаштириш воситасидир. Диққат каби, тақлид қилиш иҳтиёрий ва иҳтиёрсиз кўринишда бўлади. Айнан катталарга тақлид қилиш асосида кар болалар маданий хулқ меъерларини, билим ва малакаларни ўзлаштирадилар. Онгли равишда тақлид қилиш учун диққат-эътибор керак, тақлид машқлари ўз навбатида диққатни ривожлантиради.

Катталар билан биргаликда ҳаракатларни бажарар эканлар, болалар аввалам бор уларга таклид қиладилар.

Дастлаб болаларга қўл ҳаракатларини – қўлни кўтариш, тушуриш, бел орқасига беркитиш, чапак чалиш ҳаракатларини такрорлашга ўргатиш керак. Болалар кир ювиш, сочни тараш, артиш, супуриш, чўмилиш ва бошқа кундалик маиший ҳаракатларга иштиеқ билан тақлид қиладилар.

Барча ҳаракатлар онгли равишда, эмоционал бажарилиши керак. Машқларда турли уйинчоклар, шарлар, байроқчалар, шикилдоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Катта одам ўйинчоқларни кўтаради, туширади, беркитади, шақиллатади, қўлдан қўлга олади, бола эса ҳар бир ҳаракатга таклид қилади. Ҳаракатлар ўргатилгандан, сўнг майда, мураккаброк ҳаракатларни ўргатишга ўтилади, дактил алифбонинг элементларини, ўхшаш ҳарфлар, дактилемаларни танлаш, артикуляцияга тақлид қилишга ўргатилади. Катталар ҳаракатларига яхши тақлид килаётган бола албатта рағбатлантирилиши керак. Ота-она боласининг энг кичик ютуғини ҳам, эътибордан четда қолдирмаслиги, болани мақтаб қўйиши лозим.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Л.П.Носкова. Развитие речи детей в дошкольном отделении школ-интернатов для глухих детей. – М., 1981.

2.Л.П.Носкова. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальньых дошкольников. – М., 1989.

3.И.В.Колтуненко. Развитие речи глухих дошкольников. – М.,1980.


### Болалар нутқини ривожлантиришда ўйин технологияларини қўллаш


Аюпова М.Ю, Арипова Ш.Д.

ТДПУ


Нутқнинг грамматик қурилишининг шаклланишида етакчи механизм бола томонидан тил қонуниятлари, тил умумлашмаларини ўзлаштириш ҳисобланади. Чунки тил қонуниятлари ва тил умумлашмалари мазмунни нуткий фаолиятда амалга ошириш имконини беради. Нутқ пайдо бўлишидаги грамматик операциялар ҳаддан ташкари мураккаб бўлиб, у юқори даражадаги анализ-синтез фаолиятининг етарлича ривожланганлигини кўзда тутади. Шунинг учун ҳам, биз айнан 6-7 ёшли нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан нутқ ўстириш, нутқ маданияти, саводга ўргатиш машғулотларида фойдаланиш мумкин бўлган машғулотлар намунасини ишлаб чиқдик.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар (НТР) – тизимли нутқ нуқсони бўлиб, товушлар талаффузи, фонематик идрок этиш, сўзларнинг бўғин тузилиши, сўзлардаги барча товушларнинг тўлиқ бўлиши, нутқнинг грамматик тузилишидаги бир қатор камчиликлар бу нуқсонга хос ҳисобланади.

Нутқий воситаларнинг етишмаслиги мактабга боришни бошлаган бола учун дастлабки вақтда жуда катта муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам мактабгача ёш даврида нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар болага мутахассислар кўрсатаётган ёрдамга эътиборсиз қараб бўлмайди.

Логопедик ишларнинг самарадор бўлиши учун болага комплекс равишда тиббий-педагогик ёндошиш талаб этилади ва бу жараён қуйидагича амалга оширилиши таклиф этилади:

- Дори-дармон билан даволаш ва психотерапия;
- Мутахассисларнинг логопедик таъсири;
- Ота-оналар ва тарбиячиларнинг юқори даражадаги ёрдамлари;

- Болаларда мавжуд бўлган барча камчиликлардан иборат симптомлар комплексни ҳисобга олган ҳолда коррекцион ишларнинг нейропсихологик йўналганлиги.

Юқорилаги фикрларни хисобга олиб қуйида ўйинли машғулотлардан айрим ишланмалар келтирилади.

**Мавзу “Кийим -кечаклар, бош ва оёқ кийимлари”.**

**Суҳбат**

Кийим-кечаклар, бош, оёқ кийимларининг аҳамияти ва бажарувчи вазифалари, уларнинг қисмлари, ҳар бир фаслга хос бўлган кийим-кечаклар.

**Лексик – грамматик машқ ва ўйинлар**

- *“Сўзни якунла”*. Ўрганиблаётган мавзу бўйича луғатни ўзлаштириш: кўй . . ., юб . . ., қал . . ., туф . . ., эт . . ., ши . . ., бў . . ., пай . . ., ха . . ., жем . . ., курт . . ., қўл . . . ва ҳ.к.
- *“Саирга нима кийиб чиқамиз?” Киймоқ* феълини ўзлаштириш.

Боллаларнинг қўлларида расмлар мавжуд. Логопед савол беради: “Сен нима киясан, Дилдора-чи?” Бола эса жавоб беради: “Мен футболка кияман, Дилдора эса кўйлак кияди”. Ва ҳ.к.

- *“Қандай кийим?” Кийим* сўзига мос келувчи сифатга оид сўзларни топиш: уст . . ., бола . . ., кат . . ., аёл . . .. эр . . ., спо . . ., мавсу . . ., қиш . . ., ёз . . ., куз . . ., баҳор . . ., иф . . ., то . . ., байра . . ., ис . . ., чирой . . . ва ҳ.к.
- *“Аксини айт”*. Ўрганилаётган мавзу бўйича феълларни ўзлаштириш: киймоқ – ечмоқ, сотиб олмоқ – сотиб юбормоқ, бойламоқ – ечмоқ, тақмоқ – ечмоқ, дазмолламоқ – ғижимламоқ, осмоқ – йиғиштирмоқ, ювмоқ – кир қилмоқ, тахламоқ – ёймоқ.

• *"Мос сўзни топ".* *Кийим* сўзига мос келувчи феълни топиш: киймоқ, ечмоқ, сотиб олмоқ, тикмоқ, тўқимоқ, кийиб юрмоқ, тақмоқ, дазмолламоқ, ямоқ солмоқ, ювмоқ. қуритмоқ, осмоқ ва ҳ.к.

• *"Нима етишмаяпти?"* Кийим-кечак, оёқ ва бош кийимларининг қисмлари билан таништириш. Бош келишикдаги сўзларни ўзлаштириш.

Логопед расмнинг бирор-бир қисмини беркитган ҳолда кийимлар расмини кўрсатади. Болалар эса уни шарҳлайдилар: "Кўйлакнинг енглари етишмаяпти".

*Намуна учун сўзлар:* чўнтак, ёқа, манжет, тугма, петля, белбоқ, замок, иштонча, пошна, боғич.

**Боғланган нутқни ривожлантириш**

• Тасвирловчи ҳикоялар тузиш.

"Кўйлак – бу аёллар кийими. У матодан тикилади. Кўйлакнинг ёқаси, енглари, белбоғи, тугмалари бор. Унинг ранги қизил бўлиб, оқ гуллари мавжуд".

"Кўйлак – бу эркаклар кийимидир. У матодан тикилади. Кўйлакнинг ёқаси, енглари, манжетлари, чўнтаги, тугмалари ва петлялари бор. У йўл-йўл".

"Этик – бу оёқ кийими. Улар теридан тайёрланган. Этикда қўнжи, замоғи, таг қисми, пошнаси бор. Этикларни қишда, кеч кузда ва эрта баҳорда кийиш мумкин".

**Жисмоний дақиқа – логоритмика**

• Нутқий ҳаракатли ўйин *"Биз расмлар билан ўйнаймиз".* Расмлар ўрганилаётган мавзу бўйича.

Биз расмлар билан ўйнаймиз,
Уни бўғинга бўламиз,
Кафтларингни сен кўрсат,
Энди бир оз чал чапак.

Болалар бир-бирларига қараб туриб оладилар. Биринчи бола шеърнинг ритмига мос равишда иккинчи боланинг кафтларига кафтларини теккизади.

**[Б] товуши артикуляцияси ва талаффузини аниқлаштириш. Б харфи.**

• Товушнинг тавсифи (ундош – чўзиб айтилмайди, жарангли-овоз иштирокида айтилади, портловчи, лаб ундоши.)

• *"Гап туз".* Намуна асосида гап тузиш: "Камоланинг китоби кўк рангда. – Камоланинг китобчаси кўкимтир рангда".

• *"Дўстлашган товушлар".*

Дўстлашган товушлар югуриб келишди ва бир-бирларига қўл узатишди.

[Б], [о], [л], [ғ], [а].

[б], [о], [л]; [б], [о], [ш];
[л], [а], [б]; [б], [о], [л], [а].

Л о г о п е д. Нима ҳосил бўлди?

• Б ҳарфи билан таништириш: контури бўйлаб ёзиш, бармоқ билан партада ёзиш, таёқчалардан ёзиш, алфавитдан қидириб топиш.

Л о г о п е д. Б ҳарфи қайси томонга "қараб" турибди? *(Ўнг томонга.)*

• Товуш бирикмалари ва сўзларни ўқиш: аб, абу, бау, уиб, бобо, бола, лаб, бил, Болта.

• Сўзлар шаклини ўзгартириш: куб – кубик – кубиклар (бўғинли таҳлил); бил – бол – бола – болта.

• Чизмаларга мос расмларни топиш: лаб, бола, болари.

• *"Мактаб-мактаб ўйнаймиз"* Гапларни тузиш, ўқиш ва таҳлил қилиш: "Боланинг лаби бор. Лабида болнинг юқи бор".

Гапдаги биринчи (иккинчи, учинчи) сўзлар қайсилар?

Гапда ҳаммаси бўлиб нечта сўз мавжуд?

Энг кичик сўз қайси бири?

Биринчи (иккинчи) гапда нима ҳақида гапирилмоқда?

Икки (уч) бўғинли сўзни топинг. Ушбу сўзларнинг чизмасини тузинг (қизил ва кўк квадратчалар товушлар учун, тасмалар эса бўғинлар учун).

### Мавзу "Қиш"

**Суҳбат**

Қишнинг асосий белгилари; қишки ўйинлар; инсонлар ва ҳайвонларнинг қишга тайёргарликлари.

**Лексик – грамматик машқ ва ўйинлар**

• *"Қандай?" Қиш* сўзига мос бўлган сўзни топиш: совуқ, эрта, кечки, қорли, ёвуз, қаттиқ, қахратон, иссиқ, шамолли, қувноқ, безатилган ва ҳ.к.

• *"Сўз ўйлаб топ".* Ўзакдош сўзларни ҳосил қилиш: қор – қорли – қор парча – қор одам – қор кўчки – қор бўрон –қорбобо – қор қиз. Муз – муздек – музли – муз парча – муз бўлак – музлатгич.

• *"Нима қиляпти?" Қор* сўзига мос бўлган кесимларни топиш: ёғяпти, эрияпти, учяпти, айланяпти, тушяпти, ярқираяпти, ялтираяпти, ғижирлаяпти, ёпишяпти.

Логопед яна нима эриши *(музқаймоқ, муз)*, учиши *(самалёт, капалак)*, ёғиши *(ёмғир, дўл)*, ялтирашини *(тилла, пистон)*,ғижирлаши *(олмани тишлаганда, қоғоз)* мумкинлигини аниқлаштиради ва х.к.

• *"Нима бўлмайди?"* Бош келишикка оид сўзларни ўзлаштириш

Болалар қишда нима бўлмаслиги ҳақида гапириб, гап тузадилар: "Қишда саратон (барг, хазонрезгилик, гуллар, ўтлар, учиб кетувчи қушлар, ҳашаротлар) бўлмайди".

**Боғланган нутқни ривожлантириш**

• Логопеднинг саволларига таянган ҳолда *"Қиш меҳмонда"* ҳикоясини қайта сўзлаб бериш. Сўзларнинг кўчма маъносини ўзлаштириш.

"Куз тугади. Юртимизга қиш меҳмон бўлиб келди. У ер юзини оппоқ гилам билан ёпти.

Шамол тўполон қилмоқда. Бўрон ўз жаҳлини кўрсатмоқда. Музларнинг тақиллаган овози эшитилмоқда.

Қиш қуруқ қўл билан келмаган. У совғалар: қор, шамол, муз, изғиринлар олиб келган. Ушбу совғалар инсонлар чана, конькиларда учишлари учун керак. Яна қор одам ясаса, қўргон қуришса, қорбўрон ўйнаса бўлади. Бу қиш ўйинлари ҳисобланади. Биз қишни жуда яхши кўрамиз".

Қайта сўзлаб бериш учун саволлар:

Нима меҳмонга келди?

Бундан олдим қайси фасл ҳукумрон эди?

Қиш ер юзини нима билан қоплади?

Шамол (муз, изғирин, бўрон) нима қилади?

Қиш қандай совғалар олиб келди?

Ушбу совғалар инсонларга нима учун керак?

Қишки ўйинлар нима?

**Жисмоний дақиқа – логоритмика**

• *"Қишда"* деб номланган нутқий ҳаракатли ўйин. Ҳаракатларни импровизация қилиш.

| | |
|---|---|
| Қор ёғдию, қор ёғди. | *(Қўлнинг кафтлари билан қор* |
| Юмшоққина пар ёғди. | *парчаларининг ёғишини кўрсатиш.* |
| Дарахтлар-у , далага, | *Қулочни кенг ёзиб атрофни кўрсатиш,* |
| Томга баробар ёғди. | *оёқни баланд кўтариб юриш.)* |
| Коптоқ қилиб отаман. | *(Қорни икки кафт билан думалоқ қилиш,.* |
| Югураман, ботаман. | *қорга ботиб югуриш ҳаракати,.* |
| Юмшоқ парга ўралиб, | *Қорда думалаб ётиш ҳаракати,* |
| Мазза қилиб ётаман. | *қорда думалашдан завқланиш.)* |
| Вой мунча совуқ экан, | *(Кафтларни оғиз олдида иситиш,* |
| Ер ойнадек музлаган | *оёқ учида юриш қўллар белда.* |
| Юмшоқгина пар десам, | *Бир-бирига ажабланиб қараш,* |
| Санчиб олди-я тикан. | *бутун танани иситишга уриниш.)* |

**|В| товуши артикуляцияси ва талаффузини аниқлаштириш. В ҳарфи.**

• Товушнинг тавсифи (ундош – чўзиб айтиб бўлмайди, жарангли, юқориги тишлар ва пастки лаблар иштирокида талаффуз қилинади).

• *"Расмни топ".* Доскада бир қатор қилиб бир қанча расмлар қўйилган. Болалар улар орасидан номида [в] товуши бор бўлган расмни топадилар.

- *"Сўзни топ"*:

са-са-са, ват-ват-ват, ҳосил бўлади . . . (сават);
ҳол-ҳол-ҳол, ва-ва-ва, ҳосил бўлади . . . (ҳолва);
то-то-то, вуқ-вуқ-вуқ, ҳосил бўлади . . . (товуқ);
Ан-ан-ан, вар-вар-вар, ҳосил бўлади . . . (Анвар);
шўр-шўр-шўр, ва-ва-ва, ҳосил бўлади . . . (шўрва);
ди-ди-ди, ван-ван-ван, ҳосил бўлади . . . (диван).

- *"Сўзни тўғрила"*:

раквар – варрак;
ворафав – фаввора;
бусавто – автобус;
дикагвоз – гвоздика.

- *"Сўзни қадам ташлаб айт"*. Сўзларни бўғинларга ажратиш.

Логопед бошлайди:

Болалар билан биз қадам ташлаймиз,
Сўзларни биз қисмларга ажратамиз.

Ва-ли, вой, ав-то-бус, ҳол-ва, ва-гон-лар, фав-во-ра, то-вус, ал-фа-вит, ди-ван, ваф-ли, қо-вок, ван-на, вер-тол-ёт ва ҳ.к.

- В ҳарфи билан таништириш: контури бўйлаб ёзиш, бармоқ билан партада ёзиш, алфавитдан излаб топиш.

Л о г о п е д. В ҳарфи қайси томонга "қараб" турибди? *(Ўнг томонга.)*

- Сўзларни ўқиш: сават, ҳолва, шўрва; товуқ, товус, қовус; Анвар, Сарвар, Сарвара; вафли, Вали, Валида, Васила.

- *"Сўзни топ"*. Логопед товуш моделларини кетма-кет қўяди: кўк-қизил-кўк-кўк-кизил. Кейин эса: "Суюққина таом, ҳуш кўришар уни ҳар он". *(Шўрва.)*

- Гап тузиш, уни ўқиш ва таҳлил қилиш: "Валининг қўлида ҳолва. Мана товус. Васила шўрва тайёрлади".

- *"Жонли ҳарфлар"* (вафли, товуқ, това).

Машғулотлар комбинациялашган ҳарактерга эга бўлиб, фақатгина болалар луғат бойлигини оширишни эмас, балки нутқнинг грамматик тузилишини коррекциялаш, товушларни таҳлил қилишни, нутқ аппарати моторикасини ривожлантириш, олий психик жараёнларни фаоллаштиришни ҳам назарда тутади.

Машғулотлар ишланмасидан жой олган материаллар кўп қиррали бўлиб, ўйин ва машқлар соддадан мураккабга қараб жойлаштирилган. Улар болаларда фонематик идрокини, талаффуз малакаларини, эшитув диққатини, вербаль хотирасини, артикуляцион моторикасини ривожлантиришга йўналтирилган. Олий психик жараёнларни компенсация қилишни назарда тутувчи машқлар,

топшириқлар иложи борича вербаллаштирилган. Шу билан бир қаторда, логопедларга ва ота-оналарга таклиф этилаётган мавзулардан ўйин технологияларини қўллаган ҳолда ижодий ёндошиб машғулотларни олиб бориш тавсия этилади.

## Мактабгача ёшдаги оилада тарбияланаётган дизартрик болаларда овоз ва нафасни ривожлантириш йўллари

Турсунова С.Ж.
ТДПУ

Нутқида нуқсони бўлган болалар билан олиб бориладиган деярли барча коррекцион иш нутқий нафас ва овозни ривожлантиришдан бошланади. Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларда нутқий нафас ҳамда овоз камчиликлари кўп кузатилади. Шу боисдан овоз ҳамда нафасни ривожлантириш учун қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

1. Бир нафасда сўзлари кўпайиб борувчи гапларни қайтариш.

*Машғулотнинг бориши*: болага бурун оркали нафас олиш ва нафас чиқариш чоғида гапни талаффуз қилиш таклиф этилади.

*Кўрсатма*: "Диккат билан гапни эшит ва уни такрорла. Гапни бир нафасда тўгри айтишга ҳаракат қил".

1) Киз гул расмини чизяпти.

2) Қиз қаламлар билан гул расмини чизяпти.

3) Қиз каламлар билан чиройли гул расмини чизяпти.

4) Қиз рангли қаламлар билан чиройли гул расмини чизяпти.

2. Бир нафасда такрор бўгинли иборaларни қайтариш.

*Машғулотнинг бориши*: болага бурун орқали нафас олиш ва нафас чиқариш чоғида такрор бўгинли ибораларни айтиш таклиф қилинади. Эксперимент ўтказувчи топшириқни бажаришнинг намунасини кўрсатади.

*Кўрсатма*: "Диққат билан такрор бўгинли ибораларни эшит. Бурун орқали нафас ол ва нафас чиқариш чоғида уни мендек такрорла".

са-са-са – мана сизга иссиқ сомса.

иш-иш-иш – ўлкамизга келди қиш.

за-за-за – сув тўла кўза.

3. Бир нафасда автоматлашган каторни қайтариш.

*Кўрсатма*: "Бир нафасда бирдан ўнгача сана".

4. Қисқа шеърни қайтариш.

*Машғулотнинг бориши*: Қисқа шеърни ўқишда бола нафаснинг қайси фазасида нутқни бошлаётгани қайд этилади. Фонация ва нафас

координациясининг мавжудлиги белгиланади. Шунингдек, фонация ва нафаснинг дискоординацияси ҳам аниқланади.

*Кўрсатма*: "Шеърни чиройли, ифодали қилиб, тўхташ керак бўлган жойларда тўхтаб, худди байрамдагидек ўқиб бер".

Ишкомларга бир қаранг,
Ҳусайнилар ранг-баранг.

Уни сувда чайиб енг,
Боғбонига раҳмат денг.

*Машғулотнинг мақсади* – мусиқани аста-секинлик билан пастдан баландлашаётган, баланддан пастлашаётган ҳаракатини аниқлай олиши ва уни қайтара олиш кўникмасини аниқлаш. Овоз тебранишини баланд-пастлиги бўйича тадқиқ этиш. Бу дизартриянинг яширин шаклига эга бўлган бола ўз овозини қанчалик бошқара олишини, уни баланд-пастлиги бўйича ўзгартира олишини, овоз диапазони қанчалик кенг эканлигини аниқлаш учун муҳимдир.

*Жиҳозлар*: товушлар, тақлид сўзлар, ҳайвон ва уларнинг болалари тасвирланган предметли расмлар.

5. Турли хил баландликдаги овоз билан талаффуз қилинган айрим товуш ва тақлид сўзларнинг идрок этилишини тадқиқ этиш.

*Машғулотнинг бориши*: Болага турли хил баландликдаги товуш ёки тақлид сўзларни эшитиш ва эшитилганларни ҳайвон, уларнинг боласи тасвирланган расм ёки турли хил катталикдаги предмет билан боғлаш, мослаш тавсия этилади. Болага олдиндан қонун-қоидалар тушунтирилади. Масалан, итнинг овози "йўғон", яъни паст, кучук боласининг овози эса "ингичка", яъни жарангдордир.

*Кўрсатма*: "Эшит ва қайси ҳайвон қандай овоз чиқаришини кўрсат (айт).

| | |
|---|---|
| ВОВ↘ - ит | ВОВ↗- кучук боласи |
| МУ ↘ - сигир | МУ↗ - бузокча |

6. Айрим товуш ва тақлид сўзларни баланд ва паст овоз билан талаффуз қилиш.

*Кўрсатма*: "Қани катта кема, самолёт ва ҳ.к., ҳамда уларнинг кичикинаси қандай овоз чиқаришини, ҳайвонлар ва уларнинг болалари қандай овоз чиқаришларини кўрсат".

| | |
|---|---|
| ДУД↘ -катта (паст) овоз | ДУД↗ - кичик (жарангдор)кема |
| А ↘ | А -↗ |
| О -↘ | О -↗ |
| МУ ↘ - сигир | МУ ↗ - бузоқча |

7. Унли товушларни талаффузда уларнинг график тасвири ёки қўл ҳаракатига таяниб овозни баландлатиш ва пастлатишни амалга ошириш.

юқорига – овозни баландлатиш;

пастга – овозни пастлатиш.

*Кўрсатма*: "Сен оёқларинг билан эмас, балки овозинг билан зинапоялардан юқорига, кейин эса яна овоз билан зинапоялардан пастга тушишга ҳаракат қилиб кўр. Овоз зинапоялардан юқорига кўтарилаётганда, баландлашади ва ингичкалашади. Овоз зинапоялардан пастга тушаётганда эса, пасая бошлайди. Аввал **А** товуши, кейин эса **О, У** товушлари билан талаффуз қиламиз".




Методикадан нутқида нуқсони бўлган ҳамма болалар билан ишлашда фойдаланиш тавсия этилади, уни барча махсус мактабгача таълим муассасалирида қўллаш яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар


1. М.Ю.Аюпова. Логопедия. Дарслик. Тошкент, 2007.
2. Л.Р.Мўминова, М.Ю.Аюпова. Логопедия. – Тошкент, 1983.


## Семейное воспитание детей с ограниченными возможностями здоровья


Дудова З.З.

ТГПУ


Семья для ребёнка - это место его рождения и основная среда обитания. Семья должна обеспечить ребёнка заботой, пониманием, добротой, лаской. В процессе семейного воспитания формируется личность ребёнка, его взгляды, убеждения, характер, привычки. Благоприятное развитие ребёнка, степень его адаптации и реабилитации связаны со степенью помощи, которую ребёнок получает в семье. Семья должна принять ребёнка и помочь ему адаптироваться в окружающем мире. Основная роль в образовании ребёнка с ограниченными возможностями часто принадлежит родителям, так как такой ребёнок не всегда посещает дошкольное образовательное учреждение или школу. Но родители не

всегда знают, как им нужно обращаться с ребёнком. Рассмотрим некоторые виды моделей неправильного воспитания в семьях, имеющих ребёнка с проблемами в развитии:

1. Родители глубоко, трагически переживают неполноценность ребёнка, за ним закрепляется положение больного. Родители жалеют его, балуют, стремятся всё выполнить за него, излишне опекают. Такой стиль воспитания негативно влияет на формирование личности ребёнка, что проявляется в эгоцентризме, повышенной зависимости, отсутствии активности, самостоятельности, снижением самооценки ребёнка. Ребёнку с отклонениями в развитии должны вовремя прививаться навыки самообслуживания, посильный труд в семье.

2. Родители не уделяют должного внимания ребёнку, предоставляют его самому себе, стараясь всё воспитание переложить на школу. Это приводит к ещё большему отставанию в развитии, развитию неадекватных реакций у ребёнка.

3. Не желая примириться с неполноценностью ребёнка, родители преувеличивают его возможности, предъявляют к нему завышенные требования, не замечая недостатков. Постоянное давление делает ребёнка упрямым и раздражительным, а частые ситуации, в которых он чувствует себя некомпетентным, лишают его уверенности в себе.

4. Родители стесняются неполноценности своего ребёнка, прячут от людей, не посещают общественные места, лишая его жизненных впечатлений, ребёнок развивается медленно, растёт забитым, робким.

5. Родители считают себя виновными в состоянии ребёнка, настаивают на проведении самых неразумных методов «лечения», которые не приносят пользы ребёнку.

6. Ребёнок с проблемами занимает в семье положение «пасынка», его обижают, смеются над ним, подчёркивая его неполноценность. У ребёнка часто подавленное состояние, он обидчив, раздражителен, упрям.

Таким образом, родители часто из-за незнания основных закономерностей развития детей с особыми потребностями, допускают грубые ошибки в воспитании, травмирующие психику детей. В общении с детьми родители должны акцентировать внимание на спокойствии, терпеливости, последовательности. К ребёнку необходим особый, индивидуальный подход. Оптимальным в воспитании ребёнка с проблемами в развитии является стиль сотрудничества – конструктивная и гибкая форма взаимоответственных отношений родителей и ребёнка в совместной деятельности. Родители воспринимают ребёнка естественно, верят в его успех, сильные стороны его природы. Ребёнку оказывают необходимый объём помощи, развивают

самостоятельность. Родители организуют совместную с ребёнком деятельность, поощряют детскую самостоятельность, активность, поддерживают при неудачах. Это способствует развитию у ребёнка чувства защищённости, уверенности в себе, потребности в активном установлении межличностных отношений, как в семье, так и вне дома.

Для успешной социализации ребёнка родителям необходимо иметь объективные и полные сведения об особенностях воспитания детей с проблемами в развитии, уметь применять эти знания на практике. При воспитании детей с проблемами в развитии родители должны руководствоваться следующими положениями.

*Требование от ребёнка выполнения посильных обязанностей, построение отношений с ним на тех же основных принципах, что и со здоровым ребенком.* К ребёнку с нарушениями развития нужно подходить с той же меркой, что и к нормально развивающемуся. Часто родители полностью сосредоточены на патологии в развитии ребёнка, создают искусственные условия для его воспитания, которые фиксируют внимание на дефекте и приспособление дефектной функции. Упускается из вида потенциал развивающейся личности с областями, незатронутыми болезнью. Нередко родители оберегают ребёнка от трудностей из-за жалости, страха за него. Ребёнок должен выполнять посильные обязанности, иметь возможность должным образом приспособиться к сложным жизненным условиям.

*В формировании культурных потребностей и характера ребёнка с проблемами в развитии важным является воспитание полезных привычек.* Привычка значит очень многое в судьбе таких детей. Опоздание родителей в воспитании полезных привычек поведения является наиболее частым источником возникновения и укрепления вредных привычек.

*Умственное воспитание является одним из направлений воспитания ребёнка с ограниченными возможностями.* Недопустимо чрезмерно раннее обучение ребёнка в ущерб игровой деятельности, развитию навыков самообслуживания. Научившись читать раньше, чем думать, видеть и наблюдать, ребёнок теряет способность к сопереживанию, начинается формализованность мышления. Буквы, цифры, схемы вытесняют образы, подавляют образное мышление, не оставляют места для живой и спонтанной детской игры. Сначала ребенок должен накопить эмоциональный опыт отношений, научиться ориентироваться в себе, людях, реальной жизни.

*Нет умственного воспитания, а тем более, преодоления задержки умственного развития без воспитания трудолюбия.* Тяжки усилия родителей по преодолению задержки. Трудиться должен и ребёнок, и трудиться много. Родители не должны делать за ребёнка то, что он может сделать сам, не должны

позволять бросить незавершённое. Если ребёнок затрудняется закончить дело, пусть отдохнёт, а потом вернётся к начатому, и закончит.

*Одна из важнейших рекомендаций: не следует отвлекать ребёнка, когда он сосредоточенно занят игрой, делом, когда ему рассказывают или читают.* Занимаясь, играя с ребёнком, нельзя отвлекаться и тому, кто занимается с ним. Воспитание внимания очень важно в умственном развитии ребёнка. Внимательный ребёнок организован, сдержан, способен к самоконтролю. У невнимательного эти качества отсутствуют. Внимание нужно формировать и закреплять как привычку, как важную черту характера.

Большую часть речи ребёнка составляют вопросы. Поощряя стремление ребёнка задавать вопросы, отвечая на них, и в свою очередь, задавая их, родители лучше всего развивают умственные способности ребёнка. Задавая вопросы, в ребёнке воспитывают любознательность, наблюдательность. Ребёнка нужно научить слышать и видеть нужное, обращать его внимание на окружающие предметы и явления, побуждать его к пониманию причин происходящего.

При этом важное значение имеет активное использование игровой деятельности. Игра представляет благоприятные условия для умственного развития ребёнка. В игре формируются качества, необходимые в учёбе и дальнейшей жизни: внимание, ориентация, понимание, прогнозирование. В игре ребёнок ставит цель, планирует, как достигнет её и действует. Без игры, в частности, сюжетно – ролевой, он не сможет естественно войти в жизнь. Родители должны увлечь ребёнка, выбрать доступную игру с учётом его индивидуальных склонностей.

Родители ориентируют ребёнка в социально-бытовых вопросах, требованиях, предъявляемых семьёй, детским садом, школой, обществом. Ориентируя ребёнка, родители передают ему весь опыт предшествующих поколений. Этим они направляют его психическое развитие.

Очень благоприятны для детей дружеские, партнёрские отношения между супругами. Психологический климат в таких семьях благотворно влияет на весь уклад семейной жизни, на воспитание детей.

Литература

1. Винарская Е.Н. Раннее речевое развитее ребенка и проблемы дефектологии. Периодика раннего развития. Эмоциональные предпосылки освоения языка. М.: Просвещение, 1987.

2. Григоренко Е.Л. Генетические факторы влияющие на развитие девиантных форм поведения. Дефектология, 1996.

3. Лебединский В.В. Нарушение психического развития в детском возрасте. М.: Просвещение, 2003.

4. Ушаков Г.К. Детская психиатрия. М.: Просвещение, 1973.

## Развитие коммуникативного общения детей с нарушениями слуха в семье

Джалолова З.М.
ТГПУ

Государственная политика, проводимая в нашей республике по отношению к людям с инвалидностью, регулируется законом «О социальной защите инвалидов в Республике Узбекистан». Этот закон предусматривает систему мер по защите прав и интересов данной группы населения с целью создания для нее условий и возможностей равного и полнокровного существования среди остального населения, активного участия ее в экономической и политической жизни общества, а также исполнения своего гражданского долга. В этом смысле проблема формирования разговорной речи как средства общения детей с нарушениями слуха особенно актуальна.

Общение является основным индивидуальным средством поддержания жизнедеятельности человека, и без него становится невозможным существование какой-либо иной человеческой деятельности, так как именно общение служит другим видам деятельности и само поддерживается за счет их содержания.

Одна из основных функций общения - информационно-коммуникативная функция, которая основывается на обмене информацией, связанным с необходимостью познания друг друга.

Общение – это сложный и многогранный процесс. Процесс овладения навыками общения детьми с различными отклонениями порождает определенные трудности. Проблема состоит не только в том, что на определенной ступени развития дети не овладевают в достаточной степени лексико-грамматической структурой речи, но и в том, что в целом они не обучаются общению. Иначе говоря, не учитывается ведущий мотив человеческой деятельности - стремление к общению как средству, способствующему совместной практической деятельности. В настоящее время в системе обучения коммуникации детей с нарушениями слуха для общения между ними применяются следующие средства: индивидуальная деятельность в сотрудничестве, предметные рисунки, отражающие ту или иную деятельность, игра, конструирование, естественные движения, календарь, двигательная речь детей с нарушениями слуха, дактилология, устная и письменная формы речи.

На основе коммуникативного подхода созданы наилучшие условия для самовыражения слабослышащих детей в социально-бытовой сфере. Это, в свою очередь, приведет к увеличению речевого общения и расширению объема их речи. В настоящее время предлагается новый метод обучения глухих детей рассказыванию. Этот метод обладает целостностью, построен с учетом особенностей знаний и речи, свойственных слабослышащим детям, опыта социально-бытовой практической деятельности, специфики данной формы речи и ее генезиса у детей. В речевой деятельности слабослышащих детей для их самовыражения необходимы достаточные речевые условия. При создании речевой среды необходимо поддерживать высокую степень мотивации речевой деятельности и учитывать коммуникативное направление. Формирование содержательной речи учащихся, являясь условием повышения результативности обучения, служит усилению мотивации речевой деятельности. Этого можно достигнуть коммуникативной направленностью речи, а также подбором и специальной переработкой речевого материала с учетом интересов и степени развития речи детей с нарушениями слуха.

Коммуникативная направленность обучения обеспечивает увеличение доли инициативных (творческих) письменных работ учащихся, в числе которых письма различным адресатам (друзьям, родственникам, учителям), заметки в школьную газету, дополнения в устные рассказы учителей и др.

Говоря о средствах общения, используемых ребенком, мы подчеркиваем значение и чрезвычайную важность процесса формирования коммуникации, а также ее влияние в значительной степени на будущее развитие ребенка, так как умение воспринимать и передавать информацию лежит в основе овладения общечеловеческой культурой. Как показывают многолетние наблюдения, в процессе обучения дети с нарушениями слуха способны в соответствии с целями, задачами, содержанием и, исходя из конкретной ситуации общения, выбрать из сформированных коммуникативных средств подходящие средства для достижения желаемого результата. Тем самым подтверждаем, что возможно повышение степени владения коммуникативными средствами у детей с нарушениями слуха с низших ступеней на высшие (вербальные).

Подводя итоги сказанному выше, необходимо отметить, что первичный процесс обучения детей с нарушениями слуха разговорной речи формирует важные, содержательные параметры общения. Среди них личностная характеристика коммуникативной деятельности субъекта общения; общение и взаимодействие собеседников; ситуации как формы общения; содержание процесса общения; овладение системой речевых средств, обеспечивающих коммуникативную деятельность в ситуациях общения; функциональный характер овладения и использования речевых средств и др.

**М у н д а р и ж а**

Нурмухамедова Л.Ш. Шарқ мутафаккирларининг оилада фарзанд тарбиясига оид қарашлари.

Муминова Л.Р. Организация коррекционно-логопедической помощи детям с нарушениями речи.

Шоумаров Г.Б., Абидова М. Некоторые вопросы подготовки к семейной жизни учащихся вспомогательной школы.

Аюпова М.Ю., Тулабаева Н.Д. Оғир нутқ камчилигини бартараф этишда логопед ва ота-оналар ҳамкорлиги.

Аралбаева Р.К., Мамилина С.К. Семьи «группы риска» и особенности социальной работы с ними.

Шерьязданова Х.Т., Аралбаева Р.К. Современное состояние семьи и причины неблагополучия.

Назарова Д. Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар таълим-тарбияси тизимидаги ҳамкорлик масалалари.

Нуркелдиева Д.А., Арсланова М.М., Азимова Н.М. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар оиласидаги муаммолар.

Шомаҳмудова Р.Ш. Пўлатова У. Ш. Инклюзив таълим – самарадорлик омили сифатида.

Мўминова Л.Р., Қобулова Р.Б. Оилада болалар нутқини ўстиришда топишмоқларнинг аҳамияти

Қобулова Р.В. Мақолларнинг ибратли оламига йўл оиладан бошланади (халқ педагогикаси бисотидан).

Муминова Л.Р., Убайдуллаева К.А. Болаларнинг кохлеар имплантациясидан сўнг ота-оналарга махсус ёрдам кўрсатиш.

Пўлатова Х.М. Нутқ камчилигига эга бўлган боланинг ривожланишида оиланинг ўрни.

Нурмухамедова Л.Ш.Ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Аҳмедова З.М. Ривожланишда нуқсони бор болаларни тарбиялашда оиланинг ўрни.

Мамаражабова З.Н., С.Рустамова. Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорлиги муаммолари.

Соседова Н.Б. Подготовка детей с нарушением интеллекта к труду.

Пўлатова Х.М., Толяганова Г.Оилада нутқ камчилигига эга бўлган бола тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Хамидова М.П. Ақли заиф ўқувчиларни оилада тарбиялаш асослари

Нурмуҳамедова Л.Ш., Назарова Ш. Инклюзив таълим жараёнида ҳамкорликдаги фаолиятнинг муҳим жиҳатлари.

Пулатова С. Ота-оналарга болаларда "Сенсор тарбия" ҳақида тушунча.

Муминова Л.Р., Умарова Н. Мураккаб нуқсонли болалар ва катталарнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти.

Аюпова М.Ю., Холмухамедова З. Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Пўлатова Х.М., Рўзиева С. Таянч-ҳаракати фалажланган болалар нутқ камчилигини бартараф этишда ота-оналар хамкорлиги.

Аюпова М.Ю., Хайдарова И. Очик ринолалия ва унинг намоён бўлиши.

Амирсаидова Ш.М., Дефектолог ва оила хамкорлигининг самарали усуллари

Хамраева М.А., Советы родителем имеющие проблемы в воспитании детей с нарушениями слуха.

Якубжанова Д.Б., Муминова Н.Ю. Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг математика дарсларида сўзлашув нутқини ривожлантириш.

Ҳамидова М.У., Шукуралиева Н. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни оилада тарбиялаш.

Абидова Н.З. Оилада тарбияланаётган кўришда нуқсони бўлган болаларни ривожланишида дидактик ўйинларнинг аҳамияти.

Ибрагимова Л.С. Мактабгача ёшдаги эшитмайдиган болалар нутқини дастлабки даврда ривожлантиришда оиланинг ўрни.

Аюпова М.Ю, Арипова Ш.Д. Болалар нутқини ривожлантиришда ўйин технологияларини қўллаш.

Турсунова С.Ж. Мактабгача ёшдаги оилада тарбияланаётган дизартрик болаларда овоз ва нафасни ривожлантириш йўллари.

Дудова З.З. Семейное воспитание детей с ограниченными возможностями здоровья.

Джалолова З.М. Развитие коммуникативного общения детей с нарушениями слуха в семье.

## Муаллифлар ҳақида маълумот

Нурмуҳамедова Лайло Шараповна –педагогика фанлари номзоди, доцент. Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети декани.

Муминова Лола Рахимовна – педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги ТДПУ коррекцион педагогика кафедрасинингпрофессори.

Аралбаева Рысжамал Кадыровна – профессор кафедры возрастной педагогики и психологии Жетысуского государственного университета им. И.Жансугурова.

Мамилина Самал Кайратовна – магистр педагогики и психологии, старший преподаватель кафедры педагогики и психологии Жетысуского государственного университета им. И.Жансугурова.

Шерьязданова Хорлап Токтамысовна – доктор психологических наук, профессор, заведующая кафедрой психологии Государственного женского педагогического универститета, Казахстан, город Алматы

Шоумаров Ғайрат Бахромович – психология фанлари доктори, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг профессори.

Аюпова Мукаррам Юлдашевна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ коррекцион педагогика кафедрасининг профессори.

Аҳмедова Зуҳра Мирзабековна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг декан муовини, коррекцион педагогика кафедрасининг доцент в.б.

Шомаҳмудова Рискинисо Шомаҳмудовна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг профессори.

Соседова Надежда Васильевна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг доценти.

Амирсаидова Шахноза Мирсагатовна - педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг мудири.

Назарова Дилдора Асатовна – педагогика фанлари номзоди, А.Авлочий номидаги ХТХҚТМОМИ махсус педагогика кафедраси мудири.

Нуркелдиева Дилбар Ахатовна – педагогика фанлари номзоди. Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг мудири

Кабулова Раъно Васильевна – филология фанлари номзоди, "LOLA MUMINOVA" Нодавлат мактабгача ўқув коррекцион реабилитацион марказнинг катта илмий ходими.

Пўлатова Ханифа Мирзаевна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети деканининг муовини, коррекцион педагогика кафедрасининг доценти.

Мамаражабова Зулфия Норбоевна – филология фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг доценти.

Турсунова Севара Жасуровна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг ўқитувчиси.

Арипова Шахноза Дилмурадовна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг катта илмий ходим – изланувчиси.

Дудова Зумрад Зейнуллаевна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг ўқитувчиси.

Арсланова Мадина Мансуровна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг ўқитувчиси.

Хамидова Муяссар Палвановна – педагогика фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг доценти.

Якубжанова Дилобар Ботировна - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг катта ўқитувчиси

Джалолова Зулхумор Махамаджановна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси

Абидова Нилуфар Закировна - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Хамидова Муборак Убайдуллаевна - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети махсус таълим методикалар кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Хамраева Мухаббат Ахмеджановна - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Пулатова Саодат - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг ўқитувчиси.

Ибрагимова Лола Сайфитдтновна - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети коррекцион педагогика кафедрасининг ўқитувчиси.

Абидова Мадинахон – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг олигофренопедагогика йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Пулатова Умида – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Рўзиева Саодат – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Тулабаева Наргиза – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Тўлаганова Гўзал – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Убайдуллаева Камола – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Умарова Наргиза – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 2-курс магистри.

Хайдарова Ирода – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг логопедия йўналиши бўйича 1-курс магистри.

Азимова Насиба – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг талабаси.

Назарова Шаҳноза – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг 2-курс талабаси.

Рустамова Саломат – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг талабаси.

Муминова Нодира Юлдашевна – Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг талабаси

Шукуралиева Нажиба - Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультетининг талабаси.

Адади 200 нусха. Ҳажми 8,75 б.т.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида нашр қилинди.